37. Булгаков М. Уста ва Маргарита. – Т.: “Ёш гвардия”, 1987
38. Распутин В. Ёнгин. – Т.: “Ёш гвардия”, 1989.
39. Маркес Г.Г. Ошкора қотиллик қиссаси. Юз йил танҳоликда. Т., 1990.
40. Маркес Р.Р. Бузрукнинг кузи. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2008.
41. Мозм С. “Ой ва сариқ чақа”. ЖА, 2006, 1-2-сонлар.
42. Махфуз Н. Раққоса Родопис. – Т., Fafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2008.
43. Жойс Ж. Навқирон санъаткорнинг сийрати. “ЖА”, 2007/3-4.
44. Америка ҳикоялари. – Т.: SMI-ASIA, 2011.

Интернет маълумотлари

1. www.Lib.ru.
2. www.litera.ru.
3. www.Philologs.narod.ru.

Диссертациялар

1. Ёрматов И.Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. Док. дисс. авт. -Т., 1994.
2. Хоанг Лиен. Психологической мастерство и своеобразие изображения пейзажа в творчества Кавабата Ясунари.Автореф. канд. дисс.-Т., 2001.
3. Қосимов А. Типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсирнинг назарий муаммолари (А. де Сент-Экзюпери ва А.Камю ижоди мисолида). Докторлик дисс. авт.-Т., 2007.
4. Сайдазимова У.Т. “Хон Кил Дон ҳақида қисса” – Ўрта аср корейс насрининг намунаси.Номзодлик дисс. авт. – Т., 2011.

Тузувчи:

ф.ф.н.доц. Қ. Кўбаев

Кафедра мудири

ф.ф.н. Ф. Шарипов

Ёзма (оғзаки) ишларни баҳолаш мезонлари (оралиқ ва якуний назорат бўйича):

Аъло баҳоланади, қачон (86-100):

- вариант саволларининг барчасига атрофлича, аниқ ва тўғри жавоблар берилса (ёзилган бўлса);
- талаба берилган масалалар бўйича қўшимча маълумотлардан хабардор бўлса;
- қонун-қоидалар, назария ва тахминлар, тушунчалар ва тасаввурлар тўғри ва аниқ айтилса (ёзилган бўлса);
- баёнда илмий хатоликларга йўл қўйилмай, материал мазмунининг илмий ва мантиқийлиги сақланган (пухта ёзилган) бўлса;
- баёнда орфографик ва грамматик хатоликлар учрамаса.

Яхши баҳоланади, қачон (71-85):

- вариант саволига берилган (ёзилган) жавоблар тўғри, аммо фақатгинаўқув дастури талаблари доираси билан чекланиб қолган;
- жавобларда илмийлик бузилмаган;
- баён мазмунида мантиқ сақланган;

- қонун-қоидалар, назария ва тахминлар, тушунча ва тасаввурлар баёнида хатоликлар учрамаса;
- баёнда орфографик ва грамматик хатолар учрамаса;
- берилган саволларнинг (топшириқларнинг) биттасига тўлиқ жавоб (ёзилмаган бўлса) берилмаса.

Қониқарли баҳоланади, агар (55-70):

- саволларга тўлиқ жавоблар берилмаган (ёзилмаган) бўлса;
- вариант саволларига берилган (ёзилган) жавоблар юзаки: баъзи бир мантиқий кетма-кетлигига таъсир кўрсатмайдиган грамматик хатолар мавжуд;
- баёнда баъзи мантиқий чалкашликлар қайд этилса;
- қонун-қоида, назария ва тахминлар, тушунчалар ва тасаввурларда баъзи бир ноаниқликларга йўл қўйилган бўлса;
- баён орфографик ва грамматик томондан нотўғри бўлса.

Қониқарсиз баҳоланади, қачон (0-54):

- вариант саволларининг 1-3 га ёки умуман жавоб берилмаган (ёзилмаган) бўлса;
- вариант саволларига берилган (ёзилган) жавоблар нотўғри ёки аниқ берилмаган (ёзилмаган) бўлса;
- жавобларда ноаниқлик ва мантиқий чалкашликлар қайд этилса;
- баён матнида орфографик ва грамматик жиҳатидан хатолар кўп бўлса.

ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИНИНГ 2-КУРС ТАЛАБАЛАРИ УЧУН
“ЖАҲОН АДАБИЁТИ ТАРИХИ” ФАНИДАН 2010-2011-ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ
I СЕМЕСТРИ УЧУН РЕЙТИНГ НАЗОРАТИ МЕЗОНЛАРИ

| <i>Фан номи</i> | <i>Рейтинг баҳоси</i> | <i>Жорий назорат (семинар)</i> | <i>Оралик назорат</i> | <i>Якуний назорат</i> |
|-------------------------------|--|--|--|---|
| ЖАҲОН АДАБИЁТ И ТАРИХИ | ЖАМИ-100 балл “5”-86-100 балл “4”-71-85 балл “3”-56-70 балл | 4 та x 10 балл= 40 балл 21 та семинар: Семинар баҳолари: ЖАМИ-40 балл “5”- 35-40 балл “4”- 29-34 балл “3” – 23-28 балл 1 та семинарнинг баҳоси: ЖАМИ-10 балл “5”- 8-10 балл “4”- 5-7 балл “3”- 2-4 балл | 2 та x 15= 30 Балл 2 та ёзма иш ёки тест: Оралик назорат баҳолари: ЖАМИ-30 балл “5”-26-30 балл “4”-21-25 балл “3”16-20 балл 1 та ёзма иш ёки тест = 15 балл 1 та ёзма иш ёки тестнинг баҳоси: ЖАМИ-15 балл “5”-13-15 балл “4”-10-12 балл “3”-7-9 балл Оралик назорат 3 та саводдан иборат: 3x5=15 балл 1 савоннинг баҳоси: ЖАМИ-5 балл “5”- 4-5 балл “4”-2-3 балл “3”-1 балл | ЖАМИ 30 БАЛЛ 3 савол x 3=10 балл Якуний назорат баҳоси: “5”- 26-30 балл “4”- 21-25 балл “3”- 16-20 балл 1 савоннинг баҳоси: ЖАМИ-10 балл “5”- 8-10 балл “4”- 5-7 балл “3”- 2-4 балл |

Фан ўқитувчиси _____ ф.ф.н. доц. К. Кўбаев

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ САВОЛЛАРИ

1. Мифология нима? Мифологиянинг моҳияти ва аҳамияти нимадан иборат?
2. Юнон қаҳрамонлик эпоси билан гуркий халқлар яратган қаҳрамонлик эпослари ўртасидаги ўхшашликлар нималардан иборат?
3. Хомернинг достонлари билан «Алпомиш» ўртасидаги ўхшашлик нимада кўринади?
4. Шоира Сапфо лирикасининг халқ қўшиқларига яқинлиги қандай изоҳланади?
5. Қадимги Юнонистонда драмапинг келиб чиқиши ва турлари.
6. Эсхилнинг трагедияларида мифологик образлар орқали даврпинг ижтимоий ходисалари қандай кўрсатилган?
7. Софокл трагедияларининг асл моҳияти нимадан иборат?
8. Юнон комедиясининг ўзига хос хусусиятлари ва Аристофан қандай мавзуларда асарлар яратди?
9. Эллин даври поэзиясининг ривожлаинши ва буколикаларнинг пайдо бўлиши.
10. Рим адабиётининг пайдо бўлишида Юнон адабиётининг таъсири нимада кўринади?
11. Август асри адабиётининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
12. Илк ўрта аерлар адабиётининг ривожланишида халқ ижодиётининг роли.
13. Қаҳрамонлик эпосининг халқчиллиги.
14. Рицарълик романларида фантастика.
15. Фаблио ва шванклар.
16. Дангенинг «Илоҳий комедия» асарида реалистик ҳолатлар.
17. Боккаччопинг «Декамерон» асарининг Уйғониш даври адабиёти тарихидаги аҳамияти.
18. Шекспир комедиялари ва трагедиялариниш мавзуси.
19. Классицизмнинг асосий принциплари нима?
20. Барокко қандай оқим ва унинг вакиллари кимлар?
21. Лоне де Веганинг «Қўзибулօқ» асарининг конфликти нимада?
22. Мольернинг «характерлар комедияси» деб номланган асари қайси?
23. Лафонтен масалларидағи халқчиллик нимада?
24. Маърифатчилик адабиётининг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
25. Дефонинг асарларида халқقا муносабати қандай?
26. Дефонинг педагогик қарашлари қандай?
27. Свифтнинг сатирик сифатида танилишига нима сабаб бўлган
28. Свифт ижодий методи.
29. Вольтернинг классицизм ва реализмга муносабати қандай?
30. Руссонинг педагогик қарашлари.
31. Шиллер асарларидаги исёнкорлик руҳи.
32. Гёте асарларининг халқчиллиги нимада кўринади?
33. «Фауст» асарининг фапсафий хусусиятлари нимада?
34. Романтизм оқимининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?
35. Байрон ижодида миллий озодлик кураши қандай ёритилган?
36. Байрон ижодида Шарқ мавзуси.
37. Гюго ижодида халқ образи.
38. Бальзак, ижодида шахе масаласи.
39. Мериме ва фольклор.
40. Диккенснинг сатирик асарларида хагсқ образи.
41. Ҳейне - озодлик учун курашувчи.
42. Золя ва натурализм
43. Золянинг «Ҳамал» романида меҳнат ва капитал ўртасидаги қарама-қаршилик нимадан иборат?

44. Мопассан ҳикояларида психологик таҳлилнинг чуқурлиги нималарда кўринади?
45. Хемингуэйнинг уруш, тинчлик инсон ҳақидаги тушунчаларининг ўзига хослиги нимадан иборат?
46. Шоу драматургиясида ижобий қаҳрамон масаласи қандай ёритилган?
47. Марк Твен ижодида ахлоқ тасвири.
48. Жек Лондон ҳикояларида табиат, жамият ва шаҳе масаласи қандай ёритилган?
49. Ромен Роллам ижодида миллий инқилобий мавзунинг очилиши. Модернистик адабиёт ва унинг пайдо бўлиш омиллари.
50. Модернизм эстетикаси.
51. Модернизм йўналишлари: экспрессионизм, дадаизм, кубизм, абстракционизм, сюрреализм...
52. Модернизм ва адабий турлар.
53. Ж.Жейс модернизм асосчиси сифатида.
54. Модернизм ва Кафка ижоди.
55. Ж.П.Сартр ва экзистенциализм.
56. Камю ва абсурд фалсафаси.
57. Модернизм ва мифология.

«ЖАҲОН АДАБИЁТИ ТАРИХИ» ФАНИ БЎЙИЧА МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

1. КИРИШ: “Жаҳон адабиёти тарихи” фанининг обьекти, даврлари, мақсад ва вазифалари (2СОАТ)

- “Жаҳон адабиёти тарихи” фанининг обьекти, географик ҳудуди ва даврий миқёси;
- Жаҳон адабиёти тарихининг даврлаштирилиши;
- Фанинг мақсад ва вазифалари
- Қадимги адабиётнинг жаҳон адабиётига таъсири.

Таянч сўз ва иборалар:

дунё адабиёти, илк давридан XXI асргача, қадимги шарқ, антик, ўрта асрлар ва ўйғониш даври, классицизм, романтизм, танқидий реализм, натурализм, модернизм, постмодернизм, давр ва оқимлар, адиблар, асарларда илгари сурилган ғоялар услублар.

2. ҚАДИМГИ ДУНЁ АДАБИЁТИ ВА МИФОЛОГИЯСИ. (4 СОАТ)

- Қадимги дунё адабиётининг географик ҳудуди.
- Қадимги Шарқ ҳалқлари адабиёти.
- Шумер маданияти дунё маданиятининг илк ўчоги сифатида.
- Шумер адабий ёдгорликлари ва кейинги жаҳон адабиёти.
- Қадимги Миср адабиёти.
- Қадимги ҳинд адабий намуналари – “Панчантантра” ва “Рамаяна”.
- Энг қадимги Шарқ ва юнон адабиёти орасидаги муштараклик.
- Юнон мифологияси.
- Шумер, Миср, Ҳинд ва Юнон мифлари орасидаги параллеллар.
- Миф ва бадиий адабиёт.
- Қадимги жамият - инсоният ривожланишининг алоҳида босқичи сифатида.

Миф ва афсоналар учун яхшилик билан ёмонлик, нур билан зулмат ўртасидаги кураш характерлидир. Кишилар яхшилик, баҳт-саодат, қуёш нури ва иссиқликни ёмонлик, баҳтсизлик, зулмат ва даҳшатли совукқа қарама-карши кўйиб, баҳт ўлкаси, баҳтсизлик ўлкаси деган мифларни яратганлар. Табиатда улуғ ва фойдали қучлар - қуёш ва сув абадий бўлган ўлка ҳамда оғат келтирувчи қучлар - зулмат ва кулфат абадий бўлган ўлка бор деб ҳисоблаганлар. Кўпчилик мифологик образлар мана шу икки ўлка ва улар ўртасидаги кураш фонида гавдаланади.

Луғатларда бу сўзлар қуидагича изоҳланган: **миф** - маъбудлар, афсонавий қаҳрамонлар, дунёнинг яратилиши ва ер юзида хаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги қадимий ҳалқ ривоятлари, афсона. **Мифология** - мифлар ҳақидаги фан; бирор ҳалқнинг мифлари, афсоналари мажмуи. Биз бу таърифни бутунлай рад этмаган ҳолда, унга бир оз ўзгартириш киритиш тарафдоримиз. Аждодларимизнинг дунё тузилиши тўғрисидаги тушунчалари, табиат ва кишилик жамиятида содир бўлаётган барча ҳодисаларни тушунтиришга имтилишлари мифларда ўз аксини топган. Шу боис ҳам, мифлардаги худолар, маъбуд ва маъбудалар образларига аждодларимиз томонидан яратилган илк бадиий образлар сифатида қарашимиз керак деб ҳисоблаймиз. Улар бу образлар орқали адолат, ҳақиқат ва эзгулик каби фазилатларни улуғлаганлар. Кейинчалик худолар образи

жамиятдаги воқелик билаи уйғуллаштирилган, унга яқинлаштирилган. Бу эса худолар, маъбуд ва маъбуналар образларининг хаёлий эмаслигини маълум даражада тасдиклайди. Яъни, мифлар шунчаки хаёл маҳсули, кишиларнинг табиат ҳодисалари олдидағи ўз ожизлигини тан олиш эмас, балки инсоний фазилатлар улуғланган, кишиларнинг орзулари ифодаланган, кишиларни ҳаётни ссвишга, ҳар қандай ишда ғолиб чиқишига йўлловчи ва инсоннинг куч-құдратини улуғловчи илк асарлардир.

Юнон мифлари ҳали юононлар хат-саводни билмаган вактларида ёк яратила бошланган, асрлар давомида секин-аста тартибга келган, оғиздан-оғизга, наслдан-наслга ўтган ва ҳеч қачон алоҳида бир кигоб шаклида ёзилмаган. Мифларни биз қадимги юнон адибларида Гесиод ва Ҳомерларнинг, юнон драматурглари Эсхил, Софокл, Еврипид ҳамда анча кейинроқ яшаган ёзувчиларнинг асарларида кўрамиз. Шунинг учун ҳам юнон мифларини ҳар хил манбалардан тўплаб, бир тизимга йиғишига тўгри келган.

Мифларда ҳикоя қилинишича, ерда даставпал даҳшайш маҳлуқлар: девлар, оёклари ўрнида баҳайбат илонлар биланглаб турган гигантлар, катталиги тоғдай юз-қўлликлар, пешонаси ўртасида биттагина чақчайга кўзи бор ваҳший қиклоплар, Ер ва осмоннинг даҳшатли болалари - құдратли титанлар яшагаи. Юнонлар гигантлар ва титанлар образида табиатнинг ёвуз кучларини гавдалантирганлар. Мифларнинг ҳикоя қилинишича, оқибат натижада табиатнинг бу ёвуз кучлари дунёда тартиб ўрнатган ва унга ҳукмронлик қилган Чакмоқ Чақар ва Булат Кувлар осмои шохи Зевс томонидан жиловланган ва бўйсундирилган. Титанлар ўрнига Зевс салтанати бунёдга келган.

Юнонлар худоларни одам шаклида тасаввур қилганлар, уларнинг бир-бирлари билан муносабати ҳам кишилар ўртасидаги муносабатга ўхшаган. Юнон худолари ўзаро жанжаллашган, ярашган, одамлар ҳаётига доимо аралашиб турган, урушларда иштирок этган. Ҳар бир худонинг ўзига яраша иши бўлган, оламда маълум «хўжалик»ни «бошқарган». Юнонлар ўз худоларига одамлар сингари табиат (характер) ва хулқ-автор берганлар, худолар оддий одамлардан фақат ўлмаслиги билангина фарқ қилган.

Ҳар бир юнон кабиласининг ўз йўлбошчиси, харбий бошлиғи, судъяси ва хўжайнини бўлгани каби, юнонлар **Зевсни** маъбулларнинг бошлиғи деб хисоблаганлар. Юнонларнинг эътиқодича, Зевснинг оиласи – ака-укалари, хотини ва болалари у билан биргаликда дунёга ҳукмронлик қилган. Зевснинг хотини **Гера** оила, никоҳ, уй-рўзгор ҳимоячиси ҳисобланган. Зевснинг акаси **Посейдон** денгизлар устидан ҳукмронлик қилган, укаси **Аид** (Гадес) эса ер ости ўликлар дунёсини бошқарган. Зевснинг синглиси **Деметра** дехқончилик маъбуласи бўлиб, ҳосилни бошқариб турган. Зевснинг бош хотини Герадан ва бошқа маъбуналардан кўрган бир қанча фарзандлари иккинчи даражали маъбуналар қаторига кирган. Герадан туғилган биринчи ўғли **Гефест** – оташ маъбуди, темирчилик ҳомийси; иккинчи ўғли **Арес** – қонли урушлар маъбуди; зулмат маъбуласи Латондан туғилган ўғли Аполлон – ёруғлик, санъат, шеърият ва мусиқа маъбуди, улуғ қоҳин ҳамда буюк чавандоз; унинг синглиси **Артемида** – қамар маъбуласи, ўрмонлар ва уларда яшовчи жониворлар маликаси, чарчашини билмайдиган Зевснинг миясидан бунёдга келган **Афина Паллада** – донолик маъбуласи, хунар ва билим, шаҳарлар ҳомийси; Олимп сultonининг зебо қизи **Афродита** ва унинг ўғли **Эрот** – севги ва гўзаллик маъбуналари; паризод Майядан туғилган ўғли **Гермес** – маъбуналар жарчиси, мурдалар рухини охиратга кузатиб борувчи, сайёҳ ва савдогарлар ҳомийси, бадантарбия ишларининг раҳнамоси.

Мифларнинг ҳикоя қилинишича, бу худолар одамлар кўзидан доимий булатлар билан тўсилгаи Олимп тогида истиқомат қилганлар, «худолар овқати» – оби-ҳаёт ва амброзия еб кун кечиргандар. Барча ишлар Зевс хузуридаги базмларда ҳал қилинган. Ерадиги одамлар ўз касбларига кўра, худолардан бирига сажда қилганлар, уларга атаб эхромлар қурганлар, хайр-эҳсон келтириб, қурбонлик қилганлар.

Мифларда кўрсатилишича, бу асосий худолардан ташқари бутун ер юзи табиат кучларини гавдалантирган маъбуд ва маъбуналар билан тўла бўлган. Дарё ва сойларда нимфа **Наядлар**, дengизда **Нереидлар**, ўрмонда эчки оёкли, бошида шохи бор – **Дриадлар**

ва *Сатиralар* яшаганлар; тоғларда нимфа *Эхо* яшаган. Осмонда *Гелиос* – қүёш ҳукмронлик килган, у нафасидан ўт чақновчи отлар қўшилган олтин аравасида ҳар куни дунёни айланиб чиқкан; қип-қизил *Эос* – шафак дунёга унинг чиқишидан дарак берган; тунлари осмонда *Селена* – ой ҳасрат чеккан. Шамоллар ҳам ҳар хил маъбудалар билан ифодаланган: даҳшатли шимолий шамол *Борей* бўлса, илиқ ва майин шамол *Зефир* бўлган. Кишилар ҳаётини учта такдир маъбудаси - *Мойралар* идора этган, улар киши ҳаётининг ипини туғилганидан то ўлгунча йигириб турганлар ва истаган пайтларида узиб юборишга қодир бўлганлар.

Зевс – маъбудалар маъбуди, Олимп тоғида жойлашган сарой тахтида ўтириб, ўз қўли остидаги салтанат – коинотни бошқаради. Шу жиҳатдан уни ўзбек мифологиясидаги эзгулик худоси Ахурамаздага ўхшатиш мумкин. Лекин унинг Ахурамаздадан фаркли томони шундаки, Зевснинг табиатида кескинлик ва қатиққўллик ҳам учрайди. Буни Эсхилнинг «Занжирбаид Прометей» трагедиясида кўриш мумкин.

Маъбудаларни одам қиёфасида тасаввур этиш, ўз навбатида мифологияни ҳакиқий ҳаётга яқинлаштириди ва унинг образларига чинакам ҳаётийлик бағишилади. Юон мифологиясининг бемисл бойлиги, образларининг нағислиги бутун инсоният тарихи давомида китобхоннинг диққатини ўзига жалб этиб келди, юон адабиёти ва санъатига эса беҳад-беҳисоб порлоқ мавзуулар ҳадя қилди.

Юонлар худолари тўғрисидаги мифлардан ташқари қаҳрамонлар тўғрисида ҳам мифлар яратганлар. Қадимги Юонистон бир бугун давлат бўлган эмас, улар бир-бири билан тез-тез урушиб турадиган, баъзи-баъзида бирлашиб, умумий душманга қарши курашган майда шаҳар-давлатлардан ташкил топган, ҳар бир шаҳарнинг, ҳар бир вилоятнинг ўз қаҳрамони бўлган. Масалан, Афина қаҳрамони она-ватанини истилочилардан ҳимоя қилган ва баҳайбат *Минотавр* буқасини яккана-якка олишиб енган Тезей исмли йигит бўлган. Минотавр буқаси емиш учун Афина ўғил-қизларидан олиб турар экан. Фракия қаҳрамони машхур қўшиқчи *Орфей* бўлган. Агривянларнинг қаҳрамони бир қарашда одамни тошга айлантириб қўювчи *Медузани* ўлдирган *Персей* бўлган.

Кейинчалик. Юон қабиладари секин-аста бирлашиб, юонлар ўзларини ягона ҳалқ эллинлар деб билганидан сўнг *Гераклни* бутун Юонистоннинг қаҳрамони деб эътироф этишган. Турли Юон шаҳарлари ва Мифлар яратилган. Геракл – ҳалқ қарамони.

Геракл қаҳрамонликлари туркий ҳалқлар яратган «Гершасп», «Эликбек» каби мифлардан кўра кўпроқ қаҳрамонлик эпослари ҳисобланган «Тўмарис» ва «Широқ» афсоналарига ўхшаб кетади. Бизга маълумки, Тўмарис ҳам, Широқ ҳам ҳалқ қаҳрамони образлари бўлиб, улар тахминан эрамиздан аввалги VI–V асрларда яшаб ўтган тарихий шахслардир. Гераклни эса биздан бир неча ўн асрлик олис масофа ажратиб туради.

Қадимги адабий ёдгорликлар сифатида *Хомернинг «Илиада»* ва *«Одиссея»* достонларини кўрсатиш мумкин. Ҳар икки достоннинг мавзуси Троя афсоналаридан, яъни юонлар билан трояниклар ўртасида бўлиб ўтган уруш ривоятларидан олинган. Хомер достонларида акс этирилган жамият тараққиётининг босқичлари.

«*Илиада*» достоин 15700 мисрадан иборат бўлиб, 24 бобга бўлинган. Асаннинг бош мавзуси – *Ахилл* ғазабини қуйлаш. Ахилл – юонлар баҳодири. Унинг баҳодирлиги дўсти Патрокл учун трояникларга қарши жангга кириб, троя баҳодири Гекторга қарши курашида кўринади. «*Илиада*» - жангнома бўлса, «*Одиссея*» - саёҳатномадир. «*Одиссея*» достонида Троя урушининг бош қаҳрамонларидан бири, Итакия шохи *Одиссейнинг* саргузаштлари ҳикоя қилинади.

«*Илиада*» ва «*Одиссея*» қаҳрамонлари - ҳарбий демократия ва уруғчилик жамоасининг инқизозга юз тута бошлаган давридаги юон қабилаларининг орзуларини ифодаловчи асарлардир.

Хомер ҳар қандай севимли шоирдек, аввало ҳар бир китобхоннинг шахсий эмоционал туйғуларига мурожаат қиласи. Унинг қарашларида адабий ва азалий муаммоларгина эмас, кейинги барча замонларга тесишили даъватлар ҳам сезилади.

Бизнингча, ҳар бир ҳозирги китобхон ҳам бу қадими эпосларда даврнинг энг долзарб муаммоси - уруш ва тинчлик ҳақида ўзини ҳаяжонлантирувчи мулоҳаза ва ҳис-туйгуларни топади. Оврўпо халқлари адабиётларининг энг яхши намуналари эзгулик ва инсонгшрварлик ғоялари билан сугорилар экан, бунда қадим юонон эпосларининг таъсири йўқ деб бўлмайди. Жумладан, Ҳомер ҳатто ўзининг энг севимли қаҳрамони Ахиллнинг ҳам интиқом изтиробида эс-хушини йўқотиб ваҳшиёна қон тўкишини кечирмайди. У меҳмондўст қўшнисига хиёнат қилиб уруш бошланишига сабаб бўлган трояликларга ҳам инсоний бир шафқат тилайди, Ўз шаҳарларини, болаларини, ҳаётларини ҳимоя қилишга мажбур бўлган, ўз шаҳзодаси Париснинг касрига қолган трояликларга хайриҳоҳлик билдиради. Бироқ оддий кишиларга бўлган бу хайриҳоҳлик ҳеч бир жойда ёвузиликни оқлаш, хиёнатни хаспўшлаш тусини олмайди. Ахлоқий позициянинг бундай мустаҳкамлиги, ҳаётбахшлиги, эзгулик ва ҳалолликка, жаҳоний уйғунлик ва мангу гўзалликка интилиш – бу достонларнииг умрбоқийлигини таъмин этган.

Назаримизда, достонларнииг барча халқдар, барча замонлар учун барҳаётлиги сабабларидан яна бири – шеърият даҳосининг қалам ва қалом қудратидир.

Юонон адабиётидаги дидактик эпосининг энг биринчи намунаси **Гесиоднинг «Мехнат ва кунлар»** поэмасидир. Асар инсон мсҳнатининг улуғлиги,adolatнинг барқарорлиги ва меҳнат аҳлиниң тириклиги йўлида учрайдиган турли масалалар ҳақидаги насиҳатлар шаклида ёзилгандир. Асарга кирган «Қирғий билан Булбул» масалида шоир замонидаги ижтимоий тешсизлик ифодапанган. Зўравонлик ҳукмрон бўлган замонда факирлар учун ягона чора – меҳнат қилиш ва меҳнат орқали тириклик ўтказиш деган фикрни илгари суради.

Эрамизгача бўлган VII–VI асрларда юонон жамияти ва маданияти. Юонон ҳаётida рўй берган ижтимоий сиёсий ўзгаришилар натижаси ўлароқ адабий жанр сифатида лириканинг пайдо бўлиши.

Юонон тилидаги «лирика» чолғу асбоби «лира»дан олинган бўлиб, мусиқа билан айтилувчи шеър деган мазмунни билдиради. Ҳар бир лирик шоир ҳам, муаллиф ҳам бастакор бўлган. Кейинчалик лириканинг **ямб ва элегия** турлари адабий жанрга айланди. Шу билан бирга якка шахс томонидан ижро этиладиган – монодик лирика ва хор лирикаси вужудга келди. Қалимги юонон шеъриятида қофия бўлган эмас, лекин оҳангдорликни белгиловчи вазн бўлган. Манбаларнинг берган маълумотига кўра юонон лирикаси бой ва ранг-баранг бўлган. Элегик лириканинг вазни ҳам, мазмуни ҳам эпик достонларга яқин туради. Ямб – ҳазил-мутобибани, танкидий фикрларни ифода этувчи шеърий асар.

Бизга маълум бўлган энг қадимги элегиянавис шоир – **Каллиндир**. Энегияларида ватанини ҳимоя қилишга даъват этади. Бу мавзу шоир **Тиртей** ижодида давом эттирилиб, шеърларида Спарта лашкарларини ватанини муҳофаза қилишга, душманга нисбатан шафқатсиз бўлишга чақиради. Шоиринг таъбирича, жангчининг олий фазилати – ботирлик ва жасоратдир. Шу билан бирга қўрқоқлик, номардликни қаттиқ қоралайди. Тиртейнинг элегаялари бутун юонон оламида кенг тарқалган. Шоирнинг шеърлари жангга кетаётган лашкарларнинг жанговар кўшиғига, мактаб талабаларини ватанпарварлик руҳида тарбияловчи дарсликка айланган.

Архилох ижодида инсоннинг шахсий туйгулари ўз ифодасини топган. Унинг поэзиясида бошидан кечирган оғир ҳаёти, аламли мухаббати тасвирланади. Архилох ижодида элегия ва ямблар яратган.

Бу даврда монодик, яъни яккахон лирика ҳам ривожланди. Шоир **Алкей** билан Санфолар бу лирика вакиллариридир. Алкей ижодида сиёсий мавзулар билан бирга аёллар латофатини тасвирловчи шеърлари ҳам мавжуд.

Шоира **Сапфо** поэзияси факатгина шахсий кечинмалар, юрак хислари билам чегараланган, деярли якка-ягона мавзу – севги ва гўзалликдир.

Монодик лириканинг япа бир вакили шоир **Анакреонт**. Бу шоир ижодидаги асосий мавзу – ишқ ва майдир. Анакреонтнинг ишқий ва зиёфат маросимларида айгиладиган

қўшикларииинг ҳаётбахш оҳанги. Анакреонт ишқий шеърларидан ташқари мадхия, элегия, эпиграммалар ҳам ёзган.

АДАБИЁТЛАР

1. Никитина В.Б. и др. Литература древнего востока. М., 1962.
2. Тронский. И.М. История античной литературы. – М., «Высшая школа», 1988.
3. Алимухамедов А. «Антик адабиёт тарихи», – Т.: «Ўқитувчи», 1975.
4. Сураймонова Ф. «Шарқ ва Ғарб». - Т.: «Ўзбекистон», 1997.
5. Кун Н. А. «Қадимги юнон афсона ва ривоятлари». Самарқанд, “Зарафшон”, 2005.
6. Эллада қаҳрамонлари. – Т.: «Ёш гвардия», 1976 йил.
7. Ҳомер. Илиада. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988 йил.
8. Ҳомер. Одиссея. (Парча). “ЖА”, 2009/1.
9. Панчтантра. – Т.: “Чўлпон”, 1993.
10. Рамаяна. – Т.:, 1978.
11. Конфуций. Муҳокама ва баён. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2010 – 110 б.
12. Эзоп масалалари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2010 – 212 б.
13. М. Махмудов. Ҳомер олами. “ШЮ”, 2007/6.
14. Илёсов Я. Сўғдиёна. – Т.: «Шарқ», 1994 йил.

3. АТТИКА ДАВРИ ЮНОН АДАБИЁТИ (2 СОАТ)

- *Аттика даври юонон адабиёти.*
- *Драманинг пайдо бўлиши.*
- *Илк драматурглар: Эсхил, Софокл, Эвропид.*
- *Юонон театрининг ўзига хосликлари.*
- *Аристофан – комедиянавис.*
- *Антик давр юонон прозаси ва унинг ийналишилари.*
- *Тарихий, риторика, фалсафий проза бадиий адабиётга алоқадорлиги.*
- *Эллинизм даврида янги комедия.*
- *Александрия поэзияси ва унинг ўзига хосликлари.*
- *Юонон адабиётини жаҳон адабиётига таъсири.*

Эрамиздан аввалги V аср юонон жамиятининг ижтимоий-сиёсий ва маданий жиҳатдан юқори босқичга чиқкан даври бўлиб, Перикл давлатни бошқарган. Бу давр юонон тарихи воксаларга бой, турли жаоҳалар, жумладан, илму-фан, санъат ривожлантирилди. Ана шу ўзгаришлар муносабати билан муҳим сиёсий ва ахлоқий муаммолар адабиётда ўз ифодасини топди. Бу муаммолардап давлат билан фуқаро орасидаги масалаларни ҳал қилиш, ҳалқ, манфаатларини ҳимоя қилиш, инсонпарварлик эди. Худди шу масалаларни ҳал қилишда драматургия жанрини алоҳида кўрсатиш лозим.

Драма - харакат маъносини ифодалаб, унинг келиб чиқишини халқнинг диний маросимлари билан боғлайдилар, Дионис маросимларидан (мехнат ва маросим қўшиклари) драманинг барча турлари - фожеа, комедия ва сатирлар драмаси юзага келган. Трагедия -«така қўшиқи» (Дионисий такага ўхшатганлар) Драманинг хамма тури диний маросимлардан келиб чиққанлиги сабабли ҳам қадимги юононлар бунга эътиқод билан қараганлар. Юонон театрининг пайдо бўлиши ва унинг хусусиятлари. Юонон театрининг оммавийлиги ва халқчиллиги. Театр мусобақаларининг ўюнтирилипги.

Эсхил жаҳон адабиётида санъатлар гултожи - трагедиянинг отаси сифатида танилган. У милоддан аввалги 525-456 йилларда, юонон маданиятининг олтин даври - Перикл даврида яшади. Шоир замонасининг энг муҳим тарихий воқеаларида, айниқса, Юонон-Эрон урушларида, Марафон, Саламин, Платеядаги жангларда катнашди. Эсхил асарларидан маълум бўлишича, шоир демократик давлат тузуми тарафдори эди. Шоир ўз асарларида ижтимоий, фалсафий, сиёсий қарашларини уччалик яширгаган. Қадимги замон олимларининг гувоҳлик беришларича, Эсхилнинг 90 та драматик асари бўлиб, ундан бизгача 70 гаси етиб келган.

Эсхилнинг ilk асарларидан бири «Илтижогўйлар»да шоҳ Данайнинг 50 қизи ҳақидаги ривоятга мурожаат қилган. «Форслар»да Эрон-Юонон урушлари тасвирланиб, Кайхусравнинг золимлигини Юононистоннинг эркин, демократик тузумига қарши қўяди. Асарда шоир Эрон билан сулҳ тарафдори сифатида кўринади.

Бизгача тўла етиб келган «Орестея» трилогияси Троя урушлар туркумига киради.

Эсхилнинг «Занжирбанд Прометей» трагедияси шоир ижодининг чўққиси ҳисобланади. Ҳақиқатан асар бадиий - ғоявий тераилиги, ҳур фикрларга, фалсафий мушоҳадаларга бойлиги, инсон рухий оламининг сирли қатламларини дадил кўрсатиши жиҳатидан жаҳон адабиёти хазинасининг мислсиз дурдонаси бўлиб қолган. Шоир Аскар Қосимов бу мангу обидани таржима қиласкан, асарнинг худди шу маънавий жиҳатларини сакдашга интилди.

Асарда Зевс томонидан жазога маҳкум қилинган Прометей даҳшатли қийнокларга магур бардош бериб, келажакда Зевсдан голиб чиқишга интилади. Мана шу ишонч Прометейга чексиз куч-қудрат ато этади. Кавказ тоғларидағи кояға михланган Прометей инсонларга бил им, олов, ёруғлик келтиргани билан фаҳранади ва азобларга мардона бардош беради. Маълумотларга кўра бу асар трилогия таркибиға кирган. Асарнинг «Озод

этилган Прометей», «Прометей оловбардор» деб номланган бошқа қисмлари тўла етиб келмаган.

Асарда Прометей образи орқали инсон мағрурлиги, сабот ва матонати улуғланади. Прометей инсонларга инсонлик йўлини кўрсатгандиги билан фаҳранади. Бу йўл инсонларга яхшилик қилишдан бошланади.

Эсхилнинг бадиий маҳорати. Юнон трагедиясининг шаклланишида Эсхилнинг тутган ўрни ва ижодининг бутун антик дунё адабиётига кўрсатган таъсири. Эсхил трагедиялари реализмининг ўзига хослиги ва чекланганлиги; мифологик образлар орқали даврнинг ижтимоий ҳодисаларини кўрсатиши. Эсхил трагедиялари шакл ва мазмунининг бирлига, ғоясининг теранлиги, образлариниши буюклиги ва кескинлиги.

Софокл - талантли лашкарбоши Перикл ҳукмронлик қилган ёки Юнонистон тарихининг олтин асрида яшаб ижод этган шоирдир. 60 йиллик умрида 120 дан зиёд асар ёзган, драматик шоирлар мусобақасида 24 марта ғолиб бўлган. Шоҳона асарлари билан дунёни қойил қолдирганига қарамай, жуда камтар бўлган ва қайғу-аламларини, шодлигини халқ билан баҳам кўрган.

Софоклнинг «*Шоҳ Эдип*» асари Аскад Мухтор томонидан таржима қилинган. Трагедиянинг ғояси. Қаҳрамон тақдирида рўй берган ўзгаришлар орқали ёзувчи инсоннинг ҳақиқатга эришинш йўлларини кўрсатади. Эдипнинг қусурлари «Шоҳ Эдип»да Софокл ривоятга асосланган ва унинг охирги қисмини тасвирлаб, жуда катта ахлоқий, фалсафий, маънавий муаммоларни ўртага ташлайди. Асарда виждонли кишининг чексиз қийноқларга дучор бўлиши, шунга қарамай, инсон ўз виждонини охиригача сақлаб қолиши тараннум этилади.

Инсоннинг қадр-қиммати, мартабасининг ғоят ортиши, уйгониб келаётган инсоннинг қудрати, гўзаллиги, унинг ички ва ташқи дунёсини таърифлаш Софокл трагедияларининг асл моҳиятидир. Ниҳоят даражада мифологик афсоналардан мухим воқеаларни ажратади. Уни ўз мақсадларига мослаштириб, ундан ҳаётнинг айнан ўзига ўхшаш драматик асарлар яратишга қодир бўлган Софоклнинг жаҳон трагедияси учун аҳамияти, трагедияда тақдир ва инсон иродаси эркинлиги масаласининг қўйилиши.

«*Антигона*» трагедияси Лай (Эдипнинг отаси) хонадонидаги фожеаларнинг хотимасини тасвирлайди. Унда Антигона қисмати кўрсатилади. Асарда давлат ва шахс, давлат ва дииий қонунлар масаласининг ечилиши. Софокл қаҳрамонларининг реалистик хусусиятлари, уларнинг бир-бирига қарама-қарши қўйилиши. Асарларнинг тили. «Шоҳ Эдип» ўзбек тилида.

Эврипид - қадимги юонон трагедиясининг учинчи вакили бўлиб, 92 асаридан 17 асари етиб келган. Агар аввалги икки буюк драматург ижодида улугворлик ва қаҳрамонлик коялари кўрсатилган бўлса, Эврипид шу абадий ғояларнииг устига-устак, санъатдаги инсон тасвирини ҳаётдаги инсон тасвирига яқинлаштириди, тақдирнинг шафқатсиз зарбаларига бардош берувчи қаҳрамон қачбидаги мардлик, олижаноблик, самовий муҳаббат туйғулари билан бирга хар турли тубанликлар ва ёвузылар ҳам яширганлигини ҳаққоний кўрсатишга журъят этди. Инсон фоний дунёдаги ўткинчи орзу-ҳавасларни деб, амал, мартаба, молу давлатни деб жиркаич жиноятлардан қайтмаслигини фош эта билди. Агар «Электра» трагедиясида қаҳрамон аёл мутлақ ёвуз сифатида олинса, «*Медея*»да гўзаллик ва донолик, муҳаббат ва садоқат тимсоли, бошига кетма-кет мусибат, баҳтсизликлар ёғилган аёл сифатида кўрсатилади. Асарда Медея севган турмуш ўртоғи Ясонпинг унга нисбатан қилган хоинлигидан Медея хўраланиши, ғазаби тасвирланади. Медея шахсий баҳтидан айрилганига бир қайғурса, юртда орият, лафз, инсоф, диёнат қолмаганига минг қайғуради.

Аммо дунёда виждон, инсоф қолмаяпти, деганча тақдирга тан бериб, ёвузыларнинг айтганига итоат этиш мард инсонларга ярашмайди. Медея эса мураккаб инсонлар тоифасидан, Унинг дилидаги курашни охирига етказиш аҳди тилига кўчади. Медея ушбу ёўзларни алам ва фуур билан айтади:

Осмол тийра... Лекин бу билан ҳали ўйин тугамади...

Медеяning қалбидагы ягона қасос ўти хукмрон. Лекин у чексиз ғазаб устида баъзилардай ақлини йўқотиб қўймайди. У бир ўзи тождорларга қарши курашга тайёр. Илгари у Ясон учун, севгиси учун қандай дадил курашган бўлса, энди Ясонга қарши, қасос учун шундай жасорат билан курашади. *Менинг азам ҳисобига ушбу дунёда ҳеч бир бандада ишрат тўйин қура олмагай*, - деганида Медеяning ўз куч-қудратига чексиз ишончи сезилади.

Ясон - мураккаб образ. У кўрсатган қаҳрамонликлари билан танилган, лекин шохга яқин бўлиш учун ҳамма нарсадан кечишга қодир. Ясон янги никоҳ билан тахтга якинлашув ниятида Медеяни турли ёлғон ваъдалар билан, ширин гаплар билан алдайди. Лекин асарда Медеяning оқиллиги кўрсатилиб, Ясоннинг тили ва дили бошқа эканлигини уқтиради. Ўз севгиси учун Медеяning Ясондан олган ўчи тасвиранади. «Медея» - хўрланган мухаббат ва рашқ трагедиясидир.

Комедия трагедияга нисбатан кейинроқ ривожланади, Трагедия Дионисга бағишиланган кузги байрамлардан, комедия эса кўкламдаги шодиёналардан келиб чиққан ва адабий жанр ҳолига келган. Унинг эрамиздан аввалги V асрнинг иккинчи ярмига келиб сахнага қўйила бошлагани маълум.

Юнон комедияси қадимги, ўрта ва янги давр комедияларига бўлиниб, қадимги давр комедиясидан кейингиларига нисбатан кўпроқ етиб келган. Ўрта давр комедиясидан ҳеч нарса маълум эмас. Янги давр комедиясидан Менандр асарларидан парчаларгина бизгача етиб келган.

Қадимги Аттика комедияси ўзига хос хусусиятларга эга. Ундан Дионис кўклам байрамига хос бўлган сатира элементи, масхарабозликлар сақланган. Лекин булар жамият олдида турган ижтимоий масалалар билан bogланган. Асар номи хор кийимиға қараб қўйилган.

Агар трагедия мазмуни мифдан олиниб, унда худолар иштирок этса, комедияning мазмуни худолар, қаҳрамонлар, мифологияга танқидий қарашибдири. Қадимги Аттика комедиясининг вакили **Эпихарм** бўлиб, у комедияни драматик жанр ҳолига келтирган, унинг шакллашишида ниҳоятда хизмати катта.

Комедия сўзи юнонча **комослар қўшиғи** деган маънони билдиради. Комос деб эса, тўй-томошалардан кейин кўчаларда тўда-тўда бўлиб хурсандчилик қилиб юрувчи кишиларга айтилади. Комедия мусобақалари фақат 488-486 йиллардагина Дионис байрамларида ўтказила бошланди.

Аристофан қадимги комедияning ягона вакили бўлиб, тахминан 447-385 йилларда яшаган. У узлуксиз давом этган урушлар даврида яшаган; шу сабабли ҳам урушга қарши мавзуда «Ахарнликлар», «Тинчлик», «Лисистрата» комедиялари ёзилган. Уларда тинчлик мавзуси қўйилган. Маълумотларга кўра Аристофанning 44 комедияси бўлиб, бизгача 11 таси етиб келган: «Ахарнликлар», «Чавандозлар», «Қушлар», «Лисистрата», «Тинчлик», «Булутлар», «Арилар», «Хотинлар Фесмофорий байрамида», «Хотинлар Халқ мажлисида», «Қурбақалар», «Бойлик» комедияларидир.

«Булутлар» комедияида софистик оқим устидан кулади. Тарбияning янги бир усулини, унинг заарли оқибатларини танқидий тасвиранаш комедияning ғоясини ташкил қиласиди.

«Қурбақалар» комедияси Афинанинг икки буюк трагик шоири Эврипид ва Софокл вафоти муносабати билан ёзилган. Асар санъат масаласига бағишиланиб, адабий-танқидий асардир.

Аристофанпинг **«Лисистрата»** комедиясида тинчлик учун курашувчи Лисистрата, шаҳар аёллари иштирок этадилар. Ниҳоят, улар урушни тўхтатиб, иттифоқ ўрнатишга эришадилар.

«Ахарнликлар»да деҳқонлар образини яратса, **«Чавандозлар»**да Афинани бошқараётган кишиларни танқид қиласиди.

Аристофан ўткир танқиди, тилининг таъсирчанлиги ва услубининг гўзаллиги билан ўзидан кейииғи давр адибларига ўрнак бўлди.

Бу даврда **насрий шакл** юонон адабиётининг етакчи туридир. Юононлар тарихий, фалсафий ва ҳатто илмий асарларни ҳам прозага киритганлар. Назаримизда, қадимги юононларнинг бундай асарлари бадиий прозага ўтиш йўлидаги бир довон эди. Юононлар прозани тарихий, нотиклик санъати ва фалсафий турларга бўлганлар.

Тарихий прозанинг биринчи вакили - Геродот (тахминан 485-425 йиллар) бўлиб, Эрон-Юонон уруши воқеаларига бағишиланган «Тарих» асарини яратган. Геродотнинг мақсади замонлар ўтиши билан иисонларнинг ишлари тарихда қолиши ва урушининг сабабларини кўрсатиш бўлган. Асарда уруш воқеаларини тасвирлашдан аввал шу ҳалқлар ўтмишини тўла акс эттиради ва бу, албатта, Геродот асарини жаҳон тарихи даражасига олиб чиқади. Ўрта Осиё тарихини ўрганишда унинг асари тенгсиз. Айниқса, массагет кабилалари, «Тўмарис» қиссаси хусусидаги маълумотлар ҳам берилган.

Фукидид - тарихий прозанинг иккинчи вакили бўлиб 470-400 йиллар атрофида яшаган. У Пелопоннес уруши воқеаларининг гувоҳи сифатида шу реал ҳақиқатни тасвирловчи китоб ёзган.

Нотиклик санъати - риториканинг асл ватани Сицилия бўлиб, V аерда адабий жанр ҳолида софистлар яратганлар. Нотиклик санъатининг сиёсий нотиклик, суд нотиклиги ва тантанали нотиклик турлари бўлган. Лисийнинг суд нутқлари, Демосфенинг Македония подшоҳи Филиппга қарши, унинг ёвуз истилочилик ҳаракатларини фош қилувчи нутқлари билан машҳур. Бу нутқларида Демосфен ватандошларига мурожаат қилиб, юрт баҳти, эл озодлиги учун бирлашишга чакиради.

Фалсафий прозада Платон, Аристотелларни кўриш мумкин. Аристотелнинг санъат ва адабиёт ҳақидаги фикрлари «Поэтика» асарида берилган. Унда эстетика муаммоларига, санъат ва адабиёт назарияларига оид масалалар муҳокама қилинади. Бу асар антик дунё адабиётининг қимматбаҳо хазинаси ҳисобланади.

Тарихдан маълумки, 336 йили македониялик Искандар Юононистонни босиб олиб, Шаркқа қарши юриш бошлаган. Юононлар бир неча бор ўз мустакилликларини тиклашга уринганлар, лекин ҳар гал уринишлар бекор бўлиб, улар Македонияга қарам бўлиб қолганлар. Шундай бўлса-да, эллин халқининг фани, адабиёт ва санъати бошка мамлакатларга таъсирини ўтказа бошлади. Шунинг учун ҳам юонон маданияти таъсирида бўлган давлатлар Искандар истилосидан то Рим ҳукмронлигигача бўлган давр - **Эллинизм даври** деб юритилган. Эллинизм даври адабиётида **«янги комедия** пайдо бўлди. Бу комедияда ҳам ишқ-муҳабbat, оиласий муносабат масалалари, умуминсоний масалалар ҳақидаги муаммолар кўтарилар эди. **Менандр** (тахминан 343-292) юздан ортиқ комедия ёзгани маълум. У комедияга фақат томошибинни кулдириб, вақтини чоғ қиладиган шунчаки бир масҳарабозлик деб эмас, балки инсонни маънавий ва ахлоқий томондан тарбия қиладиган муҳим бир восита деб қарайди. Комедияларида қаҳрамоннинг ички дунёсига чуқурроқ кириш, уларнинг дарду аламларини, севинч ва шодликларини тўлароқ очиш - Менандрнинг асосий вазифаси эди. Худди шу фазилат уни замондош комедиянавислардан ажратиб турар эди. Менандр характерлар комедиясини яратган. Шоир баъзи ҳолларда қаҳрамонларини шу қадар фожиали тасвирлайдики, натижада бу трагедия тусини ҳам олади. Буни биз «Ҳакам суди», «Қирқилган соч» асарлари бош қаҳрамонлари ҳолатларида кўрамиз.

Эллинизм даврида лирик поэзия ҳам ривожланди. **Каллимах**, (тахминан 310-240) маълумотларга кўра, бу даврнинг жуда сермаҳсул шоири бўлган. Унинг **«Жадваллар»** библиографик қўлланмасида ўзидан олдин ўтган олим ва адиллар тўғрисида маълумот беради. Унинг бу асари адабиётшуносларда, илмий-тадқиқот ишларида амалий ва назарий манба бўлди. Каллимахнииг **«Сабаблар»** тўплами кичик қиссаларидан ташкил топиб, турли байрамлар ва удумларнинг келиб чиқиши, шаҳар ва ибодатхоналарнинг барпо этилиши ҳақидаги ривоятлардан иборат. Шоир ижодида маъбуллар шаънига ёзилган қўшиқлар - гимнлар ҳам бор. Унинг асарлари, бошқа шоирлардаги каби олимона ибораларга бой. Бундан шоириинг ўз ижодини бевосита юқори сарой аҳллари талабларига мослаштиргани кўринади.

Эллинизм даврида катта эпик достон ёзишга мойиллик **Аполлоний** (тахминан 295-215) ижодида кўринади. Унинг «*Аргонавтика*» поэмасида қадимги жангномаларга мурожаат қилгани кўринади. Асарнинг асосий мавзуси инсон ҳиссиёти масаласидир. Асар антик афсона асосига қурилган - Медеяниң Ясонга муҳаббати тасвирланади. Бу мавзуни тасвирлашда Аполлоний муҳаббат туйғуларини психологик томондан таҳлил қиласди.

Эллинизм даврида кичик ҳажмдаги поэтик асарлар **Феокрит** (300-250) ижодида кўринади. Ижодида табиат завқи, севги эҳтиросларини куйлаш, инсоннинг шахсий ҳаётига, айниқса, оддий кишиларнинг турмушига кўпроқ қизиқиш, шеърнинг нафис ва гўзал бўлишига интилиш ўз ифодасини топган. Унинг «*Идиллиялар*» тўплами (кўриниш, манзара маъносини беради)да «буколикалар», яъни чўнонлар ҳақидаги шеърлари бор. **Буколика** - юонон фольклорида учрайдиган жанрлардан бири. Феокрит буколикаларида чўпонлар ўртасидаги сухбатлар, даҳанаки жанглар, севги нолалари ўз ифодасини топган.

Эллинизм даври юонон поэзиясининг ривожланган пайти, асосан, эрамиздан олдинги III асрнинг ўрталарига тўғри келади.

Эрамиздан олдинги II асрдан бошлаб Юонон давлати Рим империясига таслим бўлди. Турли зиддиятлар келиб чиқди, ахлоқий тушкунликнинг келиб чиқишидаги асосий омиллар юзага келди. Илм-фан жиддий ва чуқур тадқиқотчилик хусусиятини йўқотди. Ўтмиш адабиётга таҳсин қўзи билан караш, шу адабиётнинг анъаналарини қайта тиклашга интилиш - даврнинг энг муҳим вазифаси бўлиб қолди.

Бу даврда юонон халқининг жаҳон адабиётiga қўшган энг катта ҳиссаси роман жанридир. Шу вақтгача юонон бадиий ижодида поэзия устунлик қилган бўлса, эндиликда яратилган романларнинг барчасида ишкий мавзу асосий ўринни эгаллайди. Юонон ишкий романларидан бири **Лонгнинг «Дафнис ва Хлоя»** бўлиб, икки ёшнинг оташин севгилари ҳақида гапирилади. Асар чўпонлар ҳаётига бағишиланиб, қишлоқ ҳаётининг афзаликларини, дехқон ва чўпонлар маънавиятининг устунлигини кўрсатиб, ўз қаҳрамонларидан ўрнак олишга даъват қиласди. Юононлар яратган роман жанри шундан кейинги дунё романчилиги тараққиётида жуда аҳамиятга катта.

1. Алимуҳамедов А. Античный адебий тарихи, – Т.: «Ўқитувчи», 1975.
2. Сулеймонова Ф. Шарқ ва Гарб. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.
3. Тронский. И.М. История античной литературы. – М.: «Высшая школа», 1988.
4. Ярхо В.Н. Античная драма. Технология. Мастерство. – М.: «Высшая школа», 1990.
5. Комилов Н. Тафаккур карвонари. – Т.: «Маънавият», 2011.
6. Махмудов М. Ҳайрат ва тафаккур. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.
7. Эсхил. Занжирбанд Прометей. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.
8. Софокл. Шоҳ Эдип. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
9. Еврипид. “Медея”. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.

4. РЕСПУБЛИКА ВА ИЧКИ УРУШЛАР ДАВРИ РИМ АДАБИЁТИ (2 СОАТ)

- *Дастлабки Рим шоирлари,*
- *Плавт ва Теренций комедиялари.*
- *Римда риторик прозаси. Цицерон ижоди.*
- *Рим адабиётида тарихий проза. Юлий Цезарь – тарихнавис.*
- *Лукреций – фалсафий проза ижодкори.*
- *Катулл поэзияси ва унинг ўзидан кейинги Рим шеъриятига таъсири.*

Рим адабиёти пайдо бўла бошлаган даврда Юонон халқи ўзининг мустақиллигини йўқотиб, адабиёт ва маданиятда инқирозга тушган эди. Рим адабиёти лотин тилида яратилади Римликлар юонон адабиётiga тақпидан миллий адабиётларини яратган бўлиб, бунда Ҳомер, Эврипид, Софокл, Демосфен кабиларнинг хизмати катта. Ҳар икки мамлакат ҳар хил тарихий шароитда ривожланган. Римликлар юононлар маънавий меросини ўзларининг миллий эҳтиёжларига, гоявий талабларига, тарихий шароитларига

мослаштириб қабул қилғанлар ва тарақкий эттирганлар. Рим адабиёти кейинчалик Оврўпо адабиётiga катта таъсир қилған. Римда юононлар кириб келгунга қадар ҳам ўз миллий адабиётлари бўлган. У халқ оғзаки ижодиёти намуналариdir. Улардан бизгача жуда кам етиб келган.

Ливий Андроник (284-204) биринчи рим шоири бўлиб, у Ҳомернинг «Одиссея» достонини эркин таржима қилган ва бу асар мактабларда асосий ўқув дарслиги бўлган.

Гней Невий (270-200) ижодида драматик асарлар - трагедия ва комедия асосий ўринни эгаллади. У асарларига мавзууни юононлардан, шунингдек, ўз ватани ҳаётидан олган. Унинг комедияларида ўткир сиёсий сатира, Рим халқи ҳаёти тасвирланади. «*Пун уруши*» достони Карфаген урушига бағишлануб, реал воқеалар мифологик афсоналар билан бирга берилади. Асарда адабнинг Ҳомер достонларига тақлиди сезилиб туради.

Плавт Тит Макк (тахмиин 250-184) Римда комедия жанрига асос солган бўлиб, театр ишларига яқин бўлган. Плавт юонон комедиясини Римга мослаштирган, Рим ҳаётининг турли соҳаларига хос миллий ҳолатларни асар руҳига сингдириб юборган. Бу Плавт ижодининг асосий йўналишидир. У юонон шоирлари асарларини танлар экан, уларнинг Рим ҳаётига ўхшашига, замона билан ҳамоҳанглигига диққат қиласи; шулар орқали ўз халқи муаммоларини кўтариб чиқади. У ҳам контаминация усулидан фойдаланади, яъни мазмун жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган иккита асарни бирлаштириб юборади, асарга қизиқ иборалар, турли ҳодисаларни киритиб юборади. Комедияларида муҳим масалаларни кўтариб, томошабинга етказиш ниятида улар билаи оддий тилда гаплашади. Асарларида халқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланади, қаҳрамонлари нутқида қочириклар, ҳазил-мутойиба, сўз ўйинлари кўплаб учрайди. Унинг «*Мактандоқ жангчи*» комедиясининг асосий воқеаси асарнинг асосий қаҳрамони Пиргополиникнинг хотинбознинг ишқий саргузаштларига бағишланган бўлса, «*Хумча*» асари эса ўша давр Рим жамияти учун муҳим бўлган масала - бойликнинг инсон хулқини бузадиган ярамас таъсирини кўрсатишдан иборат.

«Хумча» комедиясини хасисликни таърифловчи асар деймиз. Чиндан ҳам асарнинг бош қаҳрамони Эвклион қиёфасида шундай кишилар хусусида фикр юритилади: у ҳатто мўридан чиқиб кетаётган тутунни, ювинадиган сувни ҳам қизганади. Лекин унинг «хасис»лиги бечора камбағалнинг бехосдан қўлга киритган давлат олдида саросимага тушиб қолишидир.

Кейинчалик XVIII аср француз адаби Мольер ҳам бундан таъсирланиб, ўзининг «Хасис» комедиясини яратган.

Плавт комедияларида асосан диққатини куллар образини яратишга қаратган. Кулларни самимиyлик билан турли қиёфаларда кўрсатган. Унинг қуллари эпчил, уддабуро, серзавқ, айёр ва ишбилармон, доно кишилардир. Хуллас, Плавт комедияларидаги жамики кулгили ҳолатларнинг ижодкори қулдир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Алимухамедов А. Антик адабиёт тарихи. – Т.: «Ўқитувчи», 1975.
2. Рим адабиёти бўйича хрестоматия. (Ойбек таҳ. ост.). – Т.: 1940.
3. Сенека. Мактублар. “ЖА”, 2005/11.

4. АВГУСТ ВА ИМПЕРИЯ ДАВРИ РИМ АДАБИЁТИ (2 СОАТ)

- Рим адабиётининг олтин даври.
- Рим поэзиясининг ўзига хосликлари.
- Вергилий ижоди. “Энеида” достонида анъана ва новаторлик.
- Гораций ижоди: “Эдоллар”, “Сатиралар” ва “Номалар”.
- Рим элигияси ва Овидай асарлари.
- Рим адабиётининг сўнгги даври.
- Рим адабиётининг Европа адабиётига таъсири.

Даврн инг ижтимоий ва маданий аҳволи. Рим тарихининг янги даври, яъни давлат тепасига Октавиан Август келгач, маданият ва санъат ишлари анча ривожлана бошлади. Бу ишларда Октавиан Августга кейинчалик номи санъат ва адабиёт ҳомийси тисмолига айланиб кетган Меценат кўмак берди. Адабий тўғарак ташкил қилиниб, унга Вергилий, Горацийлар жалб қилинди. Ижод маркази ҳисобланган бу тўғарак янги Рим адабиётининг шаклланишида катта роль ўйнади. Август даврида рим поэзияси ривожланган бўлиб, тарихда Рим адабиётининг «олтин даври» номи билан қолган.

Вергилий - Рим адабиётида етакчи шоир бўлиб, ўз асарларида Август салтанатини куйловчи, унинг ишларини мақтовчи сарой шоири даражасига кўтарилган. Унинг «Буколикалар», «Георгикалар» шнърий тўпламлари ва «Энеида» достони мавжуд.

«Буколикалар»ида табиат қўйнида меҳнат қилган чўпонларнинг меҳр-муҳаббатлари, кундалик ташвишлари тасвирланади. Шоир дикқат марказида дехқончиликнинг бошка касблардан устунлиги, оддий қишлоқ ҳаётининг гўзалликларини тасвирлаш турди. Унинг «Буколикалар»ида эллинизм даври шоири Феокрит таъсири сезиларли даражада.

Дехқончилик ҳақида ёзилган «Георгикалар»ида юон шоири Гесиоднинг «Мехиат ва кунлар» асарининг таъсири бор. Лекин Гесиод асарида дехқонларнинг кулфатли ва машаққатли ҳаётларини, золимлар зулмидан азият чекканлари реалистик тарзда тасвирласа, Вергилий эса қишлоқ ҳаётини афсонавий тасвирлаб, дехқонларни роҳатда умрларини ўтказувчилар сифатида кўрсатади.

«Энеида» достони шоҳ Энейнинг Троя уруши тугагач, Италияга етиб боргунча бошидан кечирган воқеалар асосида яратилган. Рим давлатининг улуғлигини мадҳ этиш - достоннинг ғоясини ташкил қилади. Ижолкор Римнинг оламшумул бурчларини адо эта оладиган бирдан-бир улуғ зот - Август эканини эътироф этади.

Вергилий юон илму фапи, санъатига хурматини сақлагани ҳолда, рим маданияти, адабиёти олдида катта мақсадлар борлигини уқтиради. Бу - юрт тинчлиги, халқларнинг осойишталигидир. Шу осойишталик Август туфайли рўёбга чиқаётгандек туюлади. «Энеида» достонини ёзишда Вергилий билан Ҳомер ўртасидаги ўхшашлик. Вергилий достонини ёзар экан, унинг олдидаги асосий мақсад - узоқ ўтмишдаги Рим кишиси жамияти учун гўё азиз бўлган ижтимоий ва шахей ҳалоқ тушунчаларини тиклашдан иборат эди. Бу мақсад Августнинг ҳам муддаоси бўлган.

Вергилий билан Ҳомер достонларини таққослайдиган бўлсак, улар ўртасида маъбулларни таевнрлашда, қаҳрамонларнинг образларипи чизишка, асар воқеаларипи таърифлашда катта фарқ бор.

Вергилий достонининг энг муҳим хусусиятларидан бири - драматик ҳолатлар тасвирини беришидир. Вергилий асарлари унинг ҳаётлигига ёқ шуҳрат қозонди, асарларининг кейинги даврлар учун аҳамияти жуда катта.

Гораций ҳам Август даври шоири бўлиб, Меценат тўғарагининг аъзоси сифатида ижодини бошлаган, император салтанатига хайриҳо бўлган. Ижодида бир қанча тўпламлар яратгани маълум. Жумладан, «Эподлар» шеърий тўплами замонасидаги сиёсий, ижтимоий ва ҳаётний масалаларга бағишинган. Айниқса, Горацийни уруш ва тинчлик, Рим давлатининг истиқболи масалалари қизиктирган. Унинг шеърларида уруш қаҳр-ғазаб билан танқид қилинади. Лекин тузум адабиётда кескин танқидий мавзуларнинг ривожига йўл бериши, шу сабабли ҳам Гораций ўзининг ҳажвий маҳоратидан кенг фойдалана олмас эди. Унинг ижоди аҳлоқий ва майший масалаларни ёритиш билан чекланиб қолган.

«Сатиralар» номи билан яратилган иккита тўпламда ҳам ҳар хил ҳаётий ва аҳлоқий масалалар сухбат тарзида берилган. Ижтимоий курашлардан ҳориган халқни эндиликда хусусий ҳаёт, шахсий баҳт муаммолари қизиктира бошлайди. Худди шу масала эндиликда адабиётнинг бош мавзуси бўлиб қолади. Бу муаммоларни Гораций бошка адибларга нисбатан ўз ижодида тўлароқ ифодалаган. Унинг сатиralари танқид эмас, кундалик ҳаёт ташвишлари - очкўзлик, ярамас нуқсоилар хусусидаги панд-насихатлардир. Кишиларни тўғри йўлга солиб, чинакам ҳаётга чақириш - Гораций

шеърларининг асосини ташкил қиласди. Шоир сатираларининг мавзуси хилма-хил бўлиб, ахлоқ ва фалсафий масалаларни ҳам учратамиз.

«Қасидалар» тўпламида Гораций юонон шоирларига эргашади. Мазмун ва жанр жиҳатидан бу тўплам хилма-хил бўлиб, ички урушлар масалалари, Августнинг ахлоқ ва одоб соҳасидаги сиёсати масалаларидан иборатдир. Тўпламда асосан шод-хуррамликни, ёр-дўстликни, май ва ишқ-муҳаббатни тарғиб қилган.

«Номалар» тўпламида аввалгилари каби ахлоқий ва майший масалалар билан бирга Горацийнинг шахсий ҳаёти, фикр ва туйғулари, кайфияти батафсил берилган. Адабиёт тарихи, унинг назарий масалалари «Номалар»ида асосий ўринни эгаллади. Гораций ижодининг кейинги даврлар учун аҳамияти бениҳоя каттадир.

Август даврининг сўнгти шоири **Овидий** эса «Ишқий элегиялар» тўплами билан ўз ижодини бошлаган ижодкор ҳисобланади. Бу тўпламга кирган шеърлари шоиринг Коринна исмли маъшуқасига бағишиланган.

Овидийнинг «Қаҳрамон аёллар» асарида муҳаббат масалалари шоир тилидан баён қилинса, «Мактублар»да ҳар хил сабаблар билан севган кишиларидан айрилиб қолган мифологик аёллар номидан ҳикоя қилинади. Шоирнинг ишқий мавзудаги поэмаси - «Севги санъати»да Августнинг ахлоқ бобидаги тадбирлари танқид қилган.

«Метаморфозалар» Овидий ижодининг гултожи ҳисобланади. Метаморфоза - турланиш. Достон афсонавий турланишлар - париларнинг, маъбудаларнинг, одамларнинг жониворларга, ўсимликларга, тош ва тоғларга айланиб қолишлари ҳакидага ривоятлардан иборат. Шунингдек, «Метаморфозалар» асарида севги мавзуси ҳам бўлиб, муҳаббат йўлида инсоннинг бошидан кечирган ноҳақликлар, мусибатлар, ҳатто фожеалар ҳам тасвирланади.

«Метаморфозалар»нинг баъзи қисмлари Римнинг афсонавий ўтмиши ҳакида бўлиб, унда Эней саргузаштлари билан алоқадор бир қанча турланишлардан сўнг Римнинг улуғ давлат эканини, бунда Август билан Юлий Цезарь хизмати катталигини уқтиради. Асарни ёзишдаги шоирнинг асосий мақсади - Рим ҳаётини кенг маънода акс эттириш бўлган. Бу асар антик даврнинг бекиёс ёдгорлигидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Алимухамедов А. Антик адабиёт тарихи. – Т.: «Ўқитувчи», 1975.
2. Антик адабиётдан хрестоматия. Рим адабиёти // Ойбек. МАТ, XV том. – Т.: “Фан”, 1980.
3. Жалилов С. Бобир ва Юлий Цезарь. – Т.: «Янги аср авлоди», 2001.

5. ИЛК ЎРТА АСРЛАР АДАБИЁТИ (2 СОАТ)

- Шарқ ва Гарб қаҳрамонлик эпосларининг муштарақ жиҳатлари.
- Дунё адабиётида янги миллий адабиётлар.
- Француз, испан, олмон, қаҳрамонлик эпослари.
- Рицар-куртуаз адабиёти.
- Рицарлик адабиётини ўзига хосликлари ва шакллари.
- Илк ўрта асрлар шаҳар адабиёти ва унинг жанрлари

Ўрта асрлар адабиётининг ривожланиш жараёнидаги уч омил: 1) ҳалқ ижоди; 2) антик маданият; 3) насронийлик. Бунда айниқса ҳалқ поэзияси анъанадарининг роли каттадир. Энг қадимги поэзия намуналари меҳнат қўшик, иари бўлса, ўрта асрларга келиб, қўшик урф-одат доирасидан чиқиб, мустақил адабий жанр сифатида шаклланади. Черков узоқ вақт ҳалқни жаҳолатда саіуіаб келса-да, лекин у барибир кишиларпииг реал ҳаёт завқ-шавқига бўлган иштиёқини бўға олмади.

Ўрта асрлар адабиётининг ривожланишига катта таъсир этган омиллардан яна бири антик маданиятдир. Ўрта асрлар рицаръ поэзиясида Рим шоири Овидий тилга олинади.

Македониялик Искандар ҳақидаги эртаклар, Вергилийнинг «Энеида» поэмаси каби асарлардаи ўрганиш, фойдаланиш асосида дастлабки рицарь роман ва қиссалари вужудга келади.

Қаҳрамонлик эпослари хусусида мухокама юригилганда Фарб ва Шарқ ҳалқлари ижоди ўртасида баъзи бир яқинлик ва ўхшаш сюжетлар мавжудлиги ўша давр ҳалқларининг маълум бир тараққиёт босқичида яшаб, келажак ҳақидаги орзуларининг муштараклиги билаи изоҳланади.

Француз қаҳрамонлик эпоси француз поэзиясининг ilk намуналари меҳнат, жанговар юриш, майший ҳаёт масалаларига бағишиланган қўшиқлар шаклида пайдо бўлган. Ҳалқ ҳаётининг алоҳида воқеаларини гавдалантирган бундай қўшиқдардан эпик достонлар яратилган. Бундай достонларда ҳалқ ҳаёти, орзу-умидлари ифодаланган. Эпик поэзиянинг ижобий қаҳрамонлари мард, жасур ва соғлом, сахий, мазлумларга ёрдам бериш ва ватан учун жонини фидо қилишга тайёр турган кишилар қилиб кўрсатилган. Француз қаҳрамонлик эпоси **«Роланд ҳақида қўшиқ»** 4002 мисрадан иборат бўлиб, унда Франция ягона бир давлат сифатида қадрланади, унинг императори Карл ва юрт учун жон фидо қилган Роланд улуғланади.

Испан ҳалқининг қаҳрамонлик эпоси **«Сид ҳақида қўшиқ»** эса ўрта асрлардаги Фарбий Оврўпо қаҳрамонлик эпосидан фарқ қиласи, яъни испан қаҳрамонлик эпосида хушчакчақлик устун туради.

«Нибелунглар ҳақида қўшиқ» немис қаҳрамонлик эпоси маҳсули бўлиб, қадимги эртакнинг бир туридир. Унда реализм ва ҳалқчиллик элементлари бўлиб, ижобий образлар тасвири ва талқинида кўринади.

«Нибелунглар ҳақида қўшиқ» билан ўзбек ҳалқининг қаҳрамонлик эпоси **«Алпомиш»** ўртасидаги ўхшашликлар хар икки асар қаҳрамонларининг хулқида, шиддаткорлигида, қудратида кўринади. Алпомишнинг «ўтда куймаслиги»га немис паҳлавони Зикфрид ўхшаса, Барчин билан Брюнхильдалар ўз ошиклари олдига шарт қўйишлари билан ўхшаш. Лекин ҳар икки асар қаҳрамонларининг тақдири ўхшамайди. Агар Барчиннинг шартларини бажариб Алпомиш унга эришган бўлса, немис паҳлавони фожеали ҳалок бўлади.

XII-XIII асрларга келиб салб юришлари, шаҳарлар мавқеининг ўсиши даврида рицарлик маданияти ривожланди. **Рицарь адабиёти** ўрта асрларда Францияда пайдо бўлган ва Фарбий Оврўпонинг бошқа мамлакатларида шаклланаётган рицарь адабиёти учун намуна хизматини ўтайди.

Рицарьлар поэзияси трубадурлар (ижод этмоқ маъносини билдиради) ва немисларнинг миннезанг (севги қўшиғи маъносида)лар пайдо бўлди. Трубадурлар лирикасининг асосий хусусиятларидан бири унда турмуш, ҳаёт қувончларини акс эттириш бўлса, миннезанглар ижодида эса трубадурларга яқинлик бор, лекин уларнинг ўзига хос хусусияти - ахлоқий масалалар асосий ўринни эгаллайди.

Рицарлик лирикасида кўйланган севги, турмуш қувончлари рицарь романларида ҳам асосий мавзудир. Уларда қаҳрамонлар психологиясига алоҳида урғу берилади. Рицарь романни ҳам дастлаб Францияда, кейинчапик бошқа мамлакатларда пайдо бўлади. Рицарь романлари ичida **«Тристан ва Изольда»** алоҳида ажralиб туради. Бу асар XII асрларда кўп адиллар томонидан ишланган, лекин бизгача парчалар етиб келгап. Унда инсоний муҳаббат ва дунёвий ҳодисалар тасвиrlашиб, муҳаббат инсоннинг табиий хис-туйғулари натижаси сифатида кўрсатилади.

XIII асрга келиб ривожланиб бораётган шаҳар табақасининг орзуларини ифодаловчи янга адабиёт - **шаҳар адабиёти** пайдо бўлди. Унда оддий турмуш манзаралари акс этган, меҳнаткаш омманинг манфаати ҳимоя қилинган, кундалик ҳаётдаги ёқимсиз ҳолатлар танқид қилинган.

Бу адабиётнинг кенг тарқалган жанри **фаблио** - кичик реалистик ҳикоядир. Уларда ҳажв турлича: баъзиларида кулги, бошқаларида танқид асосий ўринни эгаллайди. Кўп холларда оддий дехқон ёки шаҳар кишисининг донолиги хусусида гапирилади. Бундай

фаблиолар ўзбек халқ эртакларига ўхшаб кетади. Масалан, «Золим подшо», «Бўри билан тулки» каби. Бу ўхшашлик халқнинг ижтимоий манфаатлари ва турмуш шароитларидағи яқинлиқдан келиб чиққан.

Германияда фаблиолар таъсирида **шванклар** - замонавий ҳажвий руҳдаги реалистик ҳикоялар вужудга келди. «Тулки ҳақида роман»да меҳнаткаш омма манфаатларини ҳимоя қилиш, халқ донолигини кўрсатиш асосий мақсад эди.

АДАБИЁТЛАР

1. **Қаюмов О.** Чет эл адабиёти. – Т.: «Ўқитувчи», 1979.
2. **Комилов Н.** Тафаккур карвонари. Т., «Шарқ», 2011.
3. **Норматова Ш.** Жаҳон адабиёти. – Т., “Маънавият”, 2008.
4. **Гютер де Брайн.** Тристан ва Изолда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1994.
5. **Зарубежная литература средних веков.** Сост.Б. И. Пуришев. – М.: «Просвещение», 1975.
6. **Фирдавсий А.** Шоҳнома. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.

7. ИТАЛИЯ ВА ФРАНЦИЯДА УЙГОНИШ ДАВРИ АДАБИЁТИ. (2 СОАТ)

- Жаҳон адабиётида уйгониши масаласи.
- Уйгониши адабиётининг ўзига хосликлари.
- Шарқ уйгониши ва унинг дунё маданиятига таъсири.
- Италия уйгониши ва унинг омиллари.
- Уйгониши даври француз адабиёти.

Даврнинг муҳим хусусиятлари инсон шахсини улуғлаш, табиат ва жамиятни инсон манфаатларига бўйсундириш бўлган.

Уйғониши даврининг яна бир хусусияти антик маданиятга муносабат масаласидир, улардан ўрганадилар, ўтмиш меросга қизиқадилар. Ўрта асрлар халқ поэзияси ва антик адабиёт анъаналари бу даврнинг турли ёдгорликларига таъсир қилган. Бу даврнинг йирик гуманистлари антик давр манбаларидан тенглик ваadolat учун кураш ғояларини оладилар.

Уйғониши даври адабиётида антикликка мурожаат қилиб, воқеаларни ўша ҳолича эмас, балки реал образларни фантастк бўёқларда тасвиirlайдилар. Халқ оғзаки ижодиёти, ҳажвиядан самарали фойдалаиш Уйғониши даври адиларининг ижодига катта ёрдам берган. Хусусан, Шекспир ижодида, унинг фожеаларида айрим персонажлар қиёфасида оддий халқнинг аянчли хаёти тасвиirlанади.

Оврўпо Уйғониши даврининг ilk ватани. Уйғонишининг дастлабки белгилари Данте ижодида кўринса ҳам, лекин Уйғониши даври тўла маънода XIV асрнинг иккинчи чорагидан бошланиб, XVII асргача давом этади.

Алигьери Данте - (1265-1321) - Ўрта аернинг сўнгги ва янги замоннинг биринчи шоири. XIII аерда Дантенинг ватани - Флоренциядаги сиёсий курашнинг ёзувчига таъсири. Данте адабий фаолиятининг бошланиши - лирик шоир сифатида. «Янги хаёт» - Данте поэзиясининг энт юқори чўқиси. Тўпламдаги реалистик ғоялар. Беатриче образи, Асарнинг автобиографик характеристи.

Дантенинг сиёсий-фалсафий трактати **«Зиёфат»**да Ўрта асрлар фалсафаси, дини ва ахлоқи тасвиirlанса, **«Халқ нутқи ҳақида»** трактатида эса бутун Италия учун ягона тил -

миллий тил яратиш кераклигини, уни ҳимоя қилиш кераклигини уқтиради. Бу асар миллий тил ҳимоясидаги биринчи илмий асар сифатида алоҳида аҳамиятга эга..

«Илохий комедия» - Данте ижодиниши чўққиси бўлиб, адабнинг сиёсий-фалсафий ва адабий фаолиятининг якундир. Бу асар Дантели «Ўрта асрнинг энг охирги ва янги замоннинг энг аввалги шоири» сифатида танитиши.

Данте кўп жиҳатдан ҳали ўрта аср урф-одатлари таъсирида бўлса ҳам, лекин «Илохий комедия» асарида у замонавий масалапарни фантастик бўёкларда акс эттириб, янги танқидий фикрлар билаи чиқади, бутун ўрта аср маданиятига фалсафий - адабий хулоса ясади. Асар композицияси, унда Италиянинг бирлиги учун кураш, шоир сатирасинилг ватан хоинларига қарши қаратилиши. Асарнинг ўткирлиги, ғоявий бойлиги ва аҳамияти. Асаддаги реалистик ҳолатлар. Дантелинг поэтик маҳорати.

Дантелинг «Илохий комедия»си Абдулла Орипов томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий тушунчада қатор янгиликларнинг келиб чиқиши Уйгониш (Ренессанс) даврига асос бўлди. Шахс эркинлиги ва инсоннинг табиий интилишларини ҳимоя этувчи гуманистик ҳаракатнинг юзага келиши.

Диний ақидалардан ҳоли, реалистик мазмундаги антик маданиятга қизиқишининг кучайиши моҳияти билан ўрта асрлар идеологиясига зид характердаги бу ҳодисалар «энг буюк ўзгариш» даври - Уйгониш даврининг муҳим белгилари сифатида.

Петрарка (1304-1374) - Уйгониш даври гуманистларидан бўлиб, Данте каби бадиий адабиёт орқали замонасининг сиёсий ҳаётига таъсири кўрсатиш, миллий бирлик учун курашига ҳаракат қилган. Петрарка ҳам қадимги юон-рим адабиётидан ўрганди ва уларга тақлидан асарлар ёзди. Жумладан, Вергилий «Бурколикалар»ига тақлидан ёзган шеърларида баъзан ҳажвиёт бўлса, баъзан шоирнинг шахсий ҳис-туйғулари акс этган. Унинг насрый асарлари («Унутилмайдиган нарсалар ҳақида», «Машхур кишилар ҳақида»)да Римнинг машҳур кишилари, жумладан, македониялик Искандар, Ганнибаллар хусусида гапирилади, кишилардаги ватанпарварлик руҳини кўрсатади.

Петрарка ижодида севги лирикаси асосий ўринни эгаллайди. Лаура номи билан куйланган шеърларида шоирнинг ҳис-туйғулари берилган. Бу унинг «Мадонна Лауранинг ҳаёти», «Мадонна Лауранинг вафоти» асарлари бўлиб, унда севги мавзусидан ташқари сиёсий ва фалсафий мавзудаги шеърлари ҳам бор. Бундай шеърларида жанговарлик руҳи сезилиб туради.

Жованни Боккаччо (1313-1375) Уйгониш даври адабиётида новелла жанрида ижод қилиб, унинг ривожига катта ҳисса қўшди. Дастребаки ижодида рицарь романларини қайта ишлади, шеърларида чўпонлар поэзиясидап фойдаланди, Рим ёзувчиси Овидийнинг «Метаморфозалар» асарига тақлидаи «*Фъезолан парилари*» асарини ёзди. Оврўпо адабиётида биринчи бўлиб, «*Фъяметта*» психологик романинг яратди. Асарида севгилиси ташлаб кетган маъшуқанинг ҳис-туйғу ва руҳий азоблари қаҳрамон тилидан берилади. Боккаччо Оврўпо адабиётида биринчи бўлиб аёлларни ўз ўрни, характери, уларнинг ички дунёси, ҳис-туйғулари, қувонч ва ташвишларини реал кўрсатиб берди.

Боккаччонинг «*Декамерон*» асари ҳикоялар тўплами бўлиб, ҳалқ оғзаки ижодиётига мурожаат қилди. Юзта ҳикояни ўз ичига олган бу асар «Минг бир кечा»ни эслатади. Боккаччонинг бу ҳикояларни ёзишдан мақсади - кишиларга янги онг, янги маданият ва гўзалликни сингдиришдан иборат эди. Шоир ижодида севгини кенг маънода, ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ ҳолда тасвирлаш асосий ўринни эгаллайди. Боккаччо қаҳрамонлари оддий кишидар, уларнинг ижобий хислатлари - эпчиллик, донолик, хушчақчакликдан иборат бўлиб, фольклордан кенг фойдаланган.

XV-XVI асрларда Франция адабиёт. Бу давр адабиётининг вакили **Франсуа Рабле** (1494-1553) бўлиб, ижодида ҳалқ орзу-истакларини ифодаловчи асарлар яратди. Жумладан, унинг ўзбек тилига таржима қилинган «*Гаргантия ва Пантагрюэль*» романи ўрта аср тартиблари, хулқ-атворларига қарши сатира сифатидаги асар бўлиб, унда хаёлий бўлса-да, ҳалқининг келажакдаги яхши турмуши акс эттирилган. Асада ёзувчи ўша давр

гуманистларини қизиқтирган тарбия, уруш ва тинчлик масалаларини ёритади. Ўрта аср таълим-тарбиясига янги ўқитиш усулини қарши қўяди.

Асарда оддий кишилардаги садоқат, меҳнатсеварлик, самимийлик хусусиятларини мухаббат билан тасвирласа, руҳонийлар ва уларнинг таълимотлари устидан кулади. Халқ орзу-умидларининг ифодаланиши, инсонпарварлик ғоялари ва педагогик қарашлари. Асарда халқ оғзаки ижодиётидан унумли фойдаланиши. Рабле яратган халқпарвар қироллар образи, ижодининг демократик руҳи, сатирик услуби, хушчақчақ кулгуси. Франсуа Рабле ижодининг жаҳон адабиётига кўрсатган таъсири ва аҳамияти.

АДАБИЁТЛАР

1. **Қаюмов О.** Чет эл адабиёти. – Т.: «Ўқитувчи», 1979.
2. **Алексеев М.П.** и.др. История зарубежной литературы. (Средние века и возрождение) - М.: «Высшая школа», 1987.
3. **Сулаймонова Ф.** Шарқ ва Ғарб. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.
4. **Комилов Н.** Тафаккур карвонари. – Т.: «Шарқ», 2011.
5. **Данте А.** Илоҳий комедия. – Т.: Адабиёт ва санъат пашриёти, 1975.
6. **Боккаччо Ж.** Декамерон. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.
7. **Рабле Ф.** Гаргантюа ва Пантагрюэль. – Т.: «Ёш гвардия», 1970.

8. АНГЛИЯ ВА ИСПАНИЯДА УЙГОНИШ ДАВРИ АДАБИЁТИ. (2 СОАТ)

- Англияда уйгонииш ҳаракатлари.
- Англияда илк уйгонииш адабиёти вакиллари.
- Вильям Шекспир – инглиз уйгонишининг иирик намояндаси.
- Шекспир – драматург.
- Уйгонииш даври испан адабиёти.
- Сервантес - реалист ёзувчиси.

XIV-XVI асрларда Англияда Уйғониши даври ҳаракатлари, ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши янги гуманистик дунёқарашнинг шаклланишига асос бўлди. Халқ оммасининг зулмга қарши норозилиги. Англияда Реформация. Дин ва черковга муносабат инглиз гуманистлари учун асосий масала. Уйғониши ҳаракатининг мамлакат маданий ҳаётига таъсири, санъат ва адабиётнинг гуманизм ғояларини ёйишда асосий курол вазифасини бажариши. Англияда Уйғониши даври ёзувчиларининг ўтмишдошлари. **Вильям Ленглендинг** «Қўшчи Петр ҳақидаги хаёл» поэмаси XIV асрнинг иккинчи ярмидаги Англия ижтимоий ҳаётининг ўзига хос томонларини, дехқонларнинг оғир ахволини ёритиб берувчи асардир. Поэмада меҳнат ғоясининг илгари суримиши, дехқон меҳнатининг мақталиши. Асарнинг халқ онгининг ўсишига таъсири. **Чосернинг** «Кентерберий ҳикоялари»да Англиядаги ижтимоий табақалар ҳаётининг акс этиши. Асарда реализмнинг кучи. Робин Гуд ҳақида халқ балладалари ва уларнинг дехқонлар ҳаракати билан боғлиқлиги.

Инглиз гуманистик адабиётининг тарихий ривожланиши босқичлари ва хусусиятлари. **Томас Мор** ҳаёти ва ижоди. **«Утопия»** асарида ёзувчининг гуманистик қарашларининг акс этиши. Асарда Овруподаги мавжуд ижтимоий тузумнинг қорааниши, мавжуд тартибларга қарши халқ оммасининг норозиликларининг ифодаланиши. **«Утопия»** асари билан Уйғониши даври маърифатчилик адабиётига асос солиши.

Драма ва театрнинг ривожланиши. Англиядаги «Глобус» театрининг демократах характеристи. Шекспир ўтмишдошлари - **Кристофер Марло** - янги типдаги театрнинг яратилишига катта улуш қўшган драматург. Марло - кучли, эҳтиросли шахслар образини яратувчи ижодкор. Унинг «Улуғ Темур», «Доктор Faустнинг фожиали тарихи», «Мальта яхудийси» трагедиялари қаҳрамонларининг хусусиятлари.

Вильям Шекспир (1564-1616) - инглиз Уйгониш даврининг буюк намояндаси. Унинг ҳаёти ва ижоди. Шекспир масаласи. Шекспир ижодини даврлаштириш. Шекспирнинг поэма ва сонетлари. Поэмалари «*Венера ва Адонис*», «*Лукреция*»га антик давр тарихи ва мифологияси сюжет қилиб олиниши, лекин уларда Уйгониш даври руҳининг ифодаланиши. Шекспир сонетларига Петрарка таъсири. Сонетларидаги ҳакиқий инсоний ҳис-туйғунинг ифодаланиши. Тарихий хроникалари, марказлашган ҳокимият учун кураш, давлат ва халқ тақдири масалаларининг қўйилиши. Шекспирнинг сиёсий қарашлари. «*Генрих IV*» асарида Шекспирнинг асар қаҳрамонини индивидуаллаштиришдаги реалистик маҳорати. Шекспир комедиялари. Комедияларнинг мавзуси. Уйгониш даври руҳи билан суғорилган, чуқур гуманистик ғояларни илгари сурган комедияларида панд-насиҳат. «*Қийиқ қизнинг қуюлиши*» комедиясининг яратилиши ва унда илгари сурилган ғоя. Ўрта асрларда хукмронлик қилган «ёвуз аёл» тушунчасига Шекспирнинг муносабати ва унинг бу асарда янгича тараниум этилиши. Асар қаҳрамони Катаринанинг «қийиқ»лигига ўша давр муҳитининг таъсири сифатида қаралиши. Катаринанинг қуюлишида Иетручионинг таъсири. Катарина ва Бъянка образларини киёслаб кўриш.

«*Ўн иккинчи кечा*» комедиясининг ғоявий мазмуни. Асардаги комик ҳолатлар. Ака-сингил Виола ва Себастьянлар тақдири. Комедиядаги чин муҳаббат, одамгарчилик, шижаот каби ҳислатларнинг ифодаланиши. Шекспир томонидан тақдир масаласининг ечилиши. Инсоннинг баҳтга эришиши жараёнини тасвирлаш билан Шекспирнинг инсон тўсиқларни енгиши зарур деган хulosага келиши. «*Ўн иккинчи кечা*» оптимистик руҳдаги комедиядир. Шекспирнинг «*Венеция савдогари*» комедиясининг яратилиши. Комедияда икки дунё кишилари ўртасидаги қарама-қаршилик ва курашнинг тасвирланиши. Антонио билан Шейлок образлари. Шейлок - судхўр образ. Шейлок яхудий халқининг ҳуқуқлари ҳимоячиси сифатида тасвирланиши. Бу образнинг мураккаблиги. Комедияда шахсиятпараст-ликнинг фош қилиниши.

Шекспир трагедиялари. «*Ромео ва Жульєтта*» - ўрта аср фанатизми устидан ғалаба қилган буюк инсоний севгини куйловчи асар. «*Гамлет*» трагедияси Шекспир ижодининг чўққисидир. Асарнинг асосий ғояси. Трагедияда чириган олам эътиқодларига зарба берилиши, сарой ахли эгоизми, монарх деспотизмiga қарши курашнинг ифодаланиши. Гамлетнинг: «*Табиатнинг нақадар ажойиб мўъжизасидир одамзод! Унинг зеҳни нақадар олижсаноб, ундаги қобилияtlар нақадар бепоён*», - деган фикрлари. «Гамлет» саҳнада.

«*Отелло*» трагедиясининг яратилиши ва ғояси. Асарда икки тарихий давр - ўлиб бораёган абсолютизм ва туғилиб келаётган даврда вужудга келаётган янги ахлоқ, тушунчаларнинг мураккаб жараёнини, шахс билан уни ўраб олган мухит ўртасидаги зиддиятларни акс эттириш. Қаҳрамоннинг шахсий фожиаси замоннинг ижтимоий конфликти даражасига кўтарилиши.

«*Макбет*» трагедиясининг ғояси. Унда золимга муносиб ўлимнинг тасвирланиши. Макбет - сиёсий деспотизмнинг тўла инъикоси. Асарда инсоний ҳуқуқларнинг ҳимоя қилиниши.

Шекспир трагедияларининг ижтимоий аҳамияти. Шекспир реализми, унинг ҳусусиятлари. Шекспир асарларининг тили ва унинг бойлиги. Шекспир асарлари ўзбек тилида ва саҳнада.

Испанияда гуманистик дунёқурашнинг шаклана бориши билан жамиятга ва унинг урф-одатларига қарши курашнинг кучайиши. **Испан Уйгониш даври адабиёти** XV-XVI асрларда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар, мамлакат тарихий тараққиётининг ўзига хос ҳусусиятлари. Гуманистик тояларнинг тарғиб қилиниши.

Испан адабиёти ва романчилик. **Мигель дс Сервантес** (1547-1616) - испан адабиётининг реалист ёзувчisi. Сервантес дунёқурашининг гуманистик характерда шакланиши. «*Дон-Кихот*» романи - XVI-XVII аср бошларидаги испан ижтимоий ҳаётининг реалистик умумлашмаси. Роман жамият ва унинг урф-одатларига зарба бергай очиқ сатира эканлиги. Дон-Кихот образи ва унинг иккиланувчанлиги. Асарда халқ образи.

Халқчиллик масаласи. «Дон-Кихот» романи ўрта аср рицарь романларига пародия тариқасида ёзилган бўлса ҳам, мазмуни кенг, ўша жамият ва унинг урф-одатлари фош қилинган. Асарда ёзувчи ҳарбий санътнинг ҳакиқий мақсади - тинчлик эканлигини уқтиради. Роман қаҳрамонларининг кўпчилиги дехқон ва чўпон, талаба ва аскар, аравакаш ва косиблардир. Ўрта асрда яшаган дехқон аёлнинг турмуши, орзуларини реал кўрсатиб берди. Ёзувчи асарида уз даври муҳим томонларини англагани холда, асосий қаҳрамонлари орқали ўз давр воқелигини акс эттириди, рицарьлик ва бойликка интилишни қоралади. Романнинг халқчиллиги. Асар билан Сервантес ўрта аср рицарь романларига қарши чикиб, янги реалистик романга асос солди.

Сервантес драматургияси. «*Нумансия*»да ватанпарварлик пафоси, унинг испан халқининг тинчлик учун кураши даврида ўйнаган роли.

Сервантес ижодининг Оврўпо адабиётига таъсири катта.

АДАБИЁТЛАР

1. Қаюмов О. Чет эл адабиёти. – Т.: «Ўқитувчи», 1979.
2. Алексеев М.П. и.др. История зарубежной литературы. (Средние века и возрождение) – М.: «Высшая школа», 1987.
3. Л. Н. Толстой. Шекспир ва драма тўғрисида//Жаҳон адиллари адабиёт ҳакида. – Т.: “Маънавият”, 2010.
4. Сураймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.
5. Комилов Н. Тафаккур карвонари. – Т.: «Шарқ», 2011.
6. А. Сайдов. Шекспир ва юриспруденция. – Т.: “ЎЗБЕКИСТОН”, 2011.
7. М. Холбеков. Марло ва Шекспир: икки тақдир ҳикояти. “ШЮ”, 2009/1
8. У. Жўрақул. “...Телбага йўқдур қалам”. “ШЮ”, 2010 / 1.
9. Шекспир В. Сайланма. Уч жилдлик. – Т.: “Фан”, 2007.
10. Шекспир В. Сонетлар. – Т.: «Vektor-Press», 2009. Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.
11. Сервантес. Дон Кихот саргузаштлари. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.
12. Сервантес. Англиялик испан қиз // Ишқ изтироби. – Т.: “Ёш гвардия”, 1981.

9. XVII АСР ҒАРБИЙ ЕВРОПО АДАБИЁТИ (2 СОАТ)

- Классицизм адабиёти.
- Классицизм адабиёти эстетикаси.
- Француз классицизми вакиллари.
- Классицизм адабиётининг аҳамияти.
- XVII аср испан ва инглиз адабиёти.
- Барокко адабиёти ва унинг ўзига хосликлари.

Классицизм адабиёти. Тарихий вазият ва адабий оқимлар. Уйгониш даври адабий йўналишларининг давом эттирилиши. Классицизмпинг асосий принциплари. Инглиз адабиёти. **Жон Мильтон** - инглиз адабиётининг йирик вакили. Мильтон ижодининг босқичлари. «*Йўқотилган жаннат*» эпик поэмаси; сиёсий воқеаларнинг тасвирланиши. Мильтон дунёқарашидаги зиддиятлар. Антик маданиятни юқори баҳолаши. «*Топилган жаннат*» поэмасида инқилобий ғоялардан чекиниш. Поэма - сиёсий руҳдаги асардир.

«*Самсон - курашли*» драматик асарида инқилобий ғояларга мурожаат қилиниши, ёзувчининг ўз даврининг актуал масаласига эътибори. XVII асрда Испанияга христиан динининг салбий таъсири. Мамлакат ижтимоий ҳаётидаги воқеаларнинг испан адабиётига таъсири масаласи. XVII аср испан адабиётидаги уч йўналиш. Испан адабиётида **барокко оқимиини**г ривожланиши.

Лопе де Вега - испан адабиётида Уйгониш реализми анъаналарини давом эттирган улуғ ёзувчи. Лопе де Вега ижодида испан реалистик театрининг юқори поғонага

күтарилиши. «**Янги санъат**» асарида испан миллий драмасининг асосий қоидаларини белгилаб бериши. Унинг эстетик қараплари. Ижодиётининг ранг-баранглиги. Лопе де Вега асарларининг мавзуси. Давлат масаласи ва қаҳрамонлик мавзусининг ечилиши. Асарларидаги халқчиллик, халқ эртаклари, хроникалардан фойдаланиши.

«**Кўзибулок**» пьесаси тарихий қаҳрамонлик ва ижтимоий-сиёсий характердаги асардир. Псьессада драматик конфликтни ташкил этган асосий воқеа - халқ қўзғолони хусусида. Лопе де Веганинг новаторлиги ва халқа яқинлиги. Асарда дехқонлар образи, «Кўзибулок» демократии рух билан сугорилган, бадиий пухта ишланган асардир. Асарда типик образ ва реалистик манзаранинг яратилиши. Асарининг қиммати. Лопе де Веганинг «**Ўз уйида доно**» пьесасида оддий дехқон турмуши, маънавий поклигининг юқори табақа кишилари манманлигига қарши қўйилиши, «Плаш ва шамширлар комедияси»да севги, оиласий-маиший мавзунинг ёритилиши, «Кўза кўтарган қиз», «Ракс муалими», «Аслзода идиш юувучи хотин» каби асарларида инсонни эски урф-одатлардан ҳоли этиб, уни улуғлаши масалалари. Лопе де Вегадан кейинги даврда испан драмаси.

Кальдерон - шу давр Испания руҳини, гуманизмнинг инқизорзга юз ўғирганлигининг ифодачиси сифатида. Кальдероннинг диний руҳдаги пьесалари. («Бутга сифиниш», «Хаёт - уйқу демак»). Кальдероннинг ор-номус масаласига бағишлиланган драмалари («Айрилиқнинг хавфи», «Номус ғалабаси», «Махфий никоҳ»).

Кальдерон драмаларида реалистик тасвир, характерлариинг пишиқ ишланиши ва демократизм. Кальдерон ижодидаги қарама-қаршиликлар. Кальдероннинг драматик маҳорати. Испан театрининг тушкунликка тушиши.

XVII аср француз адабиёти ва санъатида **классицизмнинг тараққиёти**.

Пьер Корнель - XVII аср француз драматурги. Унинг «**Сид**» трагедияси ўз давридаги ижтимоий қарама-қаршиликларнинг реалистик тасвирлаши. Сид образи ватан учун хизмат қилувчи. Корнелнинг бу асарда эркинлик ва демократик ғояларни химоя қилиши, феодал урф-одатларни танқид қилиши. «Сид» атрофидаги кураш ва унинг гоявий-сиёсий мақсади.

«**Гораций**» трагедиясида Корнель давлат ва жамият иши учун кураш мавзусига мурожаат қилиши. Асарда гражданлик бурчи масаласининг қўйилиши. Корнель француз трагедиясинингтина эмас, балки француз характерлар комедиясининг асосчиси сифатида («Қаллоб» комедияси).

Корнель ижодининг сўнгги даврларида ёзилган асарларида тушкунликнинг ифодаланиши.

Мольер - француз миллий театрининг асосчиси. Мольер - француз классик комедиясини яратувчи. Комедияларида оила, никоҳ масалаларини кўтариб чиқиши («Эрлар учун сабок», «Аёллар учун сабок») Мольер дунёқарашидаги халқчиллик. Мольернинг XVII аср Франциясидаги сиёсий кучларни танқид қилувчи асарлари. «**Тартюф**»да христиан дини ва черковнинг танқид қилиниши. Пьесанинг сатирик кучи. «**Дон-Жуан**»да ахлоқсизлик ва ўзбошимчаликнинг фош этилиши. «**Мизантроп**»да мавжуд тартибларга қарши кураш масаласи. «**Хасис**»да асосий қаҳрамон учун асосий хусусият бўлган хасисликни очиш. «Хасис» Мольернинг типик «характерлар комедияси»дир. «**Дворянликдаги мешчан**»да аристократия ҳётига тақлид қилувчи ва дворянликка суқилиб кирувчи мешчанни танқид қилиш. Мольер комедияларида оддий халқ образи. Мольер асарларининг аҳамияти. Унинг асарлари сахнада.

Лафонтен - XVII аср француз масалчи шоири. Лафонтен ижодидага черков ва аристократик хулқ-атвор танқид қилинган шеърий эртаклари. Лафонтен масаллари, улардаги халқчиллик ғояси, ҳаққонийлик ва реалистик тасвир. Унинг «**Дуб ва қамиши**» масалида мағрурлик масхара қилинган, сарой текинхўрларини қоралаган «**Пашша билан ҷумоли**», адолатсиз судни танқид остига олган «Маймунлар судида тулкига шикоят билан чиқувчи бўри», абсолют ҳокимият зулмига ишора қилувчи «Касал арслон ва тулки», шунингдек, руҳоний ва дворянларнинг ёвузликларини фош этувчи бирор масаллари.

Ижодининг кейинги давларидаги масалларида сатиранинг кескинлашиши, реалистик тасвирнинг устунлиги. Лафонтен масалларининг соддалиги, ижтимоий ҳаётни кенг қамраб олиши, меҳияткаш омма манфаатларини ҳимоя қилиш. Лафонтен масаллари ўзбек тилида. Лафонтен ва ўзбек масалчилиги.

Буало - классицизм адабий услубининг йирик назариётчиси. Буало сатиралари. «*Поэзия санъати*» дидактик поэмаси. Унинг эстетик қарашлари, реалистик ғояларнинг чекланганлиги. Буало абсолютизм ғояларининг маддохи.

Жан Расин - XVII аср француз драматурги. Француз абсолют монархияси зиддиятдари кескинлашган даврда Расин ижоди. Расин дунёқарашидаги қарама-қаршиликлар. Расин - халқчиллик ғояларининг ҳимоячиси. Асарларида хукмрон доираларнинг зўравонликка асосланган сиёсатларипи қоралайди («Андромаха», «Британник», «Федра»). Золимга айланган мутлақ ҳокимнинг хатти-харакатларини қораловчи «Британник», саройдаги ахлоқий тушкунликнинг фош қилиниши («Федра»). Расин ижодининг сўнгги даври трагедияларида диний мавзуларга мурожаат қилиши. Расин трагедияларининг халқчиллиги. Расиннинг француз драматургиясига кўшган ҳиссаси.

АДАБИЁТЛАР:

1. Қаюмов О. Чет эл адабиёти. – Т.: «Ўқитувчи», 1979.
2. Буало. Шеърий санъат. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.
3. Артамонов С.Д. История зарубежной литературы XVII–XVIII вв. – М.: «Просвещение», 1978.
4. Норматова Ш. Жаҳон адабиёти. – Т.: “Маънавият”, 2008.
5. Бернс Р. Қўшик ва балладалар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971.
6. Ж. Лафонтен. Чин дўст топилса. “ЖА”, 2001/12.
7. Ж. Лафонтен. Масаллар. “ЖА”, 2008/5.
- 8.

10. XVIII АСР МАЪРИФАТЧИЛИК АДАБИЁТИ (2 СОАТ)

- *Маърифатчилик адабиётининг ўзига хослиги.*
- *Фарб ва Шарқ маърифатчилигининг муштарак ва фарқли жиҳатлари.*
- *Англияда маърифатчилик адабиёти.*
- *Француз маърифатчилиги.*
- *Олмон маърифатчилигининг ўзига хослиги.*
- *Гёте “Фауст”и маърифатчилик адабиётининг юқори босқичи сифатида.*

XVIII аср маърифатчилик оқими кўпгина Оврўпо мамлакатларининг ижтимоий ҳаётида катта бурилиш бўлди. XVIII аср маърифатчиларининг фаолиятлари турли мамлакатларда турлича бўлишига қарамай, уларнинг асосий тарихий вазифалари бир бўлган. XVIII аср маърифатчиларининг фаолияти жўшқин ва хилма-хилдир. Уйғоийи давридан бошлаб Оврўпо ҳеч қачон ижтимоий ва маданий ҳаётда бунчалик изланишлар макони бўлмаган. Универсал билимга эга бўлган маърифатчилар инсонга хизмат қилишни асосий мақсад деб биладилар. Улар онг ҳукмронлик қилишига ишонган ҳолда ғоя дунёни ўзгартиради деб, ғоя моҳиятини ошириб юборганлар. Маърифатчиларнинг илмий, фалсафий, эстетик ва адабиёт соҳасидаги кузатишларидаги асосий масала инсон шахси бўлган. Лекин уларнинг гуманистик қарашларида зиддиятлар бор.

Маърифатчилик адабиётининг хусусияти унинг олдига қўйилган асосий масалалар - янги ижтимоий ҳаёт шаклларини ўзлаштириш ва бу шаклларининг кишига таъсири билан боғлик. Бу даврнинг характерли ва ёрқин адабий ҳодисаси **маърифатчилик реализмидир**.

Даниель Дефо (1661-1731) жаҳон адабиёти тарихига ўлмас «*Робинзон Крузо*» асарининг автори сифатида кирган. У инглиз ва Оврўпо адабиётида роман жанрига асос солган машҳур ёзувчидир. Ўз замонасининг илғор зиёлиларидан бўлгаи Дефо ажойиб публицист, талантли журналист сифатида ҳам шухрат топган.

Дефонинг адабий фаолияти кенг ва ранг-баранг. Унинг талай мақола ва памфлетларидан ташқари, фалсафа, иқтисодиёт, тарих, педагогика, статистика, география ва медицинага бағишлиланган бир қанча асарлари бор.

Дефо ижодининг биринчи даврида катор памфлетлари ёзилган бўлиб, улардаи «Камбағаллар тўғрисида», «Инглиз халқининг аввалги қудрати ҳақида», «Легион номидан мурожаат» каби. Булар орқали ёзувчи дунёқаришининг ижобий ва чекланган томонларини, инглиз конституциясига муносабатини кўрсатади. Дефонинг оддий халққа муносабатини, педагогик қарашларини тушунишга ёрдам беради.

Дефо ижодиниг иккинчи даврида романист сифатида танилади. Ёзувчита биринчи шухрат келтирган асари 1719 йилда ёзилган «Робинсон Крузо» романидир. Ундан сўнг «Машҳур капитан Сингльтоннинг ҳаёти ва саргузаштлари» ва бошқалар ёзилиб, Дефонинг истеъододли романист эканлигидан дарак беради.

Романда саргузашт усулида ёзилган бўлиб, унда автобиографик, педагогик элементлар ҳам бор. Асар майший-саргузашт роман ҳисобланиб, унда қаҳрамоннинг ёшлигидан то қаригунга қадар бўлгаи ҳаёти тасвиранланган. Ўз даврининг илғор ёзувчиси сифатида Дефо Робинсон Крузо образида инсонга хос энг нозик кайфиятларни бера олган.

Дефо асарининг боқийлиги боиси табиатни ва жамиятни ўзгартирувчи меҳнат нафасини бера олишидадир. Дефо бадиий услубининг ўзига хослиги. Дефонинг реалистик, маърифатпарварлик руҳидаги романларида ҳалқчиллик учун курашиши. Дефонинг «Робинсон Крузо» асари ўзбек тилида.

Жонатан Свифт (1667-1745) XVIII аср Англия адабиётида алоҳида ўринни эгаллайди. У факат инглиз адабиётининг эмас, балки жаҳон адабиёти тарихида ҳам машҳур танқидчилардан биридир. Свифтни ўз даврининг курашларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Унинг ҳаёти ҳам, ижоди ҳам Ирландия билан чамбарчас боғланган. Халқ баҳти, ватан баҳт-саодатини хукмронлар қизиқишлидан устун қўйган ёзувчи Ирдландиянинг мустақиллиги учун ирланд ватаппарварлари билан биргаликда инглиз зулмига қарши олиб борилган курашларда фаол иштирок этади ва халқнинг кўнглига йўл топади.

Свифт ҳаётида ҳам, унинг ижодида ҳам инглиз ҳаётининг қарама-каршиликлари ўз аксини топган. Свифт, аввало, ўз даври иллатларини аёвсиз фош этувчи сатириkdir. «Китоблар жанги», «Бочка ҳакида эртак», «Мовутфуруш хатлари» шулар жумласидандир.

Свифт номини дунёга тапитган, ижодининг гултожи ҳисобланган романи «Гулливернинг саёҳатлари» бўлиб, афсонавий эртакка ўшайди. Лекин асар инсон ва жамият характери ҳакидадир. Унда даврнинг характерли хусусиятлари акс эттирилган.

«Гулливернинг саёҳатлари» романи - инглиз ҳаётининг танқиди умумлашмаси сифатидаги асар. Романда Англиядаги хукмрон синфнинг чиркин урф-одатлари, давлат сиёсати, фан ва маданиятига ёзувчининг муносабати. Романда жанр муаммоси. Романда сатирининг ҳалқаро аҳамияти. Свифт ижодий методи муаммолари.

Свифтнинг «Гулливернинг саёҳатлари» романи ўзбек тилида.

Самюэль Ричардсон - эпистоляр роман ижодчisi. Ричардсон романларининг эволюцияси. Ёзувчи дунёқраши ва ижодий йўналишининг характери. Инглиз маърифатчилик романларида (Г. Смоллет) реалистик йўналиш тараққиёти. Инглиз маърифатчилик романларида турли йўналишлар (Ричардсон, Филдинг, Смоллет).

Генри Филдинг - маърифатчилик адабиётининг намояндаси, драматург, романист, публицист. Филдинг ижодининг босқичлари. Ижодининг дастлабки босқичида Свифт

сатирик анъанаси давомчиси. (*«Жонатан Уайлъд тарихи»*). Филдингнинг сатирик драматургиясида инглиз сиёсий курил иши танқиди. Романист-Филдинг ижоди эволюцияси. (*«Том Жонс тарихи»*). Ричардсон билан Филдинг мунозараси. Филдинг дунёқарашининг материалистик негизи. Филдинг ижодида ахлоқ масаласи. Филдинг романларида ижобий қаҳрамон муаммоси, халқ образи. Филдинг романларида типиклик муаммоси ва сюжет курилиши масаласи. Асарларининг тили. Филдингнинг эстетик қарашлари. Филдинг эстетикасида кулгунинг аҳамияти. Филдинг ижодининг сўнгги даври.

XVIII асрда француз абсолютизмнинг емирилиши. XVIII асрнинг биринчи ярмида француз адабиётида оқимлар кураши, реалистик йўналиш курашининг акс этиши.

Франсуа Мари Аруэ Вольтер - XVIII аср маърифатчиси, шоир ва драматург, файласуф ва тарихчи, публицист ва курашчи сифатида. Вольтер ижодини даврлаштириш. Вольтер дунёқарашининг умумий характеристикиси. Вольтер ва черков. Вольтернинг маънавий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашлари. Вольтер - тарихчи. Вольтер бадиий ижоди эволюцияси. Вольтер ижодий методи масаласи (классицизм ва реализмга муносабати). Вольтер - драматург. *«Брут»* трагедиясида озодлик, ватанга садоқат ғояларининг илгари сурилиши. *«Заира»* трагедиясида диний жаҳолатни танқид килгани, *«Мұхаммад»* трагедиясида эса дин, черков - қаллоблик ва мунофиқдик қуроли эканлиги. Вольтер ижодида ижтимоий-сиёсий масалаларнинг ёритилиши (*«Кандид ёки оптимизм»*). Вольтернинг тарихий ва фалсафий мавзудаги асарлари. Вольтер ижодининг аҳамияти.

Дени Дидро - XVIII аср маърифатпарвари. Дидро - энциклопедия асосчиларидан бири. Унинг фалсафий қарашлари. Дидронинг драматургия масаласига муносабати. Дидронинг эстетикага оид асарлари ва Оврупода маърифатчилик реализмининг тараққиёти. Дидронинг санъат соҳасидаги асарлари (*«Никоҳсиз ўғил ҳақида сұхбатлар»*, *«Драматик адабиёт түғрисида»*, *«Тасвирий санъат ҳақида тажрибалар»*), фалсафий асарлари Д' Аламбер билан Дидро сұхбати», *«Материя ва ҳаракатнинг фалсафий тамойиллари»*).

Дидронинг бадиий истеъоди. *«Монахина»* романининг ғояси. Бу маърифатчилик реализми асари сифатида. *«Рамонинг жияни»* - диалог шаклида ёзилган асар. XVIII аср француз реалистик адабиёти тараққиётида бу асарнинг аҳамияти. Француз танқидчилиги. Дидро ижодиининг тарихий аҳамияти түғрисида.

Жан-Жак Руссо - сентиментализм оқимининг асосчиси. Ижодининг даврлари. Руссонинг ижтимоий-сиёсий ва тарихий қарашлари. *«Ижтимоий шартнома»* рисоласи ёзувчининг сиёсий программаси сифатида.

Руссонинг педагогик қарашлари (*«Эмиль ёки тарбия түғрисида»*). *«Юлия ёки яши Элюиза»* романида ижтимоий тенгизликтининг күрсатилиши. Романда табиат масаласи. Ижобий қаҳрамонлар характеристининг очилиши. Роман услуби. Кенинги давр Оврупо адабиётида роман жанри тараққиётида тутган ўрни. *«Иккорнома»* асарида XVIII аср француз жамиятининг танқидий тасвиrlаниши. *«Иккорнома»*да автор образи. Асарнинг кейинги давр автобиографик романларига таъсири. Руссо ижодий методининг хусусиятлари. Руссо ва француз романтизмининг вужудга келиши. Руссо ижодининг қарама-қарши томонлари. Руссо ижодиининг ксийнги давр учун аҳамияти.

Бомарше - маърифатчилик даврининг драматурги ва публицисти. Ижодининг босқичлари. Драматургиясининг демократик ва реалистик йўналиши. Бомарше эстетик қарашлари. (*«Евгения»* пьесасига сўзбоши). Фигаро ҳақидаги трилогияси. *«Севилиялик сартарош»* асарининг ғоявий мазмуни. *«Фигаронинг тўйи»* асарининг сиёсий ва бадиий аҳамияти. XVIII аср реалистик комедиянинг тараққиётида Бомарше ўрни. 90-йиллар ижодида ғуссали кайфиятнинг пайдо бўлиши (*«Жинояткор она»*).

XVIII асрда Германиянинг иқтисодий ва сиёсий аҳволи. XVIII аср ўрталарида миллий маданиятнинг ривожланиши. **Немис маърифатчилиги**-нинг чекланганлиги. *«Бўрон ва тазийк»* адабий ҳаракати намояндадарни.

Готхольд Эфраим Лессинг - Германиянинг миллий бирлиги учун курашган маърифатпарвар адиб. Лессинг - халқчил санъат эстетикаси назариётчиси, халқчил санъат учун курашчи. Лессингнинг миллий театрнинг вужудга келишидаги роли, драма жанрига асос солувчи. Лессингнинг «*Эмилия Галотти*» пьесасида ижтимоий конфликтнииг қўйилиши. «*Минна фон Барнхельм*» асарида етти йиллик уруш давридаги немис ҳаётининг реал картинасининг кўрсатилиши. Халқ ичидан чиқкан қаҳрамонлар киёфасининг очилиши. Лессингнинг «*Донишманд Натан*» фалсафий драмаси. Асарда диний эътиқодга бўлган эркинлик масаласи. Лессинг асарларининг аҳамияти.

Фридрих Шиллер ижодининг Штюрмер даври. Шиллер илк драматургиясининг гоявий йўналиши. «*Қароқчилар*», «*Макр ва муҳаббат*» драмаларининг гоявий мазмуни. «Қароқчилар» трагдиясида курашчанлик, эркеварлик ғояларининг илгари сурилиши. Асар қаҳрамонидаги исёнкорлик рухи. Драмаларида автор реализмининг кучи. Шиллернинг 90-йиллар ижоди - тарихий мавзуга мурожаат. Шиллер драмаларида реализм ва романтизм. («Мария Стюарт», «Валленштейн», «Орлеан қизи»). Шиллер драмаларининг услуби.

Шиллер асарлари ўзбек тилида ва ўзбек саҳнасида.

Иоганн Вольфганг Гёте - немис халқининг буюк адиби. Гёте ижодининг босқичлари. Гётенинг адабий фаолиятида штюрмер даврининг хусусиятлари. Гёте ижодининг илк даври эстетикаси. «*Гец фон Берлихинген*» асарида зулмга қарши исёнкорлик рухи. Асарнинг халқчиллиги. «*Ёши Вертернинг изтироблари*» романида ҳаётий муаммоларнинг кўтарилиши. Асарда зулмга, адолатсизликка, оддий инсон хукукларининг поймол қилинишига қарши исёнкорлик рухи. Романинг психологик ва ижтимоий мазмуни. Романда Вертер қисматининг тасвирланиши. Роман ўзбек тилида (Я. Эгамова таржимаси). Гёте лирикасининг асосий мавзуси. Гётенинг маданият ва санъат ишларига муносабати. Гётенинг ижтимоий ва адабий қарашлари. Гёте поэтик ижодининг чўққиси - «*Фарбу Шарқ девони*»да фалсафий лирика яратиши.

«*Фауст*» - Гёте ижодининг чўққиси. Асарнинг ғоявий мазмуни. Фауст образи, унинг фалсафий ва бадиий аҳамияти, унинг эволюцияси. Халққа хизмат қилиш фикри - қаҳрамоннинг олий мақсади. Трагедиянинг асосий қаҳрамонлари (Фауст, Мефистофель, Маргарита, Елена, Вагнер ва бошқалар). Трагедияниш фалсафий томони. Асарнинг оптимистик рухда тугаши. Асарнинг бадиий хусусиятлари, тили, услуби. Гёте асарларининг аҳамияти. Гётенинг асарлари ўзбек тилида (Э. Воҳидов таржимаси).

АДАБИЁТЛАР

1. Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. – Т.: «Ўқитувчи», 1987.
2. Артамонов С.Д. История зарубежной литературы XVII–XVIII вв. – М.: «Просвещение», 1978.
3. Филиппов М.М. Очерки о западной литературе (XVIII -XIX в.в.) – М., «Наука», 1985.
4. Норматова Ш. Жаҳон адабиёти. – Т., “Маънавият”, 2008.
5. Дефо Д. Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари. – Т.: «Чўлпон», 1994.
6. Свифт Ж. Гулливернинг саёҳатлари. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.
7. Гёте И.В. Фауст. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
8. Гёте И.В. Фарбу Шарқ девони. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010.
9. Гёте И. В. «Ёши Вертернинг изтироблари». – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.
10. Шиллер Ф. Макр ва муҳаббат. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.
11. Лессинг Г. Э. Донишманд Натан. “ЖА”, 2004/4-5.
12. Вольтер. Задиг ёки тақдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995

- 13. Ж.Ж.Руссо.** Илм-фан ва санъат равнақи ахлоқнинг покланишига ёрдам берадими? “ЖА”, 2010 / 6.
- 14. X. Вамбери.** Маърифат йўлидаги уйғониш. “Тафаккур”, 2000/2.
- 15. Эккерман Й. П.** Гёте билан сұхбатлар. “ЎзАС”, 2006 йил 8 дек.
- 16. Сайдов А.** Гёте – юрист. – Т.: “ЎЗБЕКИСТОН”, 2010. – 144 б.
- 17. Сайдов У.** Европа маърифатчилиги ва миллий уйғониш. – Т.: “Академия”, 2004.
- 18. Хўжаева Р.У.** Янги давр араб адабиёти тарихи. (Ўкув қўлланма) I қисм. – Т.: 2004.

11. РОМАНИЗМ АДАБИЁТИ (2 СОАТ)

- *Романтизмнинг назарий асослари ва эстетикаси.*
- *Немис адабиётида романтизм: aka-ука Гримм ва Гофмон ижоди.*
- *Инглиз романтизмидаги Байрон ва Шеллининг тутган ўрни.*
- *В.Гюго ва Ж.Санд – француз романтизмининг вакиллари.*
- *Ф.Купернинг Америка романтизм адабиётида тутган ўрни.*
- *Романтизмнинг тарихий асарларда акс этиши.*
- *Жаҳон адабиётида романтизмнинг ўрни ва аҳамияти.*

Оврўпо романтизм адабиёти XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида шаклланди. XVIII аср маърифатпарварлари ўз фаолиятлари билан оқилона давлат, оқилона жамият ўрнатилиши тарафдорлари эдилар. Аммо XVIII аср охирида юз берган инқилоб ва унинг натижалари маърифатпарварлар ишончини оқламади, янгича тартиблар ўрнатилди. Бу одамлар онгода, фанда, маданият ва адабиётда, санъатнинг барча соҳаларида кескин ўзгаришларга олиб келди. Адабиётда янги адабий оқимлар вужудга келди, уларнинг бири ўтмишга юз ўгириб, ўрта асрчилик анъаналарини мақтаб асарлар ёзса, иккинчиси ҳалқ интилишларини ифодаловчи асарлар ёзиб, маърифат, озодлик, тенглик, биродорлик идеалларига содик бўлиб қолдилар. Даврнинг адабий оқимлари ўртасидаги кураш ва алокаси. Илғор ғояли романтиклар ҳалққа ишонч билан қараб, унинг тақдирига, урф-одатларига, миллий анъаналарига, оғзаки ижодга ижобий муносабатда бўлдилар. Улар деярли барча адабий жанрларда ижод қилдилар. Асарларида кучли, эҳтиросли қаҳрамонлар яратиб, мавжуд тузумга нисбатан муросасизликка, унга қарши исёнга, норозиликка чакирдилар. Образларнинг бойлиги ва ранг-баранглиги, чуқур лиризм, ҳаётий воқеалар тугунидаги мураккабликлар ва қарама-қаршиликларни кўра билиши билан илғор романтиклар жаҳон адабиёти ривожида янги босқич яратдилар.

XIX асрнинг танқидий реалист ёзувчилари воқсликни кенгрок, чуқурроқ акс эттиришда романтиклар тўплаган ижодий тажрибага суюндишлар. Романтизм адабиётининг баркамол характерлар яратиш, ҳаёт зиддиятларини йирик контраст образлар тўқнашувида кўрсатиб бериш каби хусусиятлар йирик ёзувчилар реализмининг шаклланишига уз ҳиссасини қўшди.

Немис адабиётида романтизм даврида эртак жанри ниҳоятда ривожланди. Ҳалқ оғзаки ижодининг бой хазиналаридан тўпланган aka-ука Гриммлар ҳамда Гофманнинг эртаклари алоҳида ўриини эгаллайди.

Гофман (1776-1822) ижоди учун характерли нарса санъат ва санъаткор мавзуи бўлди. Унинг асарларида истеъододли музикантлар, санъаткорлар ҳаммавақт Германиянинг зерикарли, пасткаш ҳаётида бўғиладилар, ўз идеаллари билан немис ҳаёти шароити ўртасида номувофиқлик кўриб азоб чекадилар. Гофманнинг ўз замонасидаги тузумни факат санъаткор зиёлилар кўзи билан қоралashi унинг дунёқарашидаги чекланганликни билдиради. Бу чеклангашлик ўша давр немис ҳаётининг қолоқлиги, сусткашлиги натижаси эди. Билганимиздек, Наполеон ҳумронлиги тугагандан кейин ҳам немис ҳалқи оғир зулмдан кутула олмаган эди.

Гофманнинг композитор Крейслер тарихига оид очерклари унинг номини адабиёт оламига танитди. Кейинчалик унинг «Кавелер Глюк», «Дон Жуан» номли новеллалари, музика ҳақидаги мақолалари эълон қилинади. Санъат мавзуи ва унинг ҳаётга муносабати Гофман ижодининг охиригача давом этади. Унинг «Тунга ҳикоялар», «Серапион муридлари», «Циннобер лақабли митти Цахес» эртаги, «Мушук Мурнинг хотиралари» романи ҳам машхур. «Циннобер лақабли митти Цахес» номли эртак шаклига солиб ёзилган сатирасини авторнинг ўзи «замонавий эртак» деб атайди. Асарда ўзига ортиқча бино қўйган, ҳаддидан ошган давлат арбобларининг сатирик қиёфаси кўрсатилган. Гофман асарининг халқ ижоди билан алоқаси унинг эртак шаклидан фойдаланишидагина эмас, унинг халқ фольклоридан олган сехрли соч толалари мотиви, ёмонлик устидан яхшиликнинг ғалабаси каби оптимизмида кўринади.

Инглиз адабиётида романтизм Оврўпо инқилобий ҳаракати даврида шакланган бўлиб, инглиз романтиклари мавзуни қайси даврдан олишларига қарамай, ўз замонасига мурожаат қиласидилар. Улардан бири **Байрон**(1788-1824) бўлиб, ижодида даврининг барча зиддиятлари акс этган. Асарларида замонасидаги миллий озодлик ҳаракатини (Испания, Албания, Италия, Греция) ирланд халқининг Англия зулмига қарши олиб борган курашларини тасвиrlади. **«Чайльд - Гарольдинг зиёратлари»** лиро-эпик достонида исёнкор шахс билан адолатсиз жамият ўртасидаги тўқнашув ҳикоя қилинади. Асар қаҳрамони зодагон йигит Чайльд Гарольд Англия муҳитида бўғилади. Ўз уйини ташлаб, узоқ денгиз сафарига отланади. Аммо унинг ўтмиши каби келажаги ҳам умидсизлик кайфиятларига тўла. **«Шарқ достонлари»**да шоирнинг адолатсиз жамиятга нисбатан муносабати кўрсатилган, инглиз замонаси, унинг тартибларига қарши исёни ифодаланган.

Ижодининг чўққиси **«Дон-Жуан»** шеърий романи бўлиб, шоир замонасидага муҳим ижтимоий воқеаларга, масалаларга ўзининг танқидий муносабатини билдиради. Дон Жуан образи шоирнинг романтик қаҳрамонларидан фарқ қилиб, мутлақо реал воқеалар, реал одамлар билан тўқнашади. Шу сабабли ҳам Дон Жуан образи реализмга яқин туради.

Байроннинг «Сулиотларга бағишланган кўшиқ», «Кефалония дафтарлари», «Греция қақида сўнгги сўзлар» каби асарлари эркесвар грек халқи ҳаётига бағишланган.

Байрон асарларини ўзбек тилига X. Олимжон, М. Шайхзода, Шукрулло, Ж. Жабборов, М. Али, Р. Парфилар таржима қилганлар. Шоирнинг «Дон Жуан» щеърий романини эса шоир А. Шер таржима қилган.

Инглиз романтизмининг яна Шелли, Вальтер Скотт каби намояндадалири бордир. **Шеллининг** «Қиролича Маб», «Ислом қўзғолони», «Озод қилинган Прометей» поэмалари, ҳажвий ва ишқий мавзудаги лирик шеърлар дунё адабиётининг нодир намуналари ҳисобланади.

Вальтер Скотт (1771-1832) эса тарихий романлар автори сифатида жаҳон адабиётида ном қолдирган. Унинг тарихий мавзудаги романлари XII асрдан то XIX асрغا бўлган хилма-хил воқеаларни қамраб олади. Вальтер Скотт кишилар тақдирини тарихий воқеалар оқими билан боғлиқ ҳолда кўрсатиб берди. Унинг ҳар бир қаҳрамони конкрет тарихий шароит ва миллий хусусиятлари билан узвий равища гавдалантирилади.

Вальтер Скотт ижодини, характерига кўра уч даврга бўлиш мумкин: 1)1796-1813 йиллар - романтик поэмалари; 2)1814-1818 - Шотландия тарихига оид романлари «Уэверли», «Гай Маннеринг», «Пуританлар»; 3)1819-1832 - «Айвенго», «Квентин Дорвард», «Перт гўзали» романлари.

Вальтер Скоттнииг **«Айвенго»** асари алоҳида ажralиб туради. XII аср Англиясидаги кдрама-қаршиликлар роман марказида туради. Асарда Робин Гуд ҳақидаги халқ кўшиклари ва балладаларидан фойдаланган, қаҳрамонларнинг, айниқса, халқдан чиқкан қаҳрамонларнинг тили ифодали бўлиб, унда халқ охзаки ижоди хазинасидан унумли фойдаланилган.

Француз адабиётида романтизм йўналишининг негизида инқилоб тифайли юзага келган тартиблар ётади. Илғор француз романтиклари ижтимоий ҳаётга умид боғлаб, у

инсониятни озодликка олиб келишига ишонадилар. Агар классицизм давр адиблари мавзуни қадимги Юнонистон ва Римдан олган бўлсалар, илғор романтиклар мавзуни ўз халқи тарихидан, миллий тарихдан ахтардилар. Улар Виктор Гюго, Жорж Санд каби ижодкорлардир. **В. Гюго** (1802-1885) - шоир, драматург, романнавис ва публицист сифатида ижод қилиб, ўз асарларида француз халқ тилининг бойликларидан унумли фойдаланди, француз шеър тузилишини янги вазнлар, хилма-хил қофия, миллий колорит, кенг халқ луғати билан бойитди. Унинг «*Кромвель*» драмасига ёзган муқаддимаси илғор романтизм адабиётининг амалдаги манифсти, программасига айланди.

Гюго «Марион Делорм», «Эрнани» романтик драмаларини, «Қиролнинг дилхушиги» танқидий драмасини яратди. У «Париж Биби Марям ибодатхонаси» романига мавзуни XV аср Франция тарихидан олди. Инсон тарихида диннинг машъум ролики кўрсагиши мақсадида XV аср Париж ҳаётига мурожаат килди. «Хўрланганлар» романида хор-зор яшаб, тубанликка тушган, хўрланган кишилар қисматининг аянчли эканини кўрсатади. Романда ёзувчи дунсқарашибидаги зиддиятларга қарамай, кенг ижтимоий масалаларни ўртага ташлади. Гюгонинг шеърий тўгшами «Даҳшатли йил»да Париж Коммунаси ва Франция - Пруссия уруши воқештри баён қилиниади.

Гюгонинг «*Денгиз заҳматкашлари*» романида табиат стихиясига қарши кураш тасвирланиб, асар ўзбек тилига таржима қилинган (Н. Алимұхамедов). Шунингдек, «Бюг Жаргалъ», «Козетта», «Гаврош» каби ҳикоялари ҳам ўзбек тилига таржима қилинган.

Америка адабиётида кўзга кўрииган романтик ёзувчилар Вашингтон Ирвинг ва Фенимор Куперлар эди.

Жеймс Фенимор Купер (1789-1851) - романнавис бўлиб, «Американинг Вальтер Скотти» деб ном олган ва тарихий роман жанрига асос солган адиб. У ижодида инсониарварлик, оддий кишилар ҳаётини акс эттириши билан диққатга молик. Ижоди уч босқичга бўлинади: 1)1821-1826 - «Жосус», «Лоцман», «Пионерлар», «Бостон қамали», «Сўнгги Могикан»ларда Америкадаги адолатсизликларни қоралайди; 2)1826-1833 - Оврўпо сафари ва Оврўпо мамлакатлари тарихига бағишлиланган «Мард», «Жаллод» романлари; 3)1833-1851 - АҚШ тузуми танқид қилинган ва индейс қабилалари ҳаёти акс эттирилган «Моникенлар», «Овчи», «Изқувар» романлари. Унинг «Сўнгги Могикан», «Чингачгук - улкан Илон», «Изқувар» романлари ўзбек тилига таржима қилинган.

XIX асрнинг бошларида Наполеон юришларининг Германия иқтисодиётига ва шу жумладан, маданияти ва адабиётига таъсири. Давр шоири **Ҳенриҳ Ҳейне** (1797-1856) асарларида озодлик ғояларининг ифодачиси сифатида. Унинг дастлабки шсърий тўплами «*Кўшиқлар китоби*» халқ кўшиқларига ниҳоятда яқин туради ва беш қисмдан иборатdir. «*Йўл манзаралари*» очерклар тўпламида ватан манзарасини чизар экан, унинг қолоқлигидан, сусткашлигидан тушкунликка тушмайди. «Силезия тўқувчилари» - ишчилар қўзғолонини ифодаласа, «*Германия. Қииш эртаги*» ижодининг чўққиси ҳисобланади. Шоир достондаги қиши сўзи орқали Германиянинг қолоқлигига, у ерда хукм суроётган жаҳолатга ишора қиласи.

Ҳенриҳ Ҳейне шеърларидан ўзбек тилига Ойбек, Миртемир, Шукрулло, Хайриддин Салоҳ, Абдулла Шерлар томонидан таржима қилинган.

АДАБИЁТЛАР

1. Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. – Т.: «Ўқитувчи», 1987.
2. Артамонов С.Д. История зарубежной литературы XVII–XVIII вв. – М.: «Просвещение», 1978.
3. Филиппов М.М. Очерки о западной литературе (XVIII -XIX в.в.) – М.: «Наука», 1985.
4. Норматова Ш. Жаҳон адабиёти. – Т.: “Маънавият”, 2008.
5. Маҳмудов М. Ҳайрат ва тафаккур. – Т.: Адабиёт ва санъаг нашриёти, 1990.
6. Бақоева М. Байрон ижодига Шарқ адабиётининг таъсири ва таржима масаласи. //

- Таржима назарияси масалалари. – Т.: 1979.
7. **П. Қурбонов.** Байрон ижодида Шарқ мавзуи. “ЎТА”, 2008 / 4.
 8. **П. Қурбонов.** Байроннинг “Шилйон тутқуни” ўзбекча оҳангларда. “ЖА”, 2010 / 2.
 9. **Қамбарова Д.** Куръон баҳш этган илҳом (Пункин ижодида Куръон оҳанглари). – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
 10. **Байрон Ж.Г.** Сайланма. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
 11. **Ж. Г. Байрон.** Ушалмаган орзулар. – Т.: «ЎЗБЕКИСТОН», 2011.
 12. **Пушкин А.С.** Евгений Онегин. – Т.: 1988.
 13. **М. Цветаева.** Менинг Пушкиним. “ЖА”, 2001/6.
 14. **Гюго Виктор.** Бюг Жаргалъ. – Т.: «Ёш гвардия», 1982.
 15. **Гюго Виктор.** Денгаз заҳматкашлари. – Т.: «Ёш гвардия», 1965.
 16. **Виктор Гюго.** Шоҳона ишрат. Драма. “ЖА”, 2002/1-2.

12. ТАНҚИДИЙ РЕАЛИЗМ АДАБИЁТИ (2 СОАТ)

- *Реализм эстетикаси.*
- *Реализм ва танқидий реализмнинг фарқли жиҳатлари.*
- *Адабиётда танқидий реализмнинг пайдо бўлиши омиллари.*
- *Бальзак, Флобер, Стендаль, Мериме асарларида реал воқеликка танқидий муносабатнинг ифодаланиши.*
- *Немис танқидий реализмнинг ўзига хослиги.*
- *Х. Хейне ижодида романтизм ва танқидий реализмнинг уйғунлиги.*

Танқидий реализм адабиёти Оврўпо мамлакатларида XIX асрнинг 20-йиллари охирида пайдо бўлиб, турли даврларда шаклланди ва ривожланди.

Француз адабиётида XIX асрнинг биринчи ярмида инқилобий поэзия ривожланди ва бу адабиёт меҳнаткаш халқ оммасининг кайфиятини акс эттириди. Шу адабиётнинг вакили **Пьер Жан Беранже** (1780-1857) бўлиб, биринчи ҳажвий қўшифи «Кирол Ивето»ни бугун Париж кўйлади. Халқ шоири - Беранже сиёсий жиҳатдан ниҳоятда ўткир қўшикларини яратди. Унинг «Зотли итлар арзи» сатирик шеъри давлат тепасида турган Карл X Бурбонга қарши қаратилган эди. «Карл III» шеъри эса унинг ўлимини башорат қиласи. «Халқларнинг муқаддас иттифоқи», «Жак», «Малла Жанна» шеърлари шоир ижодининг гўзал намуналари ҳисобланади. Беранже шеъриягининг муҳим аҳамияти шундаки, у ўз ижодини онгли равишда оддий халқ хизматига, меҳнаткаш халқ манфаатларига бўйсундиради. Шунинг учун ҳам шоир «Халқ - менинг илҳомим» деган эди.

XIX асрнинг биринчи ярмида реализмнинг тарихий заминлари, реалистларнинг халқчиллиги, улар ижодида халқ масаласи ва ижобий қаҳрамонлар.

Фредерик Стендаль (1783-1842) ижоди хилма-хил жанрларни, санъатнинг турли соҳаларини қамраб олади. Унинг бешта романи, «Италия йилиомалари» новеллалар тўплами, «Анри Брюлар ҳаёти», «Автобиографик мактублар» каби асарлари, кундалик ва хотиралари сақланиб қолган. Унинг «Наполеон ҳаёти», «Наполеон ҳақида хотиралар», шунингдек, «Рим», «Неаполь», «Флоренция» номли йўл лавҳалари, «Рим бўйлаб саёҳат», «Турист хатлари» номли эсадаликларида фалсафий, сиёсий ҳамда эстетик мулоҳазалари баён этилган «Расин ва Шекспир» рисоласида реализм принципларини илгари сурди, бу унинг бадиий программаси сифатида майдонга келди. Стендаль икки буюк фожеанавис шоир ижодини таҳлил қиласкан, Шекспир ижодидаги ҳаётийликни алоҳида таъкидлайди. Шекспир ижодидаги халқчиллик, реализм уни Расин ижодидан ажратиб турадиган хусусият эканини кўрсатиб беради.

«*Ванина Ванини*» новелласи Италия миллий-озодлиги учун бораётган курашни тасвирлашга бағишиланган.

«*Қизил ва қора*», «*Парма ибодатхонаси*» романлари ўзбек тилига ўгирилган. Стендаль ижтимоий роман устаси сифатида бу романнида ўз қаҳрамонлари қалбини чуқур

ифодалай олган мохир психолог ҳамдир. «Парма ибодатхонаси» романи ҳам Италия мавзусида бўлиб, «Қизил ва қора» қаҳрамони Жюльен Сорель сингари ўз Ватани озодлиги йўлида курашга тайёр Фабрициодир. Адиб қаҳрамонларининг ички кечинмаларига катта эътибор беради. Унинг ижобий қаҳрамонлари зулм-истибододга асосланган тузум билан муросага кела олмайдилар. Улар ҳаётдаги эскилик, худбинлик, зўравонлик, инсон шахсининг камситилишига қарши исён кўтарадилар. Унинг асарлари ҳаётий реализм билан суғорилган.

Оноре де Бальзак (1799-1850) - ижодида танқидий реализм чўққига кўтарилигандир. Унинг **«Инсонлар комедияси»** деган умумий ном остига кирувчи романлари адибга шуҳрат келтирган. Ўзини «ижтимоий фанлар доктори» деб ҳисоблаган Бальзак улкан эпопеяси «инсон комедияси»да икки мингдан ортиқ персонаж катнашади. Агар француз жамияти тарихчи бўлса, Бальзак ўзини унинг котиби деб билади. Эпопеяда кўтарилиган мавзу - пул, бойлик, тилла бўлиб, бу бойлик асар қаҳрамонлари ҳаётида машъум роль ўйнайди. Бальзак асарларида пул киши характерини, психологиясии ўзгартирувчи, емирувчи, издан чиқарувчи салбий куч сифатида кўрсатилади. Адибнинг **«Гобсек»**, **«Евгения Гранде»**, **«Горио ота»**, **«Сагри терн тилсими»** романларида пулнинг ана шундай буз»унчилик ролини кўрсатади. **«Гобсек»**да қаҳрамон пулинг қанча кўп бўлса, сен шунча қудратли бўласан деган фалсафага риоя қилса, **«Евгения Гранде»**нинг қаҳрамони Гранде ҳам пул жамғариш касалига дучор бўлган шахсадир. Бальзакнинг **«Горио ота»** романни оталар ва болалар муносабати масалаларига бағишланган. Шу ўринда Горио чол билан Шекспирнинг Лир образини таққосласа бўлади. **«Сагри терн тилсими»** романи фалсафий асар бўлиб, сагри териси инсонни ҳалокатга маҳкум этган тузумнинг рамзий образидир.

Бальзакнинг буюк хизмати шундаки, асарларида француз ҳаётининг барча томонларини қамраб олди. Қаҳрамон характери, ташки муҳит, уни ўраб олган ижтимоий шароит таъсирида қарор топгани учун Бальзак ана шу ташки дунёга, унинг тафсилотига аҳамият берди. Шу сабабли ҳам адибнинг ҳар бир асарида қаҳрамон ва воқеалар ҳолатини белгилаб берувчи атроф-муҳит, нарсаларга кенг ўрин берилади. Натижада унинг ҳар бир асари мукаммал, жозибалидир. Бальзакнинг юқорида номи саналган асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Проспер Мериме (1803-1870) - повеллалари ва **«Карл IX салтанати йилномаси»** асари билан ўзбек китобхонига таниш. Унинг ҳалқ оғзаки ижодига муносабати ва славян ҳалқлари миллий-озодлик характери мавзусида яратилган **«Гусла»** тўплами.

Мериме жаҳон адабиётида новелла жанрининг устаси сифатида **«Таманго»**, **«Матео Фальконе»**, **«Этрусс Гулдони»**, **«Иккиёқлама хато»** асарлари билан танилган. Агар **«Таманго»**да оқ танли кулфурушларни танқид қилса, **«Матео Фальконе»**да Корсика оролида истиқомат қиласидан ҳалқнинг урф-одатларини ифодалайди. **«Этрусс гулдони»**да юқори табақа вакиллари орасидаги ғийбат, қуруқ туҳмат каби иллатларни фош қилган. **«Арсен Гийо»**да камбағал қиз Арсенанинг таҳқирланиши тасвирланса, **«Кармен»**да лўлилар ҳаётига мурожаат этиб, ҳамма нарсадан ўз шахсининг эркин бўлишини биринчи ўринга кўйган мағрур, жасоратли эркесвар аёл образини яратади.

Мерименинг **«Карл IX салтанатининг йилномаси»** романи Озод Шарафиддинов томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Роман тарихий мавзуда бўлиб, XVI асрга мурожаат қилган. Романда ҳикоя қилинган қонли Варфоломей кечаси диний таассубликнинг оқибати эканини кўрсатади. Замонасининг эркесвар кишиси бўлган Мериме бу қонхўрликнинг асосий айборлари бўлган сарой амалдорлари билан дин ҳомийларини кескин фош этади.

Гюстав Флобер (1821-1880) - **«Бовари хоним»**, **«Саламбо»**, **«Сезгилар тарбияси»**, **«Авлиё Антонийнинг алданиши»** каби романлари ва драматик асарларининг автори.

Флобернинг сиёсий, ижтимоий ва эстетик қарашларидаги зиддият. Адиб ўзи яшаб турган жамиятнинг ривожланиш жараёнини фожеали тарзда қабул қилди. Бу тузумдаги инсон ички зиддиятларини очиб бериўга характерат қилди.

«Бовари хоним» асарида ҳаёт ҳақиқатларини романтик хаёлпаратлика қарама-карши қўяди. Асарда қаҳрамоннинг эстетик хом-хаёлларининг фош этилиши. Маънавий ожиз - Омэ, романтик хаёлпарат - Эмма образлари. Асарнинг бош қаҳрамонлари Эмма ва Шарлга Флобернинг иккиёклама муносабати. Инсон ахлоқи масаласи **«Сезгилар тарбияси»** романида фош этилиши. **«Саламбо»**да эрамиздан аввалги Карфаген давлати тарихига мурожаат этади ва Африканинг шимолидаги Карфагеннинг Рим билан олиб борган урушларини тасвирлайди.

Инглиз танқидий реализм адабиётиниң вакили еифатида **Чарльз Диккенс** (1812-1870)ни кўриш мумкин. У жаҳон адабиёти тарихида ўзининг чинакам ҳалқчил асарлари билан ўчмас из қолдирган. Диккенснинг ижоди инглиз адабиётида бутун бир даврни ташкил қиласди. У ҳақли равиша Англияниң ҳалқ ёзувчиси, унинг миллий ифтихори сифатида тан олинган.

Диккенс инглиз адабиётида биринчи бўлиб, азоб-уқубатларга дучор қилинган оддий ҳалқ ҳаётини реалистик кўрсатиб берди.

Диккенс романлари ижтимоий адолатсизликларни фош қилди, оддий инсоннинг ҳақ-хуқукдари тарафдори бўлди, меҳнат ақлиниң қадр-қимматини улуғлади, унинг гўзаллигини, эзгу-мақсадларини куйлаб, худбин жамиятнинг жирканч манзарасини аёвсиз танқид қилди.

Диккенс ижоди тўрт даврга бўлинади: 1)1833-1841 - бу даврда асосан юмористик асарлари билан ном чиқарди. «Боз очерклари», «Пиквик клубининг мактублари», «Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари» каби асарлари ёзилган; 2)1842-1848 - «Америка хатлари», «Мартин Чезлвіт», «Домби ва ўғли»; 3)1849-1859 - асосан ҳажвий асарлари «Давид Копперфильд», «Совуқ уй», «Мудхиш замонлар», «Митти Доррит»; 4)1859-1870 - Диккенс ижодида умидсизлик кайфиятлари устунлик қиласди. «Икки шаҳар ҳақида қисса», «Катта умидлар», «Бизнинг умумий дўстимиз» асарлари яратилган.

Агар Диккенснинг **«Америка хатлари»** ва **«Мартин Чезлвіт»** асарлари АҚШ ҳаётига бағишланган бўлса, «Пиквик клубининг мактублари» адабиёт хазинасига комик роман намунаси бўлиб қўшилди, унда мавжуд тузумга қарши нафрат, норозилик эмас, балки ўткир кулги, битмас-туганмас юмор етакчилик қиласди.

«Домби ва ўғли» романни инглиз танқидий реализмининг намунаси бўлиб, факат пулни тан оладиган Домби образига оддий меҳнаткашларни қарама-қарши қўяди. Ёзувчи доимо ана шу меҳнаткаш кишилар томонида бўлади.

40-50 йиллардаги романларида чартистлар ҳаракатининг таъсири. Сатирик ёзувчи сифатида яратган асарларида меҳмат ва капитал ўртасидаги зиддиятнинг ифодаланиши. **«Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари»** романида болалар ва тарбия масаласи.

АДАБИЁТЛАР

1. Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. – Т.: «Ўқитувчи», 1987.
2. Филиппов М.М. Очерки о западной литературе (XVIII -XIX в.в.) - М.: «Наука», 1985.
3. Норматова Ш. Жаҳон адабиёти. – Т.: “Маънавият”, 2008.
4. Махмудов М. Ҳайрат ва тафаккур. – Т.: Адабиёт ва санъаг нашриёти, 1990.
5. Жон Голсуорси. Олти адебнинг қиёфасига чизгилар//Жаҳон адаблари адабиёт ҳақида. – Т.: “Маънавият”, 2010.
6. Х.Дўстмуҳаммад. ИЖОД – кўнгил мунавварлиги. – Т.: “МУМТОЗ СЎЗ”, 2011.М.
7. Холбеков. Оноре де Бальзак ва “Инсон комедияси”. “ЖА”, 2009/1.
8. Бальзак О. Гобсек. Сағри тери тилсими. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.
9. Бальзак О. Горио ота. – Т.: Бадиий адабнашр, 1968.
10. Бальзак О. Евгения Гранде. – Т.: 1964.
11. Андре Моруа. Оноре де Бальзак // Жаҳон адаблари адабиёт ҳақида. – Т.: “Маънавият”, 2010.

- 12. Оноре де Бальзак.** XIX аср француз ёзувчиларига мактуб//Жаҳон адаблари адабиёт ҳақида. – Т.: “Маънавият”, 2010.
- 13. Диккенс Ч.** Оливер Твистнинг бошидан кечиргандар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.
- 14. Мериме П.** Карл 1Х салтанатининг йилномаси. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.
- 15. Мериме П.** Коломба. “ЖА”, 2010/11-12.
- 16. Стендаль.** Қизил ва қора. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979.
- 17. Стендаль.** Парма ибодатхонаси. – Т.: “Медицина”, 1990.
- 18. Флобер Г.** Бовари хоним. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.
- 19. Флобер Г.** Соддадил. “ЖА”, 2011/1.
- 20. Ҳейне Ҳ.** Лирика. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.
- 21. Ҳейне Ҳ.** Германия. Қишлоғи. – Т.: «Ёш гвардия», 1984.

13. XX АСР РЕАЛИЗМ АДАБИЁТИ (4 СОАТ)

- *XX аср жаҳон адабиётининг ўзига хослиги.*
- *Натурализм оқими, унинг тарихий ва фалсафий илдизлари.*
- *Э.Золя натурализмининг фалсафий илдизлари.*
- *Адабиётга янги ижтимоий ва сиёсий муаммоларнинг пайдо бўлиши.*
- *Монассан - танқидий реализмнинг вакили сифатида*
- *Жек Лондон ҳикояларида табиат ва жасият, шахс муаммоси.*
- *Уильям Сомерсет Моэм - реалистик ёзувчини,*
- *Эрнест Хемингуэй ижсолида инсон иродаси.*

Реалистик элементлар барча даврдаги ижод намуналарида мавжуд. Реализм (лотинча *realis* - ашёвний) - ҳаёт ҳақиқатини аслига мувофиқ тасвирилаш, деталлар ва образларни ҳаққонийлигини талаб қиласди. Ҳаёт ҳақиқатита содиклнк - унинг асосий шиоридир. Реалистлар образлар ва ҳодисаларнинг ҳаётийлшнга алоҳида эътибор берганлар. Асар тили, қаҳрамон нутқи, сюжет, конфликт каби унсурларнинг барчаси ҳаққонийлик талабига бўйсундирилган. Бу метод ижодкорнинг ўзини қуршаб турган воқелик ва инсонлар тўғрисида ўйлаган ҳақ гапини айтниш, китобхон кўз ўнгидаги реал ҳаёт нареал инсонларни гавдалантириш йўли билан воқелик ва инсон тўғрисидаги ҳақиқатни кўрсатиш имконини беради. Реалистик адабиёт буюк намояндаларнинг ҳақиқат курашчилари сифатидаги хизматлари бекиёсdir.

Фонда реализмнинг илк бор қачон пайдо бўлганлиги тўғрисида аниқ фикрга келинмаган. Кўплаб тадқиқотчилар реализм илдизларини жуда қадим замонлардан излайдилар. Ибтидопй инсоннинг қояларга чизган расмлари ва антик адабиёт намуналарида ҳам реалистик унсурларни кузатадилар. Бироқ реализмнинг бадиий тизим сифатида шаклланиши Уйгониш даври билан боғланади. Айнан шу даврга келиб инсонга, унинг қалбига, кечинмаларига эътибор кучаяди, табиий туйғулари бўрттириб тасвириланади, кечинмаларга шоирона рух берилади. Шекспир, Сервантес асарларида реализмнинг ўзига хос тарзда намоён бўлганлигини кўриш мумкин.

Реализм тараққиётидаги иккинчи босқич маърифатчилик даврига тўғри келади. XVIII асрда инглиз реалистик романи вужудга келган (Д. Дефо «Робинзон Крузо» романи билан ушбу жанрга асос солади). Инсон ақлига, унинг имкониятларига юқори баҳо берувчи маърифатчилик реализми ҳаёт ҳодисалари ва инсонлар хатти-ҳаракатларини мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигидан келиб чиқиб баҳолар эдилар. Ақлга тўғри келмайдиган хатти-ҳаракат деганда барча қолоқ урф-одатлар, эскирган тартиботлар тушунилар эди. Шу сабабли маърифатчиларнинг нжобий қаҳрамонлари ўткир ақли билан ажralиб турадилар, салбийлари эса қолоқ, жохил одамлар. Маърифатчилик реализми шартлиликка йўл қўяди,

фантастик элементлардан фойдаланади. (Масалан, Дефо, Свифт қаҳрамонлари ёки Гётенинг "Фауст" асарини мисол қилиб келтириш мумкин).

XVIII аср адабиётида реализм ва романтизм ўртасида кескин чегара ўрнатиш қийин. Масалан, француз адаби Преспер Мериме асарларида қаҳрамонлар, сюжет романтик асарларга хос бўлса-да, фактик аниқлик услубдаги холислик уни реализмга яқинлаштиради. Инглиз адабиётида Чарльз Диккенс асарларида майший-ижтимоий роман анъаналари давом эттирилади, ҳаётин манзаралар, ҳаётин одамлар образига мурожаат этилади, айни пайтда авантюристик элементлар, жиноят, сирлилик каби унсурларнинг кўлланиши романтик методда яратилган асарларни ёдга солади.

XIX асрда реализмнинг янги босқичи бошланди. Флобер, Мопассан, рус адабиётида Лев Толстой, Л.П.Чехов каби ёзувчилар ижодда ренессанс ва маърифатчилик реализмидан фарқланувчи хусусиятларни намоён қилдилар. Француз адаби Флобернинг "Бовари хоним" романида реализм анъаналаридан кескин узилиш сезилади, бу аср реализмга хос ҳаёт ҳақиқатига содиқликни яққол намоён қиласди. Энди инсоннинг ижтимоий ҳаёт билан муносабати, унинг тақдирига ижтимоий муҳит, тартиботлар таъсири диққат марказига кўчади. Айни пайтда инсон руҳияти, қалби таҳлилига алоҳида эътибор берилади.

Рус адабиётида Н.В. Гоголь томонидан кашф этилган тузум тартиботлари, ижтимоий муҳит таъсирида майдалашган "кичкина одам" қалби, кечинмалари Ф.М.Достоевский, А. Чехов ижодида етакчи мавзуга айланади. Достоевскийнинг бир қарашда ноанъанавий туюлган асарларида инсон қалбиннинг ўта мураккаб, сирли манзаралари, ҳали қаламга олинмаган тублари очиб кўрсатилади.

Реализм узоқ давом этган тараққиёт босқичини бошидан кечирган. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, унинг унсурлари, хилма-хил кўринишлари адабиёт тарихининг барча босқичларида кузатилган бўлса-да, унинг тугал метод сифатида ўз имкониятларини тўла намоён қилиши XX асрга тўғри келади. XX аср жаҳон адабиётида Ги де Мопассан, Э. Золя, Жек Лондон, Р. Роллан С.Моэм, Э.Хемингуэй, Г. Г. Маркес каби ижодкорлар ушбу оқимнинг энг кўзга кўринган, унинг ривожига катта ҳисса қўшган ва айни пайтда уни улкан кашфиётлари билан бойитган, бири иккинчисини такрорламайдиган ўзига хос ижодкорлардир.

Ги де Мопассан - танқидий реализмнинг вакили сифатида «Ҳаёт», «Азизим» романларида ўзи яшаётган жамиятнинг бузукликларини, манфаатпараматликни танқид қилиши.

Мопассан - ҳикоянавис. Халк образининг яратилиши («Симоннинг дадаси»), Франция-Пруссия уруши мавзусидага («Дўндиқ») асарлари. Мопассан ижодида психологик таҳлилнинг чуқурлиги.

Мопассан ҳикоялари, «Азизим», «Ҳаёт» романлари ўзбек тилида.

Натурализм оқими, унинг тарихий ва фапсафий илдизлари. Натурализм эстетикаси, унинг сиёсий мазмуни.

Э. Золя натурализмининг фалсафий илдизлари. «Ругон-Маккарлар»да ирсият муаммоси. «Ҳамал» романида меҳнат ва капитал масаласи.

АҚШ адабиёти - **Марк Твен** ижодининг юмордан ижтимоий сатирагача ўсиши. Марк Твен - кисқа юмористик ҳикоялар устаси. «Том Сойернинг саргузаштлари» романида ахлоқ тасвири, Твен демократизми (камбағал Гек ва оқ танли қул Жим образлари). Романда кучлиликнинг қораланиши. Тарбия ва болалар масаласи. «Шоҳ ва гадо»да халқ муаммоси, тарихий мавзу, сатирик маҳорати. «Шоҳ ва гадо» ўзбек тилида.

Жек Лондон ҳикояларида («Шимол ҳикоялари», «Жануб ҳикоялари») табиат ва жамият, шахс муаммоси. «Мартин Иден»да ёзувчи эволюцияси. Жамият ва санъаткор тақдири мавзуси. Романда ёзувчига хос бўлган дунёга индивидуал қарашнинг ифодапаниши. Лондон асарлари узбек тилида (ҳикоялари, «Мартин Идин», «Уч қалб» романлари).

1917-1945 йиллардаги Оврўпо адабиётида истеъододли ёзувчилар. Француз адаби **R. Роллан** ижодида қаҳрамонона характерларнинг яратилиши. «Жан Кристоф» - жамиятда

санъат ва санъаткор мавзуси: халқ образи. «*Мафтун қалб*» ёзувчи ғоявий бадиий эволюциясининг якуни, буржуа жамияти ва маданияти инқизорининг тасвирланиши.

Уильям Сомерсет Моэм - буюк ннглпа ёзувчиси, XX асрннг мумтоз адиби деган шарафли ном эгаси. У узоқ ва мазмунли ҳаёт кечирди. XIX аср охирида ижодини бошлаган ёзувчи иккинчи жаҳон урушидан кейин унга якун ясади. Ярим асрдан кўпроқ давом этган фаолияти давомида ўлмас асарлар яратди. У адабиёт майдонига эндиғина кириб келганида ҳали Оскар Уайльд тирик эди, Киплинг шуҳрат чўққисини эгаллаган, Герберт Уэллс ва Бернард Шоу, Джон Голсуорси ва Арнольд Беннет каби ёзувчилар жуда танилган эди. Моэм энди китобхонлар оммаси томонидан тан олина бошлагандан адабиётга янги бир тўлқин кириб келди. Улар жасур "тажриба қилувчи", ялги йўллар излаётган Жеймс Жойс, Виржиния Вульф, Дэвид Герберт Лоуренс каби ижодкорлар эди. ЗО-йнларнинг шиндатли ижтимоий-сиёсий ҳаётида нжтимоий-синфий тўқнашувлардан ҳоли бўлган Моэм нжоди ўзига хос ва камтарона кўринарди. Моэмни жамиятдаги ўзгаришлар чўчитар эди. Унинг асарларндаги яширин мунг, тушкунлик ва қониқмаслик ҳиссиятнинг сабабни танқидчилик шундан кўради. Моэм ижодда асосан реалистик тамойилларга таянган бўлса ҳам, асарларида натурализм ва модернизм таъсири сезилиб турарди.

Сомерсет Моэм 1874 йили Франциянинг Париж шаҳрида туғилди. Отаси ҳукуқшунос бўлиб, Британияннинг Франциядаги элчиҳонасида хизмат қилар эди. Моэмлар оиласида ҳукуқшунослик ота мерос касб эди. Бобоси Англиядаги Ҳукуқшунослар жамиятининг асосчиларидан бири эди. Моэмнинг отаси ҳам юристконсульт касбини танлади. У айни пайтда сайру саёҳатни, дунё кезишни яхши кўрардп. Саёҳатлари натижасида ажойиб кутубхона яратган эди. Бирок, у ҳаётдан эрта кўз юмди. Моэм отасидан ажралганда 10 ёшда, икки йил бурун онаси вафот этганди. Уни руҳоний амакиси ўз тарбиясига олади ва шу тариқа ёш Моэм Англияга қайтади. Кентербернда уч йил бошлангич мактабда таълим олади, кейин эса ўпка касаллиги туфайли Франциянинг жанубнга юборилади.

Моэм 18 ёшида Англияга қайтади. Бундан буёнига таълим ва касб танлаш масаласини ҳал қилиши лозим эди. Амакиси ёш Моэмнинг руҳоний бўлишини истарди. Лекин Моэм бунга қатъий қаршилик билдиради, Моэм айни пайтда Кембриж унлверситетига кириш таклифини ҳам рад этади ва шифокорлик касбини танлайди. Тиббий маълумотни Лондонда, авлиё Томас касалхонасида олади. Моэм ҳакиқий, чинакам ҳаётни кўришни истарди, шу сабабли Лондоннинг қашшоқ аҳоли яшовчин Ламберт кварталида яшашга қарор қилади. Уч йиллик тажрибаси унинг факат шифокор сифатнда эмас, ёзувчи сифатида шаклланишида ҳам катта рол ўйнади. Кейинчалик "*Якун ясад*" асарида бу даврнинг инсон қалбини, руҳиятини ўрганишда катта мактаб бўлганлигини таъкидлаган эди. Моэмни инсоннинг пардаланмаган асл қнёфаси кизиктиради, шу сабабли ҳам унинг асарларнда кўнгли буюрганча яшашни ихтиёр этган қаҳрамонлар кўп кузатилади.

Моэмнинг биринчи романи "*Ламбертлик Лиза*" 1897 йилда натурализм анъаналарида ёзилган. Бу роман оддий аёл тақдиди ҳақида бўлиб, у атрофидаги жоҳил кишилар туфайли севиш ҳуқуқидан марҳум қилинади.

1907 йилда ёзилган "*Леди Фредерик*" пьесаси Моэмга катта шуҳрат келтиради. Аслида бу асар соф тижорат мақсаддд ёзилган, кўнгилочар комедия эди.

1915 йилда Моэмнинг энг яхши романларидан бири бўлган "*Инсон эҳтирослари юки*" нашр этилади. Бу асар реализм йўлида ёзилган бўлиб, маълум маънода автобиографик характерга ҳам эга.

Моэм марҳум отасидан саёҳатга ишқибозликни мерос қилиб олган эди. У дунёнинг кўпгина жойларини кезиб чиқади. Ўзи билган, кўрган жойларнн асарларида тасвирлайди. Унинг қаҳрамонларини гоҳ Европа ва Америка мамлакатларида, гоҳ Тинч океани оролларида, гоҳ унча катта бўлмаган порт шаҳарларида учратиш мумкин. Ёзувчи дунёни кезар экан, унинг диққат марказида инсон туради.

Моэмнинг ёзувчи сифатпда шаклланиши осон кечмаган. У ўзини ҳаваскор ёзувчи деб хисобларди. Бирок, бунга қарамасдан тириклигига ёзувчи чўққисини эгаллай олган

ижодкор эди. Унинг китоблари ниҳоятда тезлик билан сотилиб кетар, нашриётларга катта фойда келтирас эди. Бунга у истеъдод ва меҳнати билан эришган. Француз ёзувчилари Золя, Стендалъ, Бальзак, А.Франс, айниқса, Мопассандан таъсириланган. Фалсафа, тиббиётдан яхши хабардор бўлган. Инглизлардан Свифт насрини севган.

Танқидчилик Моэм асарларида лиризм етишмаслигини кўрсатиб ўтади. Бунн ёзувчининг ўзи ҳам тан олган, бироқ бу нарсанн камчилик деб ҳисобламаган. "Носир сифатида, - деб ёзади у, - мен неолит даврида гордаги гулхан ёнида эртак айтиб берувчиларнинг асрлар оша бугунгача етиб келганлари сирасига кираман. Мен гапириб берадиган нарсам бўлса, жуда қизиқ қилиб ҳикоя қилиб бера оламан. Бошқа ҳеч қандай мақсадни ўз олдимга қўймайман".

Моэмнинг 1919 йилда ёзилган машҳур романи "*Ой ва сариқ чақа*"да ҳам шу усулни кўрамиз. Асар қаҳрамони Чарлз Стрикленд жуда ғаройиб табиатли шахс. У санъат йўлида ҳаётнинг барча неъматларидан воз кечади. Оиласи, яхшигина даромад келтирувчи ишини ташлаб Таитига кетади ва бутунлай ўзини санъатга бағишлади. Стрикленд танлаган санъат йўли осон эмас эди, қанчадан-қанча моддий ва маънавий зарбаларга дош бериш, нафс- туйгусини енгиш лозим бўларди. Чунки яшаш учун пул керак эди. У чизган суратларни тириклигига ҳеч ким тушунмайди, сотиб ҳам олмайди. У ҳам жисмонан, ҳам руҳан жуда бақувват одам. Стриклендни ўзгаларнинг у ҳақда нима ўйлашлари, санъати келтирадиган фойда, шон-шуҳрат умуман қизиқтирилмайди. У ўз истеъодини ҳимоя қила биладп. Унинг учун муҳими ижод қилиш, кўнглидагини мўйқалам орқали ифодалаш. У ким ва нима учундир эмас, тақдирида санъаткор бўлиш ёзилгани учун ижод қиласди. Бироқ айни пайтда бу санъат фидойиси атрофидагиларни унутиб қўяди. У санъат ҳам одамларсиз мавжуд бўлолмаслиги ҳақнда ўйламайди. Стрикленд тақдири фожиали тугайди. У Таитида оғир касалликдан вафот этади. Стрикленд фақат орзулар билан яшар эди, маълум маънода ўзи истаган нжод эркинлигига эришади ҳам, бироқ у эришган эркинлик ўткинчи. У фақат руҳий озодликка эришган, буни у илҳом ҳолатида сезган. Бироқ воқеликнинг фожеавий якунидан халос бўла олмайди.

Моэм "Миссис Крэддок"(1900), "Сернақш қоплама", "Пирог ва пиво" (1930), "Бурчак"(1932), "Театр" (1937), "Рождество таътиллари"(1939) каби романлар муаллифи. Бу асарлар асосида ўткир драматик зиддиятлар ётади.

Моэм истеъоди ҳикоя жанрида ёрқин намоён бўлади. Унинг ҳикоялари одатда жуда қизиқарли сюжетга эга бўлиб, китобхон диққати бир зумга ҳам чалғимайди, ечим эса ҳеч ҳам кутилмаган бўлиб чиқади. У ўткир сюжетни психологизм билан уйғунлаштира билади. Моэм реалист сифатида ҳикояларида барча нарсанинг ҳаётга мос бўлишига интилишини таъкидлайди. Ўзи айтганидек, фантастикадан, уйдирмадан қочади. Бироқ шунга қарамасдан унинг ҳикояларида инсон кутилмаган томондан кашф қилинади, кутилмаган жиҳатлари очилади. Моэмнинг кўплаб ҳикоялар тўпламлари нашр қилинган. Улар орасида "Барг титроғи" (1921), "Каузарина" (1926), "Биринчи шахс тилидан" (1931), "Тақдир ўйинчоқлари" (1947) айниқса шуҳрат қозонган. Ҳаётий воқеалар кутилмаган, инсон хатти-ҳаракати жумбоқ бўлиши мумкин. "*Инсонга хос нимадир*" ҳикоясининг қаҳрамони бадавлат ва гўзал Бэтти ҳаёти шу фикрнинг исботи. У санъатни, адабнётни севади. Нихоятда оқила аёл. Табиат уни юксак дид билан тақдирлаган. Лекин бу аёл ҳаётининг ўзгалардан яширин коронфи томонлари ҳам бор. У бойлик учун севмаган кишислигина турмушга чиқади, кейинчалик бу одам билан ажралишади, унинг баҳтсиз ҳаёти фожиали якунланишига сабаб бўлади. Хизматкор шоferи билан ишқий муносабатга киришади. Айни пайтда буни пардалай билади. Шуниси қизиқки, уни бир умр севган, билим ва дараҷа жиҳатидан унга муносиб Кәразерснинг ҳаммасини била туриб ўзига турмушга чиқиши учун қилган таклифини рад этади. Бетти ҳаётининг тубан томонидан уялмайди, ўзини баҳтли деб билади, чунки у истаганича ҳаёт кечиради. "*Жейн*" ҳикоясидаги вазият ҳам кутилмаган. Нихоятда камсуқум ва ёш бўлмаган миссис Фаулер тўсатдан ўзидан 26 ёш кичик йигитга турмушга чиқади. Унга уйланётган йигитнинг ҳеч қандай ғаразли нияти йўқ. У чиндан ҳам Жейнн севадп. Яна ҳам қизиги, маълум муддат

үтгач, киборлар жамиятида ҳамманинг эътиборига сазовор бўлган Джейн эри Гилберт билан ажрашиб, яна бошқа яхши бир одамга турмушга чиқади. Бир қарашда ғаройиб туюлган бу ҳодиса гоятда табиий ҳикоя қилинади. Ёш ҳам, айтарли гўзал ҳам бўлмаган Жейннинг энг муҳим фазилати уннинг соддалиги ва қалбан беғуборлиги. У бошқача кўринишга интилмайди ҳам, шуниси билан ўзгаларни мафтун қиласди. Инсон юксакликларга кўтарилиши ва инҳоятда тубан кетиши ҳам мумкин. Чунки қанчалар руҳан юксак парвоз қилмасин, барибир, у ер одами ва унга замин ташвишлари бегона эмас. Бироқ ёзувчи кўпроқ руҳий юксакликка эриша билган, тан эҳтиёжларини енга олган қаҳрамонларга қойил қиласди. Унинг "Санаторий", "Бўйсунмас" ҳикоялари шу жиҳати билан дикқатта сазовор. "*Санаторий*" ҳикоясининг касаллик туфайли ўлимга маҳкум қаҳрамони севиб қолади. Унинг муҳаббати ўлим олдиаги қўрқувни енгишида ёрдам беради.

"*Бўйсунмас*" ҳикоясиннинг қаҳрамони Аннет ўзи тушиб қолган вазиятга бўйсунишни истамайди. Воқеалар уруш пайтида бўлиб ўтади. Немис солдати томонидан номуси топталган Аннет оғир вазиятга тушиб қолади. Лекин немис Ганс кутилмагандан Аннетни чиндан ҳам севиб қолади. Унга уйланмоқчи, туғилажак фарзандга оталик қилмоқчи бўлади. Бундан қиз фойдаланиши мумкин эди, чунки унинг ҳолатида бу энг қулай йўл. Ота-онаси ҳам қнзини инсофга чақирадилар, чунки Ганс уларни совғалар билан таъминлар, буннинг устига қизларини шармандалиқдан кутқармоқчи эди. Бироқ Аннет учун бундан ҳам юксакроқ нарсалар бор. У ватанини топтаган босқинчига бўсимишни истамайди. Айни пайтида курашда ёлғиз эди. Аннет енгилмасликка қарор қиласди, жиноятга қўл уради – фарзанд туғилгач, уни чўқтириб ўлдиради. Даҳшатли жиноят. Бироқ Аннет ўз қалбига қарши бормади, бу унинг маънавий ғалабаси эди. Сомерсет Моэм 1965 йилда вафот этади.

Буюк Америка ёзувчиси Эрнест Хемингуэй хаёти тириклигигида ёк афсонага айланган эди. Саёҳату саргузаштларга, зафар ва мағлубиятларга, севги ва айриликларга бой умри давомида бу ажойиб шахс ўлмас ижод намуналарини яратди. Адабиёт, бадиий ижод унинг хаёти мазмунини ташкил қиласди. Хемингуэй 1899 йил 21 июлда Чикагонинг Оук-Парк шаҳрида туғилган. Онаси Грэйс Холл опера қўшиқчиси эди. Шифокор-терапевт ва спортчи бўлган Кларенс Эдмонсни учратгач, Грэйс операни ташлаб унга турмушга чиқади. Эрнест оиласдаги олти боланинг тўнғичи эди. Бўлажак ёзувчи ижодини жуда эрта бошлиди. Оук-Парк мактабида ўқиб юрган пайтларида ёк мактаб газеталарида унинг ҳикоя ва шеърлари босилиб турар эди.

Мактабни тамомлагач, 1917 йилда Хемингуэй армия хизматига кирмоқчи, Биринчи жаҳон урушида катнашмоқчи бўлади. Бироқ кўзи жароҳатланганлиги сабабли армияга чақирилмайди. Шу сабабли 1917-18 йилларда Канзасс газетаси "Star"да мухбир бўлиб ишлайди. Олти ой ўтгач, кўнгилли сифатида Европа армиясига қабул қилинади. Италия-Австрия фронтида Қизил Хоч Америка Отрядининг шофёри бўлиб хизмат қиласди. 1918 йилда оёғидан яраланади, шу ҳолда италиялик ярадор солдатни жанг майдонидан олиб чиқади. Жангда кўрсатган мардликлари учун икки маротаба Италия орденлари билан тақдирланади. Госпиталда даволанаётганида америкалик шафқат ҳамширасини севиб қолади (бу севги тарихи орадан ўн йил ўтгач, "*Алвидо, қурол*" асарининг дунёга келишига сабаб бўлади). Оук-Паркка қайтгач, Хемингуэй учун Чикагодаги бир маромдаги сокин хаёт зерикарли туюлади ва Чикаго журнали редакциясига ишга киради. Бу ерда у машҳур ёзувчи, кўплаб америкалик буюк ижодкорларнинг йўлбошчиси Шервуд Андерсон билан танишади. Андерсон унга Парижга боришни маслаҳат беради. Париж санъат, адабиёт ва маънавиятнинг маркази ҳисобланар эди. Чинакам ижодкор бўлиш учун Франция илҳом манбаи эди. Хемингуэй Андерсон маслаҳатига амал қилиб, 1921 йилда Европага йўл олади. Шу йили у Хэдли Ричардсонга уйланган эди.

Францияда яшаб юрган кезларида Хемингуэй жуда кўп саёҳат қиласди. Парижда яшовчи америкалик ёзувчилар Гертруда Стайн, Эзрой Паунд, Скотт Фицджеральд билан таниш эди. Унинг шиори "Муҳими бир сатр бўлса ҳам ҳақиқатни ёзиши, қолгани эса ўз-

"ўзидан бўлаверади" эди. Хемингуэйнинг илк китоби 1923 йилда "Уч ҳикоя ва ўн шеър" номи билан чиқади, кейинроқ эса "Бизнииг қунларимизда" ҳикоялар тўплами босилади. Мазкур тўплам Хемингуэйнинг ўзига хос услуби, ўз қаҳрамонини топганидан далолат беради.

1926 йилда Ш. Андерсоннинг романларидан бирига пародия тарзида "Баҳор ёмгирилари" эълон қилинади. Бу роман "Чарльз Скрибнес" нашриётининг машхур муҳаррири Максуэль Перкинснинг дикқатини жалб қиласди. 1926 йил октябрида Хемингуэй "Қуёш барибир чиқаверади" романини ёзib тугатадп. Бу асар ёзувчига катта шуҳрат келтиради, Хемингуэйни ёш ва умидли ижодкор деб тан оладилар.

Роман урушдан кейинги йўқотилган авлод руҳиятини, кайфиятини акс эттиради. Унинг қаҳрамонлари биринчи жаҳон урушидан кейинги тушкун ҳолатга тушган, уруш туфайли руҳан майиб қилинган кишилардир. Роман воқеалари ҳам қалби, ҳам жисмн майиб қилинган Джейк Бранс тилидан ҳикоя қилиниши бежиз эмас. Ҳаётидаги маънавий таянчларидан маҳрум бўлган бу кишилар умр мазмунини кўнгилочарлик, балиқ ови, коррида, ичкилик ва севгида деб биладилар. Асар қаҳрамонлари реал ҳаётдан олинган, роман босилиб чиққач, Хемингуэй дўстлари ундаги кўплаб қаҳрамолларни, шунингдек, ёзувчининг ўзини ҳам танидилар. Бу ҳам асарнииг шуҳратини таъминлаган омиллардан бўлди.

1927 йилда Хемингуэй Полина Пфейорферни севиб қолади ва биринчи хотини билан ажрашгач, унга уйланади.

1927 йилда унинг "Аёлсиз эрқаклар" номли тўплами чиқади. Шундан сўнг Хемингуэй Америкага қайтади, Флоридада қўним топади ва ўзининг иккинчи романи "Алвидо, қурол"ни якунлайди. Бу роман ёзувчининг шуҳратини янада ошириб юборади. Танқидчилик бу романга юксак баҳо беради, уни энг яхши асарлари қаторига киритади. Роман мавзуи уруш ва севгидир. Италия армиясида хпзмат қилувчи америкалик офицернинг инглиз ҳамширасига бўлган гўзал ва фожиали муҳаббати Хемингуэйча бетакрор талқинини топади. Муҳаббат мавзуси жимжимадор, романтик, шоирона либосда эмас, босиқ, холис, снртдан бефарқ, бироқ ичдан чуқур ҳиссиётга йўғилган тасвир ўйсинида ифодаланади.

30-йилларга келиб Хемингуэй ижодида бир қадар тушкунлик кайфияти кузатилади. Бунга сабаб қилиб ёзувчини "шон-шуҳрат масти қилиб, қўйғанлнгиди" деб кўрсатадилар. Бунга далил тариқасида Хемингуэйнинг ўзини "чинакам эрқак" қилиб кўрсатишга интилиши, испан корридасига, йиртқич ҳайвонларга африкача овга бўлган эҳтироси, атрофидагиларга беписанд муносабати кабиларни келтирадилар. Бу даврда яратган асарлари: «Тушдан кейингн ўлим», испан корридаларини акс эттирувчи «Африканинг яшил дўнгликлари», Африкага бўлган саёҳат кундаликлари, воқеалар Флоридада кечувчи «Бор ёки йўқ» қиссаси кабилардир.

30-йиллар ёзувчининг ижодидан фақат икки ҳикояси «Френсис Макаомбернинг қисқа баҳти» ва «Килиманджаро қорлари» танқидчи-ликнинг ижобий баҳосини олишга муваффақ бўлди.

Испаниядаги фуқаролар уруши Хемингуэй ҳаёти ва ижодида туб бурилиш ясади. У ўзини чин ижодкор сифатида намоён қилди. Буюк истеъдод эгалари жамият дардларига нисбатан ўта таъсирчанликлари билан ажралиб турадилар. Хемингуэйнинг испан урушига фаол муносабати ҳам шунинг далилидир. Республикачилар учун пул йиғиб ёзувчи Шимолий Америка газета ассоциацияси ҳарбий муҳбири ҳамда «Испания ери» хужжатли фильмнинг сценарий муаллифн сифатида Испанияга йўл олади.

Испанияга иккинчи саёҳатидан сўнг Хемингуэй «Бешинчи колонна» номли пьесасини ёзади, унда 1937 йил кузида Мадриднинг қамал қилиниши тасвирланган.

Хемингуэйнинг бу давр ижодидан энг ёркни асар «Кўнгироқ кимни чорлайди» романидир. Асарга инглиз шоири Жон Доннинг сўзлари эпиграф қилиб олинган «Ҳеч қаҷон қўнгироқ кимни чорлајпти деб сўрама, у сени чорлаётир». Роман Испаниядаги фуқаролар уруши воқеаларига бағишлиланган. Бош қаҳрамон Роберт Джордан

республикачилар томонида жанг қилувчи америкалик күнгиллидир. Ҳар дақиқа, сонияда совук ўлим шарпаси сезилиб турган шафқатсиз уруш шароитида Роберт Джордан қалбиди испан қизи Марияга нисбатан мұхаббат уйғонади. Бу севгининг, баҳтнинг омонатлиги асарға фожиавий рух баҳш этса, Мариянинг аянчли ўтмиши фожейликтин янада кучайтиради. Бироқ инсон барибир инсонлигича қолиши, эңг чорасиз, умидспз қолған дақиқаларда ҳам баҳтга интилиб яшаши ўқувчи қалбига ёруғлик баҳш этади. «Күнгироқ кимни чорлайди» ёзувчига катта шон-шұхрат келтирди.

1940 йылда Хемингуэй Марта Геллхорнга үйланади, Гавана яқинидан уй сотиб олади ва хотини билан Хитойга сафар қиласы. 1944 йылда Лондонга ҳарбий мұхбир сифатида йүл олади (бу даврга келиб у хотини билан ажрашған эди). Британия Ҳарбий ҳаво күчларыда хазмат қиласы ва 1944 йилнинг 25 августыда Америка қүшинлари билан биргаликда Парижга кириб келади. Ёзувчи иттифоқчиларнинг ҳарбий харакатларыда фаол иштирок этади, ҳатто мұхбирлигини унугиб юбораёздади, жасорати учун бронза медали билан тақдирланади. 1946 йылда Гаванага қайтади. Бу ерда у «Таймс» журналининг мұхбири Мери Уэлш билан танишади. Хемингуэй унга үйланади ва умрнннинг охирпеге қадар бу ажайиб аёл билан тұрмуш кечиради.

1950 йылда «Дараҳтлар соясидаги дарё» романини эълон қиласы. Асар воқеалари иккінчи жағон урушини акс эттиради, Италияда кечады. Танқидчилик бу романни совук кутиб олади. Ёзувчини сентименталдикда, ўзига ўта бино қўйиб юборғанликда айблайдилар. Ҳатто бу романга фельетон, пародиялар ҳам, ёзилади.

Бироқ 1952 йылда дунё юзини қурған «Чол ва денгиз» асари ёзувчи ижодига нисбатан юзага келган ишончсизликни, унинг истеъдоди сўна бошлади, деган қарашларни тумандай тарқатиб юборди. Кекса, омадсиз балиқчи ҳакидаги ғамгин, лирик қисса танқидчилик ва кенг китобхон оммаси томонидан юксак баҳоланди. Бутун дунёга Хемингуэйнинг шұхрати тарапади. 1953 йылда бу асари учун Пулитцер мукофоти билан тақдирланади.

1954 йылда Хемингуэй “Чол ва денгиз” асарида яна бир карра намойиш этилган ёзувчилик маҳорати учун ҳамда замонавий насрға кўрсатған таъсири учун Нобель мукофоти билан тақдирланади. Мукофот топшириш маросимида Швед академиясининг аъзоси Андерс Эстерлинг Хемингуэйга “давримизнинг эң аҳамиятта молик адиларидан бири” деде баҳо беради. Хемингуэй соғлиги ёмонлашғанлиги туфайли Нобель мукофоти тақдимотида қатнаша олмайди.

1960 йылда ёзувчи Рочерстдердаги Майо касалхонасида даволанади, унга руҳий хаста, түшкунликка тушиш каби ташхисларни қўядилар. Касалхонадан чиққач Хемингуэй ортиқ ижод қила олмаслигини англаб етади ва 1961 йил 2 июнида ўз жонига қасд қиласы.

Хемингуэйнинг ўлими дунё санъат аҳлини ларзага солади. Америка танқидчиси Эдмунд Уилсон “бу ҳодиси бутун бир авлодимизнинг тамал тошларидан бири тўсатдан кулаб тушиши билан тенг” деде ёзади.

АДАБИЁТЛАР

1. Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. – Т.: «Ўқитувчи», 1987.
2. Норматова Ш. Жаҳон адабиёти. – Т., “Маънавият”, 2008.
3. Холбеков М. Эрнест Хемингуэй ҳикоялари. “ЖА”, 2011/2.
4. Отабоев А. Моэмнинг ҳаёти. “ЎзАС”, 2006/14.
5. Золя Э. Ҳамал. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.
6. Лондон Ж. Мартин Идеи. – Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1968.
7. Драйзер Т. Америка фожиаси. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
8. Мопассан Г. Ҳаёт. Азизим. Новеллалар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
9. Хемингуэй Э. Чол ва денгиз. Алвидо, курол. – Т.: “Ёш гвардия”, 1986.

10. Хемингуэй Э. Куёш барибир чиқаверади. – Т.: «Ёш гвардия», 1984.

11. Мөэм У. С. Нотаниш одам Парижда. “ЖА”, 2000/8-9.

12. Мөэм У. С. Ой ва сарик чақа. “ЖА”, 2006/1-2.

XX АСР МОДЕРНИЗМ АДАБИЁТИ. (4 СОАТ)

- *Модернистик адабиёт ва унинг пайдо бўлиши омиллари.*
- *Модернизм эстетикаси.*
- *Модернизм йўналишилари:* экспрессионизм, дадаизм, кубизм, абстракционизм, сюрреализм...
- *Модернизм ва адабий турлар.*
- *Ж.Жейс модернизм асосчиси сифатида.*
- *Модернизм ва Кафка ижоди.*
- *Ж.П.Сартр ва экзистенциализм.*
- *Камю ва абсурд фалсафаси.*
- *Модернизм ва мифология.*

Модернизм французча *moderne* (замонавий, энг янги) сўзидан олинган бўлиб, XX асрнинг 20 йилларида вужудга келган бадиий эстетик тизимни англатади. Шу даврдан бошлаб XIX аср санъатидан фарқ қилувчи янги санъат шакллана бошлади.

Модернизмнинг вужудга келишига Шопенгауер ва Ницше иррационал фалсафаси, Бергсон интуитивизми, Э. Гусселнинг феноменологияси, Фрейд ва Юнг психоанализи, Хайдеггер, кейинроқ Сартр ва Камю экзистен-циализми, Франфуркт мактаби ижтимоий фалсафаси ғоялари асос бўлиб хизмат қилди. Модернизм маълум ижтимоий давр маҳсули эди, XIX аср охири XX аср бошларида жамият хаётида юз берган ижтимоий ва маънавий тушкунлик (бу декадентлик атамаси билан номланади) адабиёт ва санъатга ўз таъсирини кўрсатди. Модернизмнинг пайдо бўлиши бир томондан жамиятдаги ижтимоий жараёнларга норозилик ифодаси эди, зеро улар ижтимоий ўзгаришлар, инқилюбу тўнтарпшлар билан инсонни баҳтли қилиб бўлмаслигини англаб етдилар, модернизм оқимининг ғоявий асосини ташкил қилувчи фалсафа инсоннинг ижтимоий томонига эмас, рухи, қалбига асосий эътиборни қаратди. Улар ўзларидан олдинги фалсафани нарсалар фалсафаси бўлгани учун танқид қиласилар, фалсафа диққат марказида инсон туриши лозим деган фикрни илгари сурадилар, инсоннинг асл ҳаёти реал воқеликдаги эмас, кўнгилдаги, онгдан ташқари, ақл-идрокка бўйсунмайдиган ҳаёти деб биладилар. Айни пайтда модернистлар анъанавий шаклдан ҳам қониқмайдилар, XIX аср реализми ва романтизми учун хос бўлган қолип тусини олган шакл ва усулларни такрорлаш, натурализмнинг воқеликдан пассив нусха кўчириши, бадиий ижодда академизмга қарши исён кўтардилар. Улар анъанавий шакл ҳозирги замон воқелигини кўрсатишга ожизлик қилиб қолган деб ҳисоблайдилар. Рух-қалб ҳаётини алоҳида қадрловчи модернистлар, энди реалистик усул ва воситалар инсон қалбининг яширин тубларига кириш, уни бор бўйича, рўй-рост тасвирлаш учун ожизлик қилиб қолган, деб ҳисоблайдилар.

XX аср адабиётида модернистларнинг шакл бобидаги изланишларини акс эттирувчи кўплаб оқимларни кўрсатиш мумкин.

Футуризм - лотинча (*futurum*) сўз бўлиб "*келажаск*" маъносиншинглари англатади. Бу оқимнинг мақсади келажак санъатини яратишдан иборат эди. Футуристлар санъат тамомила эркин бўлиши керак, деб ҳисоблардилар, ўтмиш санъатини инкор қиласилар. Футуристлар ёзиш техникасига алоҳида эътибор берадилар, поэтик қонуниятларни бузадилар. Ўзининг бир қанча зиддиятли жиҳатларига қарамасдан футуризм В. Хлебников, Б. Пастернак каби шоирлар ижодий принципларининг шаклланишида катта рол ўйнади, шакл бобидаги дадил тажрибаларига асос бўлди.

Экзистенциализм (existence - *мавжудлик*) - XX асрдаги ана шу номдаги фалсафа асосида вужудга келган модернистик оқим. Ушбу фалсафа марказида инсон ҳәётининг маъноси, шахс эрки ва масъулияти муаммолари туради. Адабпий оқим сифатнда экзистенциализм борлнқ ва инсоннинг гаройиб сирли-сехрли жиҳатлари хусусида баҳс юритади. Ушбу адабиёт намуналарида инсоннинг жамиятга бегоналиги, ёлгизлиги, маҳкумлиги муаммоси кўтарилади. Кўпинча қаҳрамонлар кутилмаган вазиятга тушиб қоладилар, ушбу вазиятнинг улар қалби ва рухиятига таъсири муаллиф дикқат марказида туради. Сартр, Камю каби ижодкорлар ушбу адабиётнинг ажойиб намуналарини яратдилар.

Экспрессионизм (французча - expression *ифода* сўзидан) - Биринчи жаҳон уруши ва инқиlobий тўнтаришлар даврида санъат ва адабиётда вужудга келган оқим. Ушбу оқим вакиллари ҳиссиётга, туйғуга алоҳида эътибор берадилар, қаҳрамоннинг тасаввурлари, таассуротлари ифодаси етакчинлик қиласи, ҳиссиётга, кечинмага урғу берилади. Экспрессионизм кўпроқ поэзия (**Поль Элюар**) ва драмада намоён бўлган.

Импрессионизм (французча impression - *таассурот*) - XIX аср охири XX аср бошларида Францияда вужудга келиб, тасвирий санъат, адабиёт, мусиқада ўзини намойиш қилган оқим. Импрессионистлар инсоннинг бирон ҳодиса таъсирида туғилган таассуроти, ҳиссиёти, ҳаяжони, руҳий ҳолати санъатнинг дикқат марказида туриши керак, деб ҳисоблаганлар. Улар инсоннинг асл ҳаётини ғайришуурий ҳиссиётлар, ўзгалардан яширин туйғуларда кўрганлар, ушбу оламни бор бўйича кўрсатишса харакат қилганлар. Импрессионизм атмаси **Моненинг** «Таассурот. Қуёш чиқиши» номин картинаси кўргазмада намойиш этилгандан сўнг пайдо бўлган. Рассомлар ўзларининг севимли жанрлари бўлган пейзаж, портрет, кўп шахслар тасвириланган композицияларда уларни куршаган дунёдан олган лаҳзалик таассуротларни нфодалаганлар.

Адабиётда импрессионизм принциплари натурализмдан символизмга ўтиш жараёнида шаклланди. Ж. ва Э. Гонкурлар, Ж.Гюнсманс, Ги де Моппасан ушбу ўйналишга мойиллик билдирадилар, асарларида оний лаҳзада инсоннинг ранг-баранг туйғуларини сўз ёрдамида иложи борича тўлиқроқ тасвирилашга нинтилганлар. Импрессионизм алоҳида мактаб тусини олмаган бўлса-да, бу йўналиш вакилларининг кўплаб кашфиётлари замонавий санъат ва адабиётда из қолдирди.

Сюрреализм - (французча surrealizme) – Францияда XX асрнинг 20-йилларида вужудга келган оқим. Сюрреализм интуитивизм фалсафаси, шарқ диний фалсафаси, фрейдизм таълимотига таянади. Сюрреализм эстетикаси **А.Бретоннинг «Сюрреализм манифести»** асарида узининг ифодасини топган. Улар инсоннинг «мен»ига эркинлик беришга, уни моддиюнчилик, инсоннинг ижодий имкониятларини чекловчи анъанавий эстетика занжирларидан халос қилишга чакирадилар. Ҳаётнинг асл моҳияти инсоннинг онгдан ташқари, ғайришуурий оламида беркинган, деб ҳисоблайдилар ва адабиёт тартиботларга, куникма, ахлоқий тушунчалар ва мантиққа бўйисунувчи ҳаётни эмас, унинг ботиндаги пинҳон туйғуларини тасвирилаши лозим. Шу сабабли инсон руҳининг ғайришуурий ҳолатини намойинш этувчи усул сифатида - туш ҳолати, гўдаклик хотиралар, галлюцинация кабилардан фойдаланганлар. Сюрреалистик асарлар сюжети мажозийликка, парадоксга, кутнлмаганликка асосланади. Адабиётда Апполинер, тасвирий санъатда С.Дали, Х.Миро, И.Танги, Г.Арп, А.Массон, Р.Магритт, кинематографияда Л.Буньюэль, абсурд театрпда Э.Иноексо, С.Беккет ушбу оқим намояндаларидир. Модорнизмга тушкунлик мафкурасини ифодаловчи ҳодиса сифатида салбий баҳо бериб келинди. Бирок, унинг буюк иимояндалари бу фикрнинг бирёқламалиги,adolatcizligini исботлади. Франц Кафка, Жеймс Жойс, Альбер Камю асарларида чириган жамннатнинг инсон шахсига таъсири, уни маҳв этиши ўзининг ёрқин ифодасини топса-да, инсонга, унинг келажагига ишонч туйғуси ҳам уфуриб туради. Модорнистик ижод маҳсулларида фожиавий тақдирга маҳкум инсон фожиавийлик замирида ҳам бахтга интилади, нажот ахтаради. Модерничи адилбрнинг қаҳрамонлари кўп ҳолларда кутилмаган вазиятга тушиб қоладилар, ана шундай ҳолларда уларнинг қалбida рўй бераётган жараёnlар муаллиф

диққат марказида туради. Уларнинг қаҳрамонлари одатда ҳалол, софдил, беозор одамлар. Рух ҳаёти билан яшаш, кўнгил буюрганини қилиш, сохталик, сунъийликни инкор қилиш, қалби-дагини яшнрмаслик - Ф.Кафка, А.Камю каби пжодкорлар асарларининг қаҳрамонларида ана шу жиҳатлар етакчилик қиласи.

Модернистлар шаклга алоҳида эътибор берадилар, шартли-рамзий усулларни кўлладилар, инсон шахсига кутилмаган томондан ёндашадилар. Бу жиҳатдан, айниқса, австрия ёзувчиси Ф.Кафка, француз адаби А.Камю ва америкалик У.Фолкнер ижоди диққатга сазовор.

Франц Кафка XX аср модерн адабиётининг энг ажойиб ва ўзига хос намояндасидир. Унинг ижоди ғоятда хилма-хил қарашлар ва баҳоларга сабаб бўлган. Албатта, Кафка тириклик чоғидагига қараганда, ўлимидан кейин унга қизиқиш кучли бўлганлигини ҳам эътироф этиш керак. Баъзан буюк истеъдод эгалари ўз даврида тан олинмаслиги, тушунилмаслигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Кафка ҳам шундай ижодкорлар сирасига киради. У Марказий Европада ўтган асрнинг 20-30-йилларида жуда кенг бўлмаса ҳам маълум маънода танилган эди. Ўз пайтида Х.Хессе, Т.Манн, Б.Брехт каби таникли ёзувчилар унинг истеъдодини тан олган эдилар. Бирок, Кафка номининг чинакам шуҳрати иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврга тўғри келди. Чунки Кафка тириклигига китобларининг нашр қилиниш-қилинмаслигига беэътибор қарар эди. Шу сабабли ўлимидан кейин нашр этилган, баъзилари тугалланмаган "Жараён", "Кўрғон", "Америка" романлари адабиёт оламида чинакам воқеа бўлди.

Узоқ давр мобайнида Кафка мороси унинг дўсти ёзувчи Макс Брод қўлида сақланди. Брод марҳум ёзувчи тимсолида кўпроқ санъаткорни эмас, "ғоя одамини" кўрар эди. Шу сабабли уни христиан таълимоти тарғиботчисига айлантириб қўйган эди. Кафка ижодини ўзича нотўғри талқин қилганига қарамай, Броднинг адабиёт олдидағи хизмати улкан бўлди, у дўстининг барча нашр қилинмаган қўллётмаларини ёкиб юборишни сўраб колдирган васиятини бажармади ва дунё китобхони Кафка мероси билан тўлиқ танишиш имкониятига эга бўлди.

Кафка номи шуҳрат чўққисига чиққач, барча уни ўзича талқин қилиш ва улуғлашга ўтди. Дастрраб Америкада бошланган Кафкани янгидан таниш аста-секин бутун дунёга ёйилди. Инсоният ишонган ғояларнинг урушдан кейин пуч бўлиб чиқиши, цивилизациянинг охир-оқибатда инсонни маҳв қилувчи жиҳатларини ўз асарларида очиб берди.

Кафка ғайриинсоний тартиботлар хукмон бўлган дунёдан нафратланар эди, инсоннинг имкониятларига ишонмас эди. Айни пайтида у инсон учун изтироб чекар, унинг учун ўзини жавобгар деб ҳис қиласи эди. Кафка дунёқарашидаги қарама-қаршилик унинг асарлари турлича баҳоланишига сабаб бўлди. Унинг ижодини диний ва модерн адабиётнинг турли оқимлари, ақидалари билан изоҳлашга уриндилар.

XXI асрга келиб ҳам Кафка ижодига бўлган қизиқиш сўнгани йўқ. Зеро, бу ёзувчининг қашфиётлари замонавий китобхон қалбига ҳам йўл топа билмоқда.

Франц Кафка 1883 йил 3 июля Прага шаҳрида туғилган. Ота-онаси яхудий миллатига мансуб эди. Онаси руҳонийлар авлодидан, отаси эса қишлоқ хунармандининг ўғли бўлган. Кафка шахсининг шаклланишида отасиннинг роли катта. Ёшлиги қашшоқликда ўтгай бу одам кексайганда маълум сармоя тўплайди ва кичик фабрикант даражасига етади. Руҳан тамомила ўғлининг зидди бўлган бу одамда энди ўзига ишонч хисси пайдо бўлади ва оиласидаги уч қизи ҳамда ёлғиз ўғил Францни ўз ҳукмига бўйсундиради. Ниҳоятда таъсирчан табиатли Франц отасига қалбан итоат этолмайди, бирок, у норозилигини ташқарига ҳам чиқармаган. Унинг ҳеч ким дахл қила олмайдиган ўз хаёлот оламига беркиниб олиши, сукутдаги исёни ифодаси эди. Кейинчалик "*Отамга ҳам*" (1919) асарида қалbidаги зиддиятни тўкиб солади (Бирок уни отасига жўнатмаган).

Тадқиқотчилар Кафка дунёқарашида кўзга ташланувчн ўзига нисбатан ишончсизлик, ёлғизликка мойиллик сабабини шунда кўрадилар.

Франц аввал немис гимназиясина тамомлайди, сүнгра хуқуқшунослик бўйича олий таълим олади. Санъат тарихи ва германистикадан маърузаларга қатнашади. 1906 йилда олдин адвокатлнк конторасида, сүнгра Прага шаҳар судида амалиёт ўтайдп. 1907 йилдан бошлаб хусусий суғурта жамиятида хизмат қиласди. Шу йили ишлаб чиқаришдаги шикастланишдан суғурта-ланиш ташкплотига ишга ўтади. Кафка интизомли ва ҳалол хизматчи, буннинг устига докторлик даражасига эга эди. Бироқ, шунга қарамай, у умрининг охиригача паст маошли, оддий лавозимни эгаллади. 1917 йили сил касали билан оғрийдн. 1922 йили нафақага чиқишига мажбур бўлади. Ниҳоят 1923 йилда унинг эркин адабиётчи бўлиш орзуси амалга ошадп ва Берлинга келади. Бироқ соғлиги ёмонлашганлиги туфайли Прагага қайтади. 1924 йилда Вена яқинидаги Кирлинг сил касалликлари санаторийсида вафот этади.

Кафка дунёқарашидагн ўзнга хослик унинг услубида ҳам ўз аксини топади. Унинг асарларида фантастика ва реаллик ғаройиб тарзда уйғунлашиб кетади. "Эврлиши" ҳикоясининг қаҳрамони Грегор Замза уйқудан уйгониб ўзининг улкан ҳашаротга айланаб қолганинн кўради. Албатта, бу ўта ғайриоддий ҳолат. Бироқ, ёзувчи вазиятни тезда оддий кундалик ташвишлар тасвири билан алмаштиради. Энди ғайриоддий нарса инсоннинг одатий ҳиссиёт, кўникмалари билан қўшилиб, китобхонни ажаблантирмай қўяди. Замзани ўзининг ҳашарот эканлигидан кўра ишга кеч қолиш, бошлиғидан гап эшитиш кўпроқ ташвишлантиради. Таниш ҳолат. Кафка фантастикадан воқеликка эркин кўчади. Замза ташки томондан ҳашаротга айланса ҳам қалбан ўзгаргани йўқ. У ота-онаси ва синглиси олдида ўзини масъул деб ҳис қиласди, оила фаровонлиги учун ўзи севмаган касб билан шуғулланишга тайёр. Бироқ ҳашаротга айланган ўғил оила учун керакспз. Энг яқин кишилари бошда у севган, кўниккан барча нарсадан маҳрум қиласдилар, кейин ундан тамомила юз ўгирадилар ва ниҳоят уни ахлат уюмiga супуриб ташлайдилар. Ушбу ҳикоя инсон қалбининг яширин, тубан, айни пайтда юксак жиҳатларини очиб ташлайдн.

Кафканинг "Жазо колониясида" ҳикояси турли талқинларга сабаб бўлган. Бу ерда ҳам биз одатланган сюжетни кўрмаймиз. Ҳикояда даҳшатли ихтиро - қатл машинаси тасвирланган. Асарда шу машинанинг ихтирочиси - офицер унинг ишлаш жараёнини зўр мароқ ва эҳтирос билан таърифлаб беради, сайёҳ олдида унинг ишини намойиш этмоқчи бўлади. Кутимаганда машина ишламай қолади, фидоий офицер номус кучи билан ўзи машинага ётади. Оқибатда ўзининг ихтироиси ихтироисини маҳв этади.

Бу ҳикоя ғоясини баъзи адабиётшунослар Кафка 20-30-йнлларга кеслиб фашизм, сталинизм, миллий социализм кўрнишида намоёи бўлган тоталитар сиёсатни башорат қилишида қўрадилар. Бошқача қарашларга кўра, Кафка бу асарида цивилизациянинг инсонни маҳв этувчи табиатини кўрсатиб берган.

Кафканинг биринчи романи "Америка" 1916 йилда ёзил тутатилган. Роман 16 ёшли йигитчанинг саргузаштлари ҳақида ҳикоя қиласди. Йигитчани ота-онаси хизматкор аёл билан ишқий мулоқотлари учун Прагадан Нью-Йоркка "сургун" қиласдилар. У ниҳоятда бегубор ва содда, барчага яхшилик қилишни истайди. Мана шу фазилатлари унга кўплаб кўнгилсизлнклар келтиради. Муттаҳам одамлар ундан фойдаланадилар, қаҳрамон ўзи истамаган ҳолда кўплаб фирибгарлик ишларига аралашиб қолади. Яъни, у ўзига бегона бўлган бошқа оламга тушиб қолади. Роман нисбатан реал воқеликка яқин бўлса ҳам (бу асарда Кафканинг бошқа асарлардаги каби шартлилик етакчилик қилмайди) Кафка ижодига хос бўлган мухитдан бегоналашув руҳи бу ерда ҳам ҳукмрон, яъни мухитдан бегоналашув Кафка ижодига хосдир.

1922 йили дунё юзини кўрган "Жараён" романи қаҳрамони Йозеф К. устидан кетаётган суд тасвиридан иборат. Бу суд одатдаги судлардан фарқ қиласди. Қаҳрамон ўзини нима учун суд қилаётганларини билмайди, бироқ ўзини суд қилувчиларга сўзсиз бўйсунади, жараён эса уйларнинг чордоқлари ва ертўлаларда бўлиб ўтади. Бошда мавҳум кайфиятда судга жалб қилинган Йозеф К. аста-секин жараёнга чукурроқ кириб борадн. Ўзини нимададир айбдор сезади. Асар ниҳоясида қаҳрамон ўлим жазосига ҳукм қилинади, у ҳукмга сўзсиз итоат этади, уни "итдек сўйиб ташлайдилар".

Кафканинг бу асари ҳам турли талқин ва баҳслар обьектига айланган. Йозеф К. характери ҳар хил баҳоларга сабаб бўлган. Унинг суд қилиниши ва қатл этилишида инсон ҳаётининг абсурдлиги, охир-оқибат маҳкумлиги foяси яширган. У жараёнга қарши боришга ожиз, унга бўйсунишдан ўзга чораси йўқ.

Кафка асарларида умидсизлнк, тушкунлик руҳи ҳукмрон, деган қарашлар унча асосли эмас. Инсон баъзан қанчалар ожиз ва тубан бўлмасн, барибир, у меҳрга, эъзозга сазовор. Ёзувчининг кейинги асари "*Кўргон*" ўқувчида нисбатан нурли таассурот қолдиради, инсонга нисбатан умид уйғотади. «Кўргон» қаҳрамони ер ўлчовчи К. қишлоққа келгач, сирли Кўргонга йўл излайди, бироқ ҳеч ким у ерга қандай боришинн билмайди ва унга тўғри йўл кўрсата олмайди. К. «Жараён» қаҳрамонидан фарқли ўлароқ фаол ва харакатчан, чорасиз муҳитда ҳам Кўргонга йўл топиши умидидан воз кечмайди.

Кафка асарлари ягона хулоса чиқарнишга имкон бермайди, тафаккурни уйғоқликка, фаолликка чорлайди, қайта-қайта ўқишига мажбур қиласди. Унинг ижоди жумбоғи, сехри ҳам ана шунда, янги аср китобхони бу жумбоқни ўзича ечади, кашф қиласди.

Буюк Америка ёзувчиси **Уильям Фолкнер** XX аср жаҳон адабиётининг забардаст вакилларидандир. У қатор романлар, ҳикоялар муаллини. Халқаро Нобель мукофотининг лауреати.

Фолкнер машҳур француз ёзувчиси Камю, буюк Хемингуэй билан замондош бўлган. Унинг ҳаёти ва ижоди қадрдон Миссисипи штати билан чамбарчас боғлиқ. Фолкнер, бир неча саёҳатларини ҳисобга олмаганда, севикли гўшасида муким яшаган, қадрдон илдизлар уни Ватанидан узоқлашишига йўл қўймаган.

Уильям Катберт Фолкнер 1897 йил 25 сентябрда Миссисипи штатиннинг Нью-Олбани деган жойида, Фарб жамиятининг аслзодаларига кирувчи оилада туғилган. Орадан беш йил ўтгач унинг ота-онаси қўшни Оксфорд шаҳрига кўчиб ўтади. Уильям болаликдан бобоси сингарн ёзувчи бўлишни орзу қилган. Фолкнернинг катта **бобоси - Кларк Фолкнерни** оилада «кекса полковник» деб атаганлар. У кекса солдат бўлиб, ғоят ажойиб, серкірра, мураккаб шахс бўлган: авантюрист ва дуэлга ишқибоз, айни пайтда романтик ҳамда жиддий сиёsatчи, ғарб конфедератлари ҳарбий қўшинларининг йўлбошчиларндан бири ва инҳоят ёзувчи... Унинг «Мемфиснинг оқ атиргули» романн ўз вақтида жуда катта шуҳрат қозонган ва кейинчалик Маргарет Митчеллнинг машҳур «Шамол билан олиб кетилган» романига адабий манба бўлиб хизмат қилган.

Уильям Фолкнернинг ёзувчилик истеъдоди жуда эрта намоён бўлган. Замондошларининг эслашларича 10 ёшли бола бирор воқеани ҳикоя кила бошласа, тўхтай олмаган, бой хаёл дунёси унга тинчлик бермаган ва ҳикоя охирига келиб реаллик билан хаёлот ўртасидаги чегара йўқолган.

Бироқ унинг ёзувчи сифатида тан олиниши, ўз йўлини танлаб олиши осон кечмаган. Уильям турли нашриётларга шеърлари ва насрый мащқларини жўнатиб, ўз кучини синаб кўрмоқчи бўлади. Бироқ ҳамма жойдан бир хилда мулоим рад жавобини олади. Шундан сўнг Фолкнер Нью-Йоркда ўз кучини синаб кўрмоқчи бўлади. Ёш йигитча бу улкан шаҳарни забт этишга қарор қиласди. Фолкнернинг бу йирик шаҳардаги ҳаёти китоб магазинида сотувчиликдан бошланади. Йигитча унча яхши сотувчи бўлмаса-да, ашаддий «китобхўр» бўлиб чиқади. Нью-Йорк Фолкнер учун ажойиб ҳлёт ва ижод мактаби вазифасини ўтади, у бу ерда Сервантес, Достоевский, Толстой, Бальзак, Диккенс, Флобер каби даҳолар ижоди билан танишади. Нью-Йоркда Фолкнер исёнкор руҳ эгалари, ёзувчилар ва изланувчилар макони Гринвич Виллачга жойлашади. Бироқ кўп ўтмай яна қадрдон, кичкина Миссисиписига қайтади. Фолкнер қадрдон гўшасига омадсиз номини олиб қайтгач, турлн касбларда ўзинн синаб кўради. Банк хизматчиси, бўёқчи, хат ташувчи бўлиб кўради. Бироқ бу соҳаларнинг ҳеч бирида узоқ ишломайди, чунки у яхши ишчи эмас эдн. Фолкнернинг пешонасига ёзувчи бўлиш ёзилган эди ва у тақдирдан қочпб қутулолмади. Адабиёт оламида ўз йўлини топиб олиш мashaққатли эди. Мана шундай бир даврни бошдан кечираётган адаб, кутилмаганда 1924 йилда машҳур ёзувчи **Шервурд Андерсон** билан танишади. Кейинчалик **«янги адабий авлоднинг отаси»** деб ном олган

бу ёзувчи билан танишуви янги Орлеаннинг француз квартали чорраҳасида рўй беради ва бу воқеа ёш, ҳавасманд ижодкор ҳаётида ўчмас из қолдиради. Андерсон йўл излаётган, ҳали ҳеч кимга танилмаган Фолкнерда ўзига ишонч туйғусини уйғотади. «Сиз ҳали узоққа кетасиз, - дейди машхур ёзувчи унинг қораламаларини ўқиб кўриб, - ҳар қандай минилмаган отга зарур бўлганидек, сиз ҳам ўзингизни бир оз бўши қўйишингиз керак, холос».

Фолкнер ўзининг дунёси унча катта эмаслигини яхши тушунар эди. Унинг билгани шу кичкина Миссисипи бўлиб, у шу билан қаноатланарди. Фолкнер ўз хulosасидан илҳомланиб ишга киришади. 1925 йилда адиб кейинчалик унга илк шуҳратни келтирган **«Солдат шарафи»** номли романини ёзишга киришади. Ёзувчи бу асарида урушнинг туб моҳиятини кўрсатади, унинг «ватанпарварлик», «қаҳрамонлик», «муқаддас қурбонлар», «ҳарбий шон-шуҳрат» каби чиройли инқобларини олиб ташлайди. Уруш моҳият эътибори билан «Чикаго муштлашувларидан фарқ қилмайди, биргина фарқи гўштни бу ерда ерга кўмадилар». Мана шу фикр урушдан кейинги бутун бир авлоднинг ҳаётий хulosасига айланади. 1930 йилда «Форум» журналининг саволларига жавоб берар экан, Фолкнер ўзининг адабиётдаги йўлини шундай тасвирлаб беради: «Шервуд Андерсон исмли кишини учратдим. Ўзимча дедим: «Балки роман ёзиб кўрарман? Ўшанда ишишим керак бўлмас?. Бажараман дедими - бажараман. «Солдат шарафи». Бажарилди. «Шовқин ва газаб». Бажарилди. Рўйхатни давом зиттиравериши мумкин. “Мен ўлаётганимда” бажарилди (1930 й.), «Авессалом, Авессалом!» бажарилди (1936 й.), «Мусо, пастга туши» - бажарилди (1942 й.), «Роҳибага марс.ия» - бажарилди (1951 й.), «Ҳикоят» - бажарилди (1954 й.), «Кошина» - бажарилди (1959 й.). «Бажараман, дейилдими - бажарилди». Бу гаплар, албатта, ҳазил. Ушибу асарлар саҳардан тунгача меҳнатнинг мевалари». Фолкнернинг шундай гапи бор эди: «Яхши ёзувчини 99% истеъодод, 99% интизом ва 99% меҳнат шакллантиради».

Ёзувчи асарларининг сюжети ғоятда ранг-баранг ва хилма-хил, бироқ ўзининг таъкидлашича: «моҳият-эътибори билан умрим давомида фақат бир воқеани ёздим - дунё ва ўзим ҳақидаги воқеа» ва шу орқали: «ҳаётнинг ўзида маъно борми?» - деган саволга жавоб ахтарди.

Фолкнер адабиёт оламига ўзи яратган хаёлий дунёни олиб кирди ва уни «Йокнапатофа» деб атади. Ҳатто бу мамлакатнинг харитасини чизиб берди, бу харита «Авессалом, Авессалом!» романининг муқовасида акс этди, ўша кезларда миллионлаб нусхаларда тарқалди. Фолкнер асарларининг қаҳрамонлари шу мамлакатда ҳаёт кечирганлар. Хаританинг остида шундай сўзлар ёзилган: «Йокнапатофа округи, Миссисипи штати. Майдони 2400 кв. миль. Аҳолиси: оқ танлилар - 6298, негрлар - 9313, Уильям Фолкнер - ягона хўжайин ва ҳукмдор».

Фолкнер миллатни улуғлаш йўлини эмас, шафқатсизларча ўз-ўзини танқид қилиш йўлини танлади. Зоро, севги ва нафрат бири иккинчисини инкор қилувчи тушунчалар эмас. Фолкнернинг танқиди миллатнга нисбатан чукур ва улкан мухаббат билан йўғрилган. Фолкнер ўша кезларда адабиётда урф бўлган осон йўлдан, яъни бадавлат киборларга оддий халқни, мавхум одоб нормаларига - ер одамларининг синовдан ўтган, қатъий ахлоқий тушунчаларини қарама-қарши қўйиш йўлидан бормади. Ёзувчининг айбномаси барча ижтимоий ва иқтисодий қатламларга, бадавлат синфга, бойларга ҳам ва жоҳил оми оқ танли камбағаллар учун хос бўлган инсоний заифликларга ҳам қарши йўналтирилган эди. У ирқий камситишнинг фожеасини очиб беради, ирқий ўз-ўзини юқори қўйиш назариясини эҳтирос билан фош қиласди, ҳукуқий ва давлат идораларининг мунофиқликларини кўрсатади, диний мутаассибларнинг бесамарлигини акс эттиради. Фолкнер асарларидаги энг асосий мавзуу алам ва изтнроб тасвиридан иборат. У инсон қалбининг энг тубан туйгуларини очиб ташлайди. Унинг асарларнда жиноят, шафқатсиз қонхўрлик тасвирини кўп учратиш мумкин. Ёзувчи эҳтиросларини ўзгалардан пинҳон тутиб, қатъий назорат остидан ўтказиб юзага чиқармайди, уларни охирига қадар, тўлалигича отилиб чиқишлиярига йўл қўйиб беради. Кўп холларда қаҳрамон ўлими

олдидан, сўнгги дақиқаларда аччик ҳаёт тажрибасидан умрини бесамар яшаб ўтганлигини англаб етади.

Фолкнер ўйлаб чиқарган хаёлий мамлакат Йокнапатофани шимолий Миссисипининг эски харитасидан топиб олди, **Йокнапатофа** ерли хиндуларнинг Чикесо қабиласи тилида "*воя бўйла б тинч оқаётган сув*" маъносини англатади. Бу боши ва охири бўлмаган ҳаёт дарёси тимсолидир.

Замондошлари томонидан Фолкнер ижоди турлнча баҳоланган, қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Қатор адабиётшунос-танқидчилар Фолкнер америкаликларга олижаноб, соғлом фикрли ва ниҳоят даражада жўн, зерикарли провинциализмнинг биқиқ муҳитини ёриб чиқишлирида кўмаклашади, деб хисоблайдилар.

Яна бошқа танқидчилар, улар кўпчиликни ташкил қиласди, уни ҳаётни қора рангда тасвирлашда айбладилар, ўзларини ёзувчи асарлари кўзгуснда кўришни истамадилар. Кўпларга унинг ижодий услуби ва фалсафий хulosалари ёқмас эди. Фолкнер асарларига муносабат билдирувчи мақолаларнинг номи ҳам шундан далолат бериб туради: - «Адабиётдаги касаллик», «Шафқатсизлик мактаби», «Шафқатсизликка сифиниш», «Даҳшатлар адабиёти», «Узоқ Жанубда Достоевский сояси». Кафедра минбарлари ва матбуот орқали йиллар давомида унинг ижодини қоралаганлар. Кадрдон штатида узоқ даврлар унинг санъати ва сиёсий қарашларини англаб етмаганлар.

Фолкнернинг сиёсий қарашларига турли муносабатлар билдирилган. Фолкнер ўзини сиёсатдан узоқ киши деб хисобларди. Айни пайтда инсон шаъни ва эркига нисбатан ҳар қандай кўринишдаги зулмга кескин қарши эди.

Фолкнер коммунистик гояни тушунмаган ва уни қабул қилмаган. Ҳатто уни сobiқ Шўролар Иттифоқига америкалик ёзувчилар делегацияси таркибида юбормоқчи бўлганларида, таклифни рад этган. Айни пайтда Толстой, Достоевский, Чехов каби даҳолар ижодини юксак қадрлаган. У ҳар қандай кўринишдаги тоталитаризмдан нафралланган.

Фолкнер ижоди атрофиндаги баҳс-мунозаралар барчанинг диққат марказида турган, унинг ҳар бир янги асари танқидчилик назаридан четда қолмаган. Унинг номи Европа ва Америкада кенг шуҳрат қозона бошлаган. Бироқ Фолкнер ҳамон моддий муҳтожлиқда яшар эди. Асарлари учун олган қалам ҳақи олдинги қарзларини узиш учун базур етарди. Шундай вазиятда унга гўё омад кулиб боққандек бўлди. Фолкнерга Голливуднинг назари тушди. Фолкнер учун Голливуд чексиз имконнятлар, шон-шуҳрат қалити эди. Бироқ, ёзувчи Голливудга келгач, унга шундай шарт кўядилар: «Биз sizни ҳеч кимга ўхшамаган услугуб эгаси бўлганингиз учун ҳам ўзимизга таклиф қилдик. Бироқ бу ерда шу нарсани унутишингизни илтимос қиламиз». Бу Фолкнер жуда қадрлаган эркинликни кишанлаш демак эди.

Ёзувчи олдида дарҳол тўсиқлар пайдо бўла бошлади. Фолкнер ўз асарининг сценарийси устида иш бошлаганда, ундан ўз даврининг машҳур актрисаси Джоан Кроуфорд учун рол талаб қилдилар. Ёзувчи таажжубланиб деди: «Менинг ҳикоямда аёллар йўқ». «Йўқ бўлса, энди бўладн» дейишиди унга Голливуддагилар. Аёл образи киритилгач, машҳур актриса ёзувчидан «инглиз денгизчилари жаргонидаги матн»ни ёзиб беришни талаб қилди. Шундан сўнг севги учбурчагини яратиш мажбурияти пайдо бўлди. Фолкнерда шартномани йиртиб ташлаб, Голливуддан бош олиб кетиш истаги бош кўтара бошлади, бироқ пул жуда зарур эди: яқинда отаси ўлган, тўнғич ўғил Фолкнер оилани боқиши керак эди. Энди ёзувчининг ўз оиласи, хотини Эстелл ва қизчаси бор эди. Бу орада уласи Дин фожиали ҳалок бўлади. Унинг хотини ва бўлажак фарзанди учун қайғуриш ҳам Фолкнер зиммасига тушди. Фолкнер маълум муддат ўз ижодий эркини жиловлашга мажбур бўлди. Барча орзу-умидлари пучга чиқди. Ёзувчининг моддий аҳволи бирмунча яхшиланган бўлса-да, ижодий қоникиш туйғуси уни тарқ этган эди. Фолкнер бундай вазиятга узоқ чида бура олмади ва оиласи билан яна қадрдон Миссисипига қайтади. У шундай аччиқ хulosага келади: «*Америкага ижодкор керак эмас. Фақат инсон руҳи масаласи билан шугулланувчи ва ўз шуҳратини совун ва сигарета савдосига ёки янги*

маркадаги автомобиллар, денгиз круизлари ва курорт меҳмонхоналарини реклама қилишига совуришини истамайдиган Фолкнерга Америкада жой йўқ».

Фолкнернинг шуҳрати кун сайин ортиб борар эди. Франция уни Хурмат легиони ордени билан тақдирлади, ватанида ҳам уни қадрлай бошладилар. Санъат ва адабиёт институти ва Адабиёт академияси уни аъзоликка қабул қилди. Кейинроқ эса энг яхши адабий асар учун Миллий Мукофот билан тақдирланди. 1947 йилда Стокгольмда Фолкнерни лауреатлик дипломи ва ўттиз минг доллар мукофот кутаётганини маълум қилдилар. Нобел қўмитаси шундай қарор чиқарди: «*замонавий америка романини ривожлантириши йўлидаги буюк ва ўзига хос ижодий ҳиссаси учун*» 1950 йилда Қирол Густав Адольф Фолкнерга медаль топширади. Сўнгра Фолкнернинг машҳур нутқи тингланади. Айтишларича, ёзувчининг овозлни зўрға зшигланлар. Лекин эртасига рўзномаларда зълон қилингани бу нутқ барчада жуда кучли таассурот қолдирган.

Фолкнер ҳаётининг охирги йилларида деярли ҳеч нарса ёзмаган. 60 ёшида у жуда соғлом ва бақувват эди. Лекин шунга қарамай Фолкнер ҳаётнинг сўнгги палласида қандайдир маҳзунлик, дилгирлик кайфияти сезилиб турардп. Адид аста-секин яқинларини йўқота бошлади. 1960 йил 11 февралда машҳур француз ёзувчиси ва файласуфи Альбер Камю автомобил ҳалокатида фожиали ҳалок бўлди. Фолкнер учун бу катта йўқотиш эди. У таъзия хатида шундай ёзади: «*Бу тинмасдан ўзини излаётган ва таҳлил қилаётган қалб эди. Машинаси дараҳтга урилган ўша дақиқаларда ҳам у ҳамон ўзидан жавоб ахтарар ва талаб қиласар эди. Ўша сўнгги дақиқаларда у излаган жавобини топганмикан?*» 1961 йилда бирин-кетин оғир жудоликни бошидан кечиради. Фолкнернинг доимий ҳамроҳи Эрнест Хемингуэй вафот этади. Кўплар Фолкнер ва Хемингуэйни рақиблар деб хисоблардилар. Бироқ бу рақиблик ҳеч қачон душманликка айланмаган эди. Ҳар икки ёзувчи оқилона хулоса чиқарган эдилар: дунёда ўзларини излаш ва адашмасликлари учун жой етарли.

Бу орада Фолкнернинг онаси қазо қиласди. У ёзувчини кураш ва умидга руҳлантираси эди. Онасини кўмаётгандарида у укасига шундай дейди: «Менинг ҳам куним битган кўринади». Ёзувчи сўнгги йилларда ёзмаганлигини қуйидагича изоҳлади: «*Иштиёқ йўқ. Агар ёзии иштиёқи билан ёнсан, дарҳол яна машинка ёнига ўтираман*». Фолкнер яна асар яратишга умид қилган. Лекин у дилида борини тўкиб солган, зиммасидаги вазифасини шараф билан адо этган ва дунёни тарк этган.

Фолкнернинг ўлими кутилмаганда рўй берди. Отдан йиқилиб (у от чоптиришни севар, 60 ёшида ҳам яхшигина чавандоз эди), елкасида кучли оғриқ сезади. Кейинроқ касалхонага ётади. Одатдаги текшириш бошланади. Орадан бир кун ўтгач, кундузи Фолкнернинг юраги уришдан тўхтайди.

1962 йилнинг 7 июлида ёзувчини кўмиш маросими бўлди. Бутун дунёдан журналистлар иштирок этади. Йирик телерадиокомпаниялар бу маросимни тўғридан-тўғри намойиш қиласидилар.

Фолкнер ўлимидан кейинги шон-шуҳратига бепарво қарап эди. У ҳатто бу хақда унча ўйламас эди. Бироқ Фолкнер ўзидан кейин чуқур ва ўчмас из қолдириб кетди.

Француз ёзувчиси, драматурги, француз экзистенциализми асосчиларидан бири **Альбер Камю** факат ўз даври эмас, кейинги аср жаҳон адабиётининг буюк намояндаларидан бўлиб қолаверади. Ижодкорнинг буюклиги у яратган асарларининг сони ва машҳурлиги билангина эмас, ҳаёт ҳамда инсон тўғрисида қандай янги гап айта олгани, унинг илгари кўрилмаган қандай янги жиҳатини кашф эта билганлиги билан ҳам ўлчанади. Альбер Камю борлик ва инсон ҳакида ўз сўзини айтиб кетган буюк ижодкорлар сирасига киради.

Альбер Камю 1913 йил 7 ноябрда Жазоирнинг французлар яшайдиган канорасида дунёга келган. Болалик, ўсмирлик йиллари Жазоирда ўтган. Лицей таълимими тамомлагач, маҳаллий университетнинг фалсафа-тарих факультетига ўқишга кирган. Студентлик йилларида А. Жид, Ф. Достоевский, Ф. Ницше каби мутафаккирлар ижоди билан яқиндан танишади. Бу танишув Камю дунёқарашининг шаклланишида катта рол

үйнади. У, айниңса, Достоевский ижодига алохидат мұхаббат билан қарар әди. Үзі бошчилік қылған "Мемлекет театри" саңалаштирган «Ақа-ука Карамазовлар» пьесасыда Иван Карамазов ролинн ижро этган.

Кейиначалпк экзистенциализм оқиминнг йирик намояндалари Кьеркегор, Шестов, Хайдеггерларнинг ижодини чуқур ўрганади. Университет таълимини «Христиан метафизикаси ва неоплатонизм» мавзусида диплом иши химояси билан яқунлайди. У Платон фалсафасини ўрганишни давом эттиришни ният қилиб қўйган әди, бирок, соғлиги ёмонлиги (унда сил касали бошлангани аниқланган әди) туфайли фалсафа фанлари бўйича илмий даража олиш имтиҳонларида қатнашиш учун рухсат бермайдилар. Шундан сўнг илмий ишдан воз кечади ва пойтахт Маданият уйининг бошлиғи вазифасида ишлади.

30-йиллар охирида унинг илк насрний асарлар тўплами эълон қилинади, биринчи романи **«Бахтили ўлим»**ни ёзди, «Сизиф ҳақида асотир» фалсафий эссеси устида иш бошлади.

1938 йилда «Республикачи Алжир» газетасига журналист сифатида қабул қилинади, бирок, иккинчи жаҳон уруши бошланиши муносабати билан ундан кетади. Танишлари Камюга пойтахт газетаси «Пари-Суар»да ишлашни таклиф қиласидилар ва у биринчи марта Парижга келадн. Кўп ўтмай газета ёпилади ва Камю Жазоирга қайтади. У ерда «Сизиф ҳақидаги асотир» асари устидаги ишга якун ясади.

1942 йилда Камю иккинчи маротаба Францияга келадн. Ёзувчининг бу палладаги ҳаёти жуда қизғин ва ижоди сермаҳсул кечган. Табиатан ҳаётга фаол аралашишга мойил бўлган Камю фашизмга қарши миллий озодлик ҳаракатида иштирок этади, «Комба» яширин ташкилотига аъзо бўлиб киради, ташкилот газетасига муҳаррирлик қиласиди, **«Немис дўстга мактублар»**ни чоп эттиради. 1942 йил ёзида қамал ҳолатидаги Парижда «Бегона» қиссаси дунё юзини кўради, «Комба» газетасида «Сизиф ҳақида асотир» эссеси босилади. 1947 йилда урушга қарши даҳшатли айнома бўлган «Вабо» романи нашр этилади. Шу йиллари қатор пьеса, эссе ва қиссалар ҳам ёзади.

1957 йилда Альбер Камю «инсоният олдига бугунги кун муаммоларини бутун кескинлиги билан қўювчи адабий асарларининг аҳамияти учун» Халқаро Нобель мукофоти билан тақдирланади. Альбер Камюнинг ҳаёти кутилмагандан фожиали якун топадн. 1960 йилнинг 4 январида рождество кунларидан кейин Парижга келаётib йўлда автомобил ҳалокатида дунёдан кўз юмади. Ёзувчининг ўлими бутун Ғарб санъат оламини ларзага солади, у тириклик чоғидаёқ **«Ғарбнинг исёнкор виждони»** деган ном олган әди. Камюнинг буюк замондоши, американлик ёзувчи **Фолкнер** бу ўлим муносабати билан шундай ёзди: **«Бу тинмасдан ўзини нзлаётган ва таҳлил қилаётган қалб әди. Машинаси дараҳтга урилган ўша дақиқаларда ҳам у ҳамон ўзидан жавоб ахтарар ва талаб қиласиди. Ўша сўнгги дақиқаларда у излаган жавобини топганмикин?»**

Альбер Камюнинг мұхтасарғына умри давомида яратган асарлари ҳаётлик чоғида ҳам, вафотидан кейин ҳам жаҳон китобхонларини ҳаяжонга солиб келмоқда, ҳанузгача турли-туман қарашлар, ўй-мушоҳадалар, баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Камю асарлари «тилсими» очиш, унинг ижоди мохиятини англаб этиш учун Ғарб адабиётидаги ижодий метод ва оқимлардан хабардор бўлиш лозим. Шу сабабли Камю мансуб бўлган экзистенциализм, абсурдизм фалсафаси ҳақида қисқа ва содда маълумот бериш мақсадга мувофиқдир.

Гапни аввало Ғарб адабиёти ва санъатида вужудга келган модернизм оқими ҳақида тасаввур ҳосил қилишдан бошлаш лозим.

Альбер Камю экзистенциализм фалсафасини ривожлантириб, **«абсурд фалсафасига** (уни француз атеистик экзистенциализм ҳам деб атайдилар) асос солди. Унинг асосий фалсафий-эстетик қарашлари **«Сизиф ҳақида асотир»** асарида ўз ифодасини топган. Сизиф қадим юон ривоятларига кўра худолар томонидан ҳаётга бўлган чексиз мұхаббати учун жазоланади, адабий қийнокқа маҳқум этиладн. У тўғрисидаги асотирлардан бирида нақл қилинишича, Сизиф ўлимидан олдин ўз хотнининг

муҳаббатини синаб күрмөкчи бўлади. Шу мақсадда хотинига жасадини ҳеч қандай маъракаларсиз шаҳар майдони ўртасига улоқтиришни буюради. Унинг буйруғи бажарилади. Тез орада соялар салтанатида қайта тирилган Сизиф хотинининг ғайриинсоний итоатидан ғазабга минади, у бундай шафқатсизликни кутмаганди, бу шунчаки синов эди. Плутондан рухсат олиб, ерга хотинини жазолаш учун келади. Бироқ ширин ҳаёт лаззатини яна бир тотиб кўргач, зулмат дунёсига қайтгиси келмай қолади. Қанча ялиниш ва дўқ-пўписалар ҳам уни ортига қайтара олмайди. Шунда худолар уни оғир жазога ҳукм қиласидар - Сизиф улкан харсанг тошни тоғ чўққисига думалатиб олиб чиқиши, манзилга етгач эса харсанг яна ортга юмалashi, маҳкум эса тошни қайтадан чўққига элтиши ва аввалги ҳолат чексиз такрорланавериши лозим.

Камю талқинича Сизиф - абсурд қаҳрамон. У фоний дунёга бўлган бемисл муҳаббати ва ўлимга нафроти учун шундай жазога мустахик. Бир турдаги бемаъно ва бемақсад меҳнатга мажбур қилинган Сизиф тақдирида Камю инсон қисматини кўради. Унинг машаққатли интилишлари, орзу-ҳавасларининг оқибати пуч, бемаъни - охир-оқибат олдинда уни йўқлик дунёси, ўлим кутади. Бироқ абсурд фалсафаси тушкунлик, таркидунёчиликни тарғиб қилмайди. Нақадар бемаъно, абсурдлигига қарамасдан, инсон учун ҳаётга тенг даражада қадрли нарсанинг ўзи йўқ. У факат бу ҳаёт ўткничи эканлигини, инсон ҳар бир дақиқани сезиб қадрлаб яшаши, фоний дунё неъматларига меҳр қўйиш нотўғри эканлигини уқтиради.

"*Бегона*" киссаси 1940 йилда ёзиб тутатилган, 1942 йилда дунё юзини кўрган. Қисса XX аср француз адабиётининг, аниқроғи, "Камю авлодининг энг яхши асари", "аср санъатидаги энг йирик фалсафий асотирлардан бири" дея баҳоланганд. Яратилганига 60 йилдан кўп бўлганига қарамай "*Бегона*" ҳануз Францияда энг севиб ўқиладиган асарлардан ҳисобланади. Қисса ватанидагина эмас, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ҳам шуҳрат қозонган.

Бир қарашда асар қаҳрамони жазоирлик оддий хизматчи Мерсонинг ҳаёти бошқаларнидан унча фарқ қилмайди - эл қатори ишлайди, дам оладп, кундалик икирчикирлар билан банд кун кечиради. Бироқ айни пайтда қиссанинг илк сатрлариданоқ Мерсони бошқалардан ажратнб турувчи жиҳати ҳам намоён бўла бошлайди. У ўта ростгўй, мунофиқликни билмайдиган ва ўзгалар у ҳақида нима ўйлашлари билан қизиқмайдиган шахс. Асар воқеаси Мерсонинг онаси ўлими ҳақидаги телеграммани олишидан бошланади. Мерсо хатнинг расмий мазмунини унча англамайди, чунки онаси унинг учун илгарироқ, қариялар уйига жойлашганида ўлган эди. Шу сабабли бу совуқ хабарни бир қадар лоқайд қабул қиласиди.

Онасини кўмиш учун қариялар уйига келганда ҳам Мерсо одатда азада бўладигандек ўзини изтироб чекаётган киши қилнб кўрсатишга уринмайди. Факат уни онасини қариялар уйига жойлагани учун айблашлари мумкинлигини элас-элас пайқаб, ўзини оқламоқчи бўлади, бироқ қариялар уйи директори: "Сиз уни боқолмас эдингиз. У қаровга, ҳамиширага муҳтоҷ бўлган. Сизнинг маошингиз ҳам ўзингизга яраша", деб уни бундан халос қиласиди.

Дафн маросими пайтида Мерсо кўпроқ жисмоний ноқулайликларни ҳис қиласиди - у туни билан ухламаган, бунинг устига кун иссиқ... Айни дамда унинг туйғулари азага келганларнинг расмиятчилигига қараганда ҳақиқийроқ. Мерсо бурчини адо этмоқда, бироқ ўзининг бефарқ ҳолатини яширишга ҳаракат қилмайди.

Онасини кўмган куннинг эртасига уйига қайтган Мерсо денгизга чўмилишга боради, у ерда олдин бирга ишлаган ва ўзи ёқтирган қиз Марини учратади. Иккови бирга сузишади, кинога боришади, хурсандчилик қилишади...

Қаҳрамоннинг ҳаёти шу тарзда давом этади. Уни мансаб, обрў, бойлнк ҳам унча қизиқтирумайди. Бошлиғи Парижда яхши лавозимни таклиф қиласиди, Мерсо эса унга барибир эканлигини айтади.

Барча интиладиган, қабул қилган ва бўйсунадиган тушунчаларга бефарқ бўлган Мерсо жисмоний ҳиссиётларга нисбатан таъсирчанлиги билан ажралиб туради.

Жумладан, турмуш ҳодисаларини совуқкон шархлайдиган қаҳрамон табиат тасвирида шоирона тилда сўзлай бошлайди, гўё борлиқнинг ажралмас бир қисмига айланади.

Мерсонинг бир маромдаги сокин ҳаётида кутилмаган ҳодиса рўй беради, у жиноятчи - қотилга айланади. Жиноят чиндан ҳам тасодифан рўй беради. Дўстн Раймон ва Мари билан Раймоннинг денгиз еоҳнлида яшовчи ошнасиникига чўмилишга борган Мерсо кичкина дилснёхликка дуч келади. Раймоннинг рақиби араб билан тўқнашув рўй беради. Бу унча аҳамиятли бўлмаган жанжал тинчигач, унинг кайфияти бузилади. Қумлоқда ёлғиз кезиб юрган Мерсо күёшнинг аёвспз иссиғига дош беролмайдн ва муҳбам кайфиятга бўйсуниб, қаршисидан чиқиб қолган арабни сабабсиз отиб ташлайди. Бу ўринда ҳам қаҳрамонга хос бўлган руҳий ҳиссиётларга бефарқ бўлса-да, жисмоний ҳиссиётларга нисбатан ўта сезувчанлик хусусиятини таъкидлаш лозим. Рамзий мъянода қуёш Мерсонинг жаллодига айланади, уни қотилликка ундаиди.

Қиссанинг иккинчи қисми Мерсонинг эркинликдан маҳрум қилинган ҳолати ва суд жараёни тасвиридан иборат. Қамоқхона муҳити ҳам биз китобларда ўқиган, фильмларда кўрган ҳаётдан фарқ қиласди. Бу ерда маҳбусга нисбатан бирорта ғайриқонуний ҳаракат кузатилмайди, уни қийнаш, дағал муомалада бўлиш, ҳамхона маҳбуслар томонидан калтакланиши кабиларни кўрмаймиз. Айни пайта Мерсо қамоқ азобини ўзича ҳис қиласди, энг оғир қийноқ - бу эрксизлнк эканлигини англаб етади, яъни қумлоқ соҳилда чўзилиб ётиш, чўмилиш, аёл висоли, чекиш каби оддий эҳтиёжлардан маҳрум қилиниши уни азоблайди. Чункп булар Мерсо учун жуда қадрли. Мерсонинг Мари билан қамоқхонадаги учрашуви, Марининг қийноқли суратдек табассуми, уларнинг атрофидагиларнинг ҳолати, она ва жиноятчи ўғилнинг бир-бирига унсиз термулиши, турфа табиатли одамлар тасвири қиссанинг энг таъсири эпизодларидан. Ушбу бир қарашда ҳиссиз, қаҳрамон табиатига мос холис, бефарқ тасвир инсоний фожиалар, яширин ҳиссиётларни ўзига сингдириб олган.

Суд жараёни лавҳаси Мерсо табиати, шахсининг ўзига хослнгини, унинг фожиаси ва ғалабасини ёрқин намоён қилувчп эпизодлардандир.

Суд қилинаётган Мерсо атрофидагилар учун бегоналигича қолаверади. Суд ҳакамлари унинг хатти-ҳаракатларини ўзлари истаганча тушунади ва талқин қиласди. Терговчн ва адвокатнинг жиноятчи ҳақидаги фикр ва хукмлари бир қарашда бир-биринидан кескин фарқ қиласди. Мерсо эса улар ўртасида деярли фарқ йўқ, деб билади. Зоро, Мерсони ҳақиқий жинояти - одам ўлдиргани учун эмас, барча кўнинкан, кишилар ўйлаб чиқарган ахлоқ-одоб тушунчаларига лоқайдлиги, муноғиқлик қилишни истамагани учун суд қиласдилар. Терговчи унинг жиноятини таъкидлаш учун онасини кўмиш маросимида йиғламагани, эртаси куни Мари билан кўнгил очгани, фильм томоша қилгани кабиларни далил сифатида келтиради, уни маънавий мажруҳга чиқариб қўяди. Адвокат эса ҳалол инсон эканлиги, яхши хизматчилигини таъкидлаб, уни ҳимоя қиласди, дафн маросими ҳақида эса ишни бузиб қўювчи факт сифатида атайлаб сўз очмайдн. Моҳиятан уларнинг ҳар иккисининг далиллари бемаъно, абсурд характер касб этади. Аслида инсоннинг қалб дунёси даҳлсиздир, уни ўй-фикри, хаёллари, туйғулари учун айблашга бошка инсоннинг ҳаққи йўқ. Онасини севиш-севмаслиги, азада расмиятчилик учун дод солиб йиғламаслиги Мерсонинг ўзигагина ҳавола. Уни судда худога ишонмаганлиги учун ҳам айблайдилар. Қаҳрамон бу масалада ҳам ўзлигига содиқ, у фақат мавжуд, кўриш, ҳис қилиш мумкин бўлган нарсаларгагина ишонади, бошка нарсалар унинг учун ўз маъносини йўқотган. Инсон қисматига охир-оқибат ўлим ёзилган экан, у эҳтирос ва зътиқод қўйган барча нарсалар бемаъни юпанч, алдовга айланади. Мерсо аввалроқ ана шу хulosага келган. Теварак-атрофига рўй бераётган ҳодисалар, унинг жамиятга бегоналиги, уни тушунмасликлари фақат шу хulosасини тасдиқлаш учун хизмат қиласди. Албатта, қотиллик қилган одам жазоланиши керак. Лекин Мерсонинг эшафотга жўнатилиши, оломон олдида калласи танидан жудо қилинишга ҳукм этилишида қандайдир адолатсизлик борлигини ҳис этасиз. Ёзувчи ҳам китобхонда шу таассуротни уйғотишга интилган. Одамлар томонидан ўйлаб чиқилган омонат ахлоқий тушунчалар,

расмиятчиликнинг құдратли механизм Мерсони жисмонан маҳв этади, жамият Мерсони қотиллиги учун эмас, барчага ўхшамагани учун кечирмайды ва ўлимга маҳкум этади. Мерсо муноғиқлик қилиши, тавба-тазарру қилиб авф сўраши мумкін эди. Бирок, у ўзи танлаган йўлига содик қолади, бу фоний дунённинг одамлар ўйлаб чиқарган шахс эрки, майлига зид, сунъий, омонат тартиб-қоидалари абсурд, бемаънилиқдан иборат деб билади. Ўзлигига, кўнгил ҳақиқатига содик қолиб бу дунёдан кетаётганидан таскин топади.

Альбер Камю яратган бу ғаройиб қаҳрамон ва ажойиб кисса устидаги баҳслар ҳали узок давом этаверади, китобхонни ҳаёт ва инсон ҳақида ўйлашга, мушоҳада юритишга чорлайверади.

АДАБИЁТЛАР

1. Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. – Т.: «Ўқитувчи», 1987.
2. Норматова Ш. Жаҳон адабиёти. – Т.: “Маънавият”, 2008.
3. Зарубежная литература XX века. – М.: «Высшая школа», 2000.
4. Каримов Ш. Немис адабиёти тарихи. – Т.: “МУМТОЗ СЎЗ”, 2010.
5. Дўстмуҳамедов Қ. «Нобель мукофотини олган адиллар», – Т.: «Маънавият», 2002.
6. Адилларнинг Нобель маъruzалари. – Т.: Faфур Гулом номидаги нашриёт матбаа уйи, 2008..
7. Дўстмуҳаммад Х. ИЖОД – кўнгил мунаvvарлиги. – Т.: “МУМТОЗ СЎЗ”, 2011.
8. Жўраев Т. Онг оқими. Модерн. “Фарфона” нашриёти, 2009.
9. Жўракулов У. Худудсиз жилва. – Т.: “Фан”, 2006.
10. Эспен Ховардсхолм. Модернизм//Жаҳон адиллари адабиёт ҳақида. – Т.: “Маънавият”, 2010.
11. Даг Сулстад. Норвег насли – Оврўпа модернизми//Жаҳон адиллари адабиёт ҳақида. – Т.: “Маънавият”, 2010.
12. Ҳерман Ҳессе. Жаҳон адабиёти кутубхонаси//Жаҳон адиллари адабиёт ҳақида. – Т.: “Маънавият”, 2010.
13. Затонский Д.В. Франц Кафка и проблемы модернизма. М., «Высшая школа», 1972.
14. Седельник В.Д. ГЕРМАН ГЕССЕ и швейцарская литература. – М.: «Высшая школа», 1970.
15. Балашева Т. Французский роман 60-х годов. Традиции и новаторство. – М.: «Высшая школа», 1965
16. Песис Б. ОТ XIX К XX ВЕКУ. Традиция инноваторство во французской литературе. – М.: «Советский писатель», 1979.
17. А. Камю. Исён ва санъат. “ЖА”, 1997/1.
18. А. Камю. Ён дафтарчалар. “ЖА”, 2003/10.
19. Э. Фромм. Менинг эътиқодим. “ЖА”, 2003/10.
20. Э. Фромм. Инсоннинг ҳозирги ҳолати. “ЖА”, 2000/3.
21. Ж. П. Сартр. Экзистенциализм тўғрисида. “ЖА”, 1997/5.
22. А. Бретонь. Сюрреализм ҳақида. “ЖА”, 2000/5.
23. Ф. Кафка. Отамга хат. “ЖА”, 2000/7-8.
24. М. Холбеков. Модерн адабиёти: тадриж ва талқин. “Тафаккур”, 2010/3.
25. М. Холбеков. Бадий адабиётда модернизм тавсифи. “Ёшлиқ”, 2011/4.
26. М. Холбеков. Оноре де Бальзак ва “Инсон комедияси”. “ЖА”, 2009/1.
27. М. Холбеков. Ҳаёт ва рамзлар уйғунлиги. (Жеймс Жойс...). “ЎзАС”, 2011 йил 8 апрель. (15-сон).
28. В. Алимасов. Экзистенциализм “ота”си. “Тафаккур”, 2005/ 3.
29. Жойс Ж. Навқирон санъаткорнинг сийрати. ЖА журнали, 2007 йил, 3-4-сон.
30. Жойс Ж. Улисс саргузаштлари. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2010.
31. Камю А. Бегона. – Т.: “Ёзувчи”, 1995.

- 32. Кафка Ф.** Жараён. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006.
- 33. Ҳессе Ҳерман.** Чўл бўриси. – Т.: “Шарқ”, 2006.

15. ҲОЗИРГИ АДАБИЙ ЖАРАЁН. (2 СОАТ)

- Замонавий жаҳон адабиёти ва глобаллашув.
- Замонавий адабиёт иўналишилари, турлари ва жанрлари.
- Оммавий ва элитар адабиёт.
- Замонавий фантастика ва унинг кўринишлари.
- Г.Г.Маркес ҳаёти ва ижоди.
- П. Коэло ижоди.
- Замонавий ўзбек адабиётида жаҳон адабиёти тажрибалари.

Ҳозирги глобаллашув даврида жаҳон адабиётида кечётган жараёнларга назар ташласак, дунё халқлари адабиётида умуминсоний муаммолар, гоялар муштараклигини кузатишимиш мумкин. Халқлар адабиётлари ўртасидаги тавофтлар йўқолиб бормоқда, бадиият мўъжизалари дунё китобхонининг умумий маънавий бисотига айланмоқда. Компьютер асрида ҳозирги кун китобхони жаҳон бадиий тафаккури яратган ижод намуналари билан танишишнинг бекиёс имкониятларига эга. Шу сабабли ҳам маълум миллат адабиётида шакл бобида қилинган кутилмаган тажрибалар, қашфиётлар жаҳон китобсеварлари томонидан бирдек қабул қилинмоқда.

Ҳозирги адабий жараённинг муҳим хусусияти унинг мафкурадан ҳоли эканлиги, ижодкор истаганича ёзиш, истаган йўлни танлаш ҳуқуқига эга эканлигидадир. Унда XX аср адабиётидаги хилма-хилларниң белгиларини кўришимиз мумкин, айни пайтда, эски адабиётдан тамомила фарқланувчи жиҳатлар ҳам мавжуд.

XX аср сўнгидаги бадиий йўналишларнинг шиддат билан ўзгариши ва янгиланиши жараёни кўзга ташланади. Эскирган назарий қолип ва тушунчаларнинг емирилиши натижасида ижодкорлар олдида йўл излаш, янги-янги шаклларни кашф этиш муаммоси пайдо бўлди. Адабиёт изланишлар палласига кирди, янги аср адабиёти бутунги мураккаб даврда яшаётган инсоннинг ҳаётини енгиллаштирадиган, унга мазмун баҳш этадиган концепция ахтармоқда. Инсон ва дунё ҳақидаги қарашлар хилма-хиллиги адабий йўналиш ёндош ҳолда ривожланмоқда - **модернизм ва реализм**. Ҳар икки йўналиш ўз анъаналарини давом эттириб ва бойитиб бормоқда. Ўз навбатида ушбу йўналишлар ичида ҳам турли оқимлар мавжуд. Модернизм ичида сюрреализм, экспрессионизм, экзистенциализм на ҳ.к., реализм ичида танқидий реализм, интеллектуал реализм... Ҳозирги кун адабиёти турли адабий оқимларга бағри очиқлиги билан аҳамиятли, ёзувчилар ҳам ихтиёрий йўл танлашда ўзларини эркин ҳис этадилар.

Бугунги адабиёт учун хос бўлган яна бир хусусият сифатида **оммавий адабиётнинг** кенг қулоч ёзиши ва айни пайтда **элитар адабиётнинг** ривожланишини кўрсатиб ўтиш лозим. Оммавий адабиёт ривожи саргузашт-детектив асарларга, майший романларга бўлган эҳтиёжнинг ортиши, бундай китобларнинг кенг тарқалиши, улар ўқувчининг кўплигига намоён бўлмоқда. Шу билан бирга фақат санъатни тушунувчилар, юксак дидли китобхонлар учун мўлжалланган адабиёт ҳам ўсишдан тўхтагани йўқ.

Айни пайтда янги асрда фантастик жанрнинг ўрни ва аҳамияти ортганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Фантастика, **фантастик адабиёт** ҳақида суз кетганда инглиз адиларн Герберт Уэллс, Оскар Уайлд асаллари, америка адиларн Рей Бредбери, Артур Кларк, Курт Воннегут, Айзек Азимов, француз адиларн Жюль Верн ва Пьер Буль, поляк адаби Станислав Лом, рус адилари Александр Беляев, Кир Буличев, ака-ука Борис ва Аркадий Стругацкийлар қўз олдимизга келади. Бу адилар XIX-XX аср фантастик адабиётидаги юлдузлардир. Бугун фантастик асар ёзадиган ёзувчилар сафи В.Крапивин, А.Столяров ва бошқалар

ҳисобига кенгайди. Мұхими, адабиётнинг бу турини тадқиқ этувчи назариётчилар сони ҳам ортди.

Жаҳон адабиётида эътироф этилган Г.Уэллснинг "Кўринмас одам", "Вақт машинаси", "Оламлар уруши" романлари билан Ж.Верннинг "20 минг лье сув остида", "Сирли орол", "Ердан ойгача" романларини, Эдгар По ҳикояларидағи сирли ҳодисаларни, М.Булгаковнинг "Уста ва Маргарита" романы ҳамда "Ит юрак" қиссаси, Айзек Азимовнинг "Роботнинг уч шафаки" романы воқеаларини шартли равишда таққослаб курсак, бадий фантастиканинг бир-бирига ўхшамаган ажойиб намуналарига дуч келамиз. Агар Ж. Верн асарлари илмий-фантастик ғояларнинг ҳаётга яқинлиги, ундағи ихтиро ва қашфиётларнинг ҳаёттеги лиги билан китобхонлар назарига тушган бўлса, Г.Уэллс асарларининг ўта фантастиклиги ва юз минг йиллардан кейин содир бўладиган фалокатлардан огохлантириши билан бадий фантастиканинг асосчиларидан бири сифатида тарихга кирди.

Ҳозирги кунда ҳам фантастиканинг илмий, фалсафий, кибертанк, турбореализм, альтернатив тарих каби кўринишлари мавжуд бўлиб, унга бўлган эҳтиёж қўпайса қўпайдики, лекин адабиётнинг бу турига бўлган эҳтиёж сусаймайди. Адабиётта "дағал фантастика" деб номланган янги атама кириб келганига кўп вақт бўлмади. Бу йўналишнинг кўзга кўринган намояндаси сифатида Андрей Столяровни кўрсатиш мумкин. Унинг "Иблиснинг қувилиши" асари фикримизнинг далили бўла олади. Фантастик йўналишлар ичидаги зинг машхур **альтернатив тарих**. Воқеа параллел дунёда ёкп вақт бўйлаб саёҳат тарзида кечади. Ушбу йўналишнинг намояндаси Рожер Зелазнини мисол килиб келтириш мумкин. Шу нўналиш 90-йиллар бошларидан ривожлана бошлади.

Кибертанк. Фантастиканинг бу йўналиши АҚШда 80-йилларда юзага келди. "Фалсафий, психологик-интеллектуал фантастика" сифатида баҳоланади. А.Столяров, В.Пелевин, Э.Геворклилар бу йўналиш вакилларидир.

Фантастик адабиёт ҳамиша ривожланади ва ҳаракатда. Анъанавий кўринишлари янги кўринишлар билан алмашиниб келмоқда. Фантастиканинг қайси кўриниши бўлмасин мақсади битта - ўсиб келаётган авлод дунёкарашининг шаклланишида, дунёни идрок этишида асосий ўринни эгаллайди.

Замонавий Америка адабиёти мисолида ҳам услуб, шакл, мавзу бобидаги ранг-барангликни кузатиш мумкин. Америка адабиётида Уильям Кеннедининг «Темир ёввойи ўт», «Жуда қарилар» асарлари Нью-Йорк штати пойтахтининг куча ва салонларида яшовчиларнинг ҳаётини ҳазин ва бўғиқ оҳангда тасвирлаши билан ром этади. Даҳшатли бадий адабиёт соҳасида бестселлерлар устаси **Стивен Кинг** асарлари ҳам машҳур. Бадий адабиёт соҳасида Пулицер мукофотини олган **Жейн Смайли** мумтоз адиблар анъаналарига қайтади, «Минг арк» асарида Шекспирнинг «Қирол Лир» сюжетини АҚШнинг Ўртағарб фермасига кўчириб, қариган фермер ўз ерини учта қизига бўлиб беришга қарор қилганда алнга олган кескин оиласи мажарони тасвирлайди. Янги авлод вакили бўлган адаб Маккорл ўз романи («Хушчакчақ етакчи») ва қиска ҳикояларида ўсмирлар ҳаётини акс эттиради, «Виржиния томон» асарида авлодлар орасидаги муносабатлар тасвирланса, «Шовқин-суронли диета» асарини ҳозирги замон жанублик аёлларнинг эҳтиросларини кашф этишга бағишилайди.

Олдин қолоқ, мустамлака, ривожланётган давлатлар қаторига киритилган мамлакатлар сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди. Авваллари фольклор даражасида бўлган баъзи адабиётлар XX аср охири, XXI аср бошига келиб умумжаҳон миқёсига кўтарилиди ва жаҳон адабий жараёнинг унинг ажралмас қисми сифатида кўшилди.

Габриэль Гарсиа Маркес – буюк Колумбия ёзувчisi, машҳур романлар, қиссалар, ҳикоялар муаллифи, Нобель мукофоти совриндори.

Маркес 1928 йил 6 марта Колумбиянинг Аракатука шахрида туғилган. Аракатука Атлантика океани ёнбағирларида ва Колумбиядан унча узоқ бўлмаган Магдалена дарёси соҳилида жойлашган кичик шаҳарча. Маркеснинг отаси телографчи эди. Ёзувчи

истеъдодининг шакланишида бувиси Транкилинанинг таъсири катта бўлди. Транкилина кучли, матонатли аёл эди. Оила тизгини унинг қўлида эди. Айни пайтда 1899-1903 йиллар фуқаролар урушининг иштирокчиси бўлган бобоси кекса полковник Николос ҳам ёш Габриэль хаётида ўчмас из қолирган. Ижодкор сифатида шакланишидаги учинчи омилни Марксе ўзи ўсган муҳитда деб билади. У яшаган шаҳар турмуши ғаройиботларга тўла, фантастика на воқелик ажойиб тарзда уйғунлик касб этган эди. Бобосининг ўлимидан сўнг 8 ёшида Маркес Аракатукани тарк этади, уни Сапакира шахридаги мактаб-интернатга ўқишга берадилар. Илк маротаба ёзишга шу ерда уриниб қўради...

1946 йилда Богото уннверситетининг юридик факультетига ўқишга киради.

Маркеснинг биринчи ҳикояси 1947 йилда эълон қилинади. Лекин у ёзувчи бўлишни хаёлига ҳам келтирмаган, буни касб қилиб олиш ҳакида ўйлаб ҳам кўрмаган эди. 1948 йилда либерал партияning йўлбошчисига суиқасд қилингач, пойтахтдаги вазият кескинлашади ва Маркес Картахена шаҳрига қўчиб ўтиб, ўқишини давом эттиришга уриниб қўради. Бироқ адвокатлик карераси уни ортиқ қизиқтирмай қўйган эди, у бу соҳага адашиб кириб қолгани, бу ўткинчи ҳавас эканлигини англаб етади ва ўқишини ташлаб, журналистлик фаолиятида ўзини синааб қўришга қарор қиласди.

1950-1954 йилларда Маркес репортер бўлиб ишлайди, хроникалар бўлимини бошқаради. 1951 йилда «*Тўкилган барглар*» қиссасини эълон қиласди, асарда илк маротаба муаллифнинг кейинчалик барча асарларидағи воқеалар рўй берадиган хаёлий Макондо шаҳри тасвирланади. Бу шаҳар ёзувчининг қадрдон Аракатука шаҳрига жуда ўхшаб кетарди. Макондо шаҳри билан ёзувчи асарларидағи марказий - ёлғизлик мавзуси ҳам пайдо бўлади.

1954 йилда Маркес Богота шаҳрига қўчиб ўтади, газетадаги ишини давом эттиради, сиёсий хаётда фаол қатнашади.

1955 йилда «Эль Эспектадор» газетаеннинг мухбири сифатида Европага ишга юборилади. У Римда ишлайди, айни пайтда, Тажриба кинематографик марказининг режиссёрик курсларида таҳспл олади. Маркес Римдан Парижга қўчиб ўтади. Ватанида рўй бергап давлат тўнтириши ёзувчининг Парижда қолишига сабаб бўлади. Шу ерда ёзувчи ўзига илк шуҳрат келтирган «*Полковника ҳеч ким ёзмайди*» қиссасини яратади. Асар китоб ҳолида 1961 йилда нашр этилади.

Танқидчилик бу қиссада машҳур Америка ёзувчиси Хемингуэйнинг таъсирини кўради, буни ёзувчининг ўзи ҳам эътироф этади, айни пайтда қиссада унинг мухбирлик тажрибаси ҳам сезилиб туради. Асар тили ёзувчи мақсадига бўйсундира билингандиги, аниқлиги, сўзнинг имкониятларидан моҳирлик билан фойдаланилгани, унга салмоқли маъно юклай билиш, уни ҳис қилиш кабилар билан ажралиб туради. Маркес услубини сайқаллаштириш, юксак бадиийлик ва психологик жиҳатдан хаққонийликка эришиш мақсадида бу асарни ўн бир марта қайта қўчиради. Асар воқеаси 1956 йилда номсиз шаҳарчада рўй беради. Бироқ асар қаҳрамони фуқаролар уруши иштирокчиси полковникнинг тушлари ва хотираларида ватани Макондо гавдаланади. Макондо шаҳри билан тасвирга реал ва улкан ҳодисалар рўй берган тарихий давр кириб келади. «*Полковника ҳеч ким ёзмайди*»нинг мавзуси инсоннинг ёлғизлигидир. Бу инсоннинг воқелик абсурдлигига, очлик, қашшоқлик ва ожизликка, ҳиссизликка сабот-матонат билан қарши туриши, унинг адолат тантанасига бўлган ўлмас ишончи тўғрисидаги қиссадир, Ана ўзу жиҳатлари қиссани Хемингуэйнинг машҳур «Чол ва денгиз» асари билан яқинлаштиради.

Маркес турли лотин американиси газеталарининг мухбири сифатида Европанинг кўплаб мамлакатларини кезиб чиқади, маълум муддат Венесуэллада яшайди, 1961 йилдан Мексикада кўним топади ва «*Хосиятсиз вақт*» романини тугатади. Асар биринчи марта мухаррирлар томонидан бузилган ҳолда Испанияда нашр қилинади, 1966 йилда Мексикада тўлиқ ва асл ҳолида босилади. Асар мавзуи зўравонлик ва унинг шахсни емирувчи моҳиятидир. Бу асарда яна Макондо шаҳри намоён бўлади, Аурелиано Буэндиа, Ребека номлари пайдо бўлади. (Улар кейинчалик ёзувчининг «Танҳоликнинг юз йили»

романнда ҳам иштирок этади). Болалик хотиралари, зўравонлик ва ёлғизлиknинг тақдир эканлиги тўғрисидаги фикр ёзувчига тинчлик бермайди. Кейинчалик ушбу туйғу «*Катта онанинг маъракаси*» ҳикоялар тўпламида ўзининг бадиий ифодасини топади. Тўплам дунё юзини кўргач, Маркес маълум муддат адабиёт ишидан узоклашади, кучини кинематография соҳасида синаб кўрмоқчи бўлади. Бироқ кино санъатида Маркес ўзи истаган нарсани топа олмади: «*Кинода ишлаб, мен албатта, тасвирийлик бошқа ҳикоялаш элементларидан кўра анча афзалликларга эга эканлигига ишонч ҳосил қилдим, бироқ шунингдек маълум жиҳатдан чегараланган эканлигига ҳам амин бўлдим ва бу мен учун кутимаган қашфиёт бўлди, фақат шундагина роман қанчалар чексиз имкониятларга эга эканлигини англаб етдим*».

1965 йилда Маркес яна ўзида ёзишга қучли эҳтиёж ва иштиёқ сезади ҳамда ихтиёрий равишда 18 ойга узлатга чекинади - шу тариқа 20 йил давомида ёзувчи қалбida ардоклаб келган асари «*Танҳоликнинг юз йили*» вужудга келади. Роман 1967 йил Буэнос-Айресда босилиб чиқади ва ёзувчига оламшумул шуҳрат келтиради. Асар тиражи уч яrim йил ичida яrim миллиондан кўпроқ нусхани ташкил қилади, бу Лотин Америкаси учун мисли кўрилмаган ҳодиса эди. Роман ҳақида гап кетганда «*магик реализм*» ибораси қўлланила бошлади, бу тушунча айнан Маркес услубига хос бўлган хусусият билан боғлиқ равища пайдо бўлди. Магик реализм лотин американиси ёзувчилари ижодига хос бўлиб, чексиз эркинлик, ер ҳаётини ҳаёлот, онгнинг туб-тубида ётган ҳиссиётлар билан уйғун равища тасвирлаш билан характерланади. Асар дунё романчилиги ва реализм тарихидаги янги босқич сифатида юксак баҳоланди.

«Танҳоликнинг юз йили» кўп планли асардир. Унда Буэндиалар сулоласининг олти авлоди тасвирланади. Воқеалар ёзувчининг ардоқли Макондо шаҳрида кечади. Аднб ушбу шаҳар ва ундаги инсонлар тарихи орқали Лотин Америкаси тарихи ва унда акс этган буржуазия цивилизациясининг таъсирини акс эттиради. Айни пайтда, роман жаҳон адабиётининг антик эпосдан майший романгacha босиб ўтган йўли ҳамдир. Ёзувчи Буэндиалар оиласи мисолида инсоният онги тараққиётини тадқиқ этади. Бошдаги буюк Ренессанс даврининг тиниб-тинчимас, изланувчан ва тадбиркор кишиси Аурлеанию Буэндия тимсоллди XX асрга етиб келади. У барча соҳаларни қамраб олган бегоналиқ, ёлғизлик қурбонига айланади. Шу романни билан ёзувчи Макондо ва унинг аҳолиси мавзуига сўнгги нукта қўяди. Кейин яратилган асарларида ушбу қарамонларга ва мавзуга қайтмайди.

1972 йилда «Соддадил Эрендира ва унинг шафқатсиз бувиси ҳакида мислсиз ғамгин қисса» ҳикоялар тўплами босилади. Шундан зътиборан Маркес учун хукмронлик ва зўравонлик мавзуси етакчи мавзуга айланади. «*Бузрукнинг кузи*» романида ушбу мавзу чуқур тахлил қилинади, зўравонлик ва шафқатсизликнинг ғайриинсоний моҳияти очиб берилади. Асар марказида зўравонликни ҳаётнинг асоснй қонунн деб билган кучли шахс образи туради.

1981 йилда «*Ошкора қотиллик қиссаси*» асари эълон қилинади, орадан бир йил ўтгач эса Маркес Нобель мукофоти билан тақдирланади.

Пауло Коэльо - дунёнинг энг кўп ўқиладиган ва ниҳоятда ўзига хос ёзувчиларидан ҳисобланади. Унинг асарлари 55 тилга таржима қилинган, бугунги кунга келиб дунёнинг 40 мамлакатида 210 та таржимаси 43 миллион нухсада сотилган.

Пауло Коэльо 1947 йили Рио-де-Жанейрода мұхандис оиласида туғилган. Унинг ёшлиқ йиллари мураккаб ва зиддиятларга тўла тарзда кечган. Исёнкор табиатли йигитча ҳаётнинг турли чорраҳаларига кириб чиқди, Бразилиянинг машҳур рок юлдузлари Элис Регина ва Раул Сеиксас учун қўшиқ матнлари ёзди. Кейинчалик журналистика билан шуғулланди, театр режиссураси ва драматургия соҳасида ҳам ўзини синаб кўрди.

1996 йилда Сантьяго йўлини зиёрат қилишга карор қилди. Бу йўл қадимги испан ибодат зиёрат йўли эди. 1987 йили ана шу сафар таассуротлари асосида «*Зиёрат*» романини ёзди. Орадан кўп ўтмай Пауло Крэльога оламшумул шуҳрат келтирган

«Алхимик» романы дунё юзини күради. 1988 йилда ёзилган бу роман тадқиқотчилар томонидан ўзига хос бетакрор ҳодиса сифатида баҳоланади.

Кейннчалик кетма-кет ёзувчининг «Брида» (1990), Валькирилар» (1992), кундаликлар асосида ёзплган «Мактуб» (1994), «Пьедра дарёси соҳилида ўтириб кўз ёш тўкардим» (1994), «Бешинчи тог» (1996), «Ёруғлик Жангчисн китоби» (1997), «Пайгамбарнинг ишқий мактублари» (1997), «Вероника ўлишга қарор қилди» (1998), «Иблис ва Прим хоним» (2000), «Оталар, ўғиллар ва боболар» (2001) асарлари чоп этилди.

Пауло Коэльонинг асарлари кейинги ўн йил давомида дунёнинг энг кўп ўқиладнган китоб - бестселларидан саналиб келинади. Француз журнали «lire» Пауло Коэльоны «асарлари дунёда энг яхши савдо қилинадиган иккинчи муаллиф» дея таърифлайди. Англиянинг «Times» журнали ёзувчининг китобларини «миллионлаб китобхонлар тақдирини ўзгартиришга қодир» деб ҳисоблайди.

Танқидчнлик, айниқса, ёзувчининг реализм, фалсафийлик ва рамзийлик уйғун услубига, мусиқий тилига, ҳиссиёт ва қалбга таъсир ўтказувчи тасвир тарзига юксак баҳо беради.

Пауло Коэльо жамият ижтимоий ҳаётида ҳам фаол иштирок этади. У асос солган Пауло Коэльо жамғармаси Бразилиянинг қашшоқ аҳолиси, айниқса, болалар ва кексаларга моддий кўмак кўрсатиш билан шуғулланади.

Пауло Коэльо ЮНЕСКОнинг «Маънавий қадриятлар уйғунлиги ва интеллектуал мулокотлар» дастурининг маҳсус маслаҳатчиси, шунингдек, ижтимоий тадбиркорлик масалалари билан шуғулланувчи Шваб жамғармаси бошқарувининг аъзосидир.

Пауло Коэльо 1979 йилги Эрон Ислом инқилобидан сўнг мазкур мамлакатга тақлиф қилинган биринчи номусулмон ёзувчидир.

2002 йил 25 июлда Пауло Коэльо Бразилиянинг нуфузли Кўлёзмалар академиясининг аъзолигига қабул қилинди. Бундан 104 йил муқаддам ташкил қилинган ушбу академия 40 аъзога эга муассаса бўлиб, португал тили масалалари билан шуғулланади.

Пауло Коэльо Германия, Италия, Франция, Испания, Ирландия, Югославия каби мамлакатларнинг бир неча нуфузли мукофотлари билан тақдирланган.

Хўш, ёзувчига бу қадар катта шуҳрат келтирган «Алхимик» қандай асар?

Роман бошдан оёқ рамзлар асосига қурилган. Улар остидаги тагмаънони фаҳмлаш талаб қилинади. «Алхимик»ни ажойиб ибратли эртак деб ҳам аташади. Чиндан ҳам роман сюжети эртакин ёдга солади. Бироқ илк сатрларданоқ бу оддий эртак эмаслигини пайқаб оласиз. У ҳақда шакли содда бўлса ҳам, тагмаъно кучли деган одатдаги таъриф ҳам унча мос эмас. Шакл ҳам кутилмаган, сеҳрга ва кўринмас қудратга эга, буни ғайришуурий тарзда англамасликнинг иложи йўқ. Ёзувчи рамзийликдан реаллукка жуда эркин кўчади, воқеалар хаёлий бўлса ҳам, туйғулар ўта инсоний ва табиийдир. Роман қаҳрамони Сантьягонинг саёҳати билан боғлиқ воқеалар асосида ётган мазмун - инсон тақдирни тушунчасидир. Коэльо талқинига кўра инсон баҳт учун туғилади. Тақдирнинг қора ёки ёруғ бўлиши унинг ўзига боғлиқ. Ўзининг тақдиридан чекинганлар, ўз баҳтлари нима эканларини англашади. Коэльо тушунчасидаги Тақдир Худо томонидан инсонга буюрилган, умри мобайнида адо этиши лозим бўлган мажбурият, ҳар бир инсон босиб ўтадиган ўз йўли. Агар инсон ҳар сафар бирор амални қувонч ва ҳафсала билан бажарар экан ўз тақдирига мос иш тутган бўлади. Бироқ улуғ орзу-ниятларга етиш учун тақдир йўлидан матонат билан ўтиш даркор.

Асар қаҳрамони Сантьяго ана шу йўлда сабот билан машақкатларни енггани учун ўз тақдирига эришади.

Пауло Коэльонинг кейинги романи **“Бешинчи тог”**да ушбу фикр ривожлантирилади. Бу асар Илёс пайғамбар ҳақида. Ёзувчи Инжил ривоятларига таянган, Илёс пайғамбар кечмишларига оид асосий тафсилотларни сақлаган ҳолда ундан-да гўзалроқ, бойрок сюжет, тўлақонли характер яратган.

Илёс Оллоҳ томонидан пайғамбар қилиб танланган, у Оллоҳнинг ҳукмларини инсонларга етказиши лозим. Илёс тақдирга бўйсунади, зиммасидаги бурчни ҳалол адо

этади. Яратганни дилдан қўймайди, энг оғир дақиқаларда унинг кўмагидан баҳраманд бўладн. Бироқ, тақдир йўли осон эмас. Оллоҳ буюрганига хиёнат қилмаса ҳам у кетма-кет азобларга, айрилик ва жудоликларга дуч келади. Илёс урушнинг олдини олиши керак эди, бунга жон-жаҳди билан ҳаракат қиласди, бироқ, унинг уринншлари бекор кетади, ожиз бандалар унинг зорланишларига қулоқ солмайдилар, шунда у Яратганга мурожаат этиб даҳшатли қиргинбаротнинг олдини олишни сўрайди. Бироқ қудратли Тангрин бандаларининг қалбидаги жаҳолатни сугуриб ололмайди, улар даҳшатли синовга гирифтор этилади. Чункп уларнинг қалблари уйқуда, қулоқлари Яратганинг сўзлари учун беркитилган. Илёс энди Худодан фақат бир нарсани, унинг ҳаётига ёруғлик бағишлиб турган муштипар, севимли аёлини омон қолдиришни сўрайди. Бироқ унинг бу тилаги ҳам амалга ошмайди. Оломоннинг ва ҳукмдорларнинг жоҳиллиги бу покиза, мушфиқ аёлни ҳам маҳв этади. Илёс ўз йўлини ўзи танлаши лозим бўлтган вақт келганини тушунади. Қалбини ҳатто Оллоҳ учун ҳам ёпади. Энди у фақат ўзига ишонади, қалби буюрганини қиласди. Култепага айланган Акбар шаҳрини қирғинбаротдан омон қолган бир неча заиф қария, аёллар ва болалар қумагида қайта тиқлайди, у ерда яна ҳаёт бошланади, одамларда келажакка умид ва ишонч уйғонади. Шунда унинг қалбida яна Оллоҳ нури пайдо бўладн, у яна ўз фариштасинн Илёс билан мулоқотга юборади. Илёс шуни тушуниб етадики, Оллоҳ унинг таваллоларини эшитмагани, тилаклари рўёбга чиқмагани ҳам аслида бир синов экан. Оллоҳ синовга бардош берганлар билан ҳамиша бирга экан... Бу асарда ҳам инсон ўз тақдирни учун ўзи курашпши керак, ёлуғим шу экан дея бўйсунгандар шунга лойиқ тақдирга мустаҳиқ деган фоя илгари сурилади.

Пауло Коэльо асарларини ҳар бир китобхон ўзича кашф қиласди, айни пайтда унда кўтарилилган масалалар бутун инсониятга таалтуқли - бугунги замин кишиси дардлари, орзу-интилишларини акс эттиради. «*Мабодо ўзга сайёralардан тасодифан бизнинг Еримизга келгиндилар учиб келиб қолишиса, улар Пауло Коэльонинг атиги битта китоби «Алхимик»ни ўқибоқ бизни тушуна олади*», деб ёзади машҳур француз режиссёри Клод Лелуш.

АДАБИЁТЛАР

1. **Норматова Ш.** Жаҳон адабиёти. – Т.: “Маънавият”, 2008.
2. **Зарубежная литература XX века.** – М.: «Высшая школа», 2000.
3. **Каримов Ш.** Немис адабиёти тарихи. – Т.: “МУМТОЗ СЎЗ”, 2010.
4. **Дўстмуҳамедов Қ.** «Нобель мукофотини олган адиллар». – Т.: «Маънавият», 2002.
5. **Адилларнинг Нобель маъruzalari.** – Т.: Faфур Гулом номидаги нашриёт матбаа уйи, 2008..
6. **Дўстмуҳаммад Х. ИЖОД** – кўнгил мунаварварлиги. – Т.: “МУМТОЗ СЎЗ”, 2011.
7. **Жўраев Т.** Онг оқими. Модерн. “Фарғона” нашриёти, 2009.
8. **Маркес Г.Г.** Ошкора қотиллик қиссаси. Юз йил танҳоликда.– Т.: 1990.
9. **Маркес Г.Г.** Бузрукнинг кузи. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2008.
10. **Коэльо П.** Алкимёгар. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2004.
11. **Коэльо П.** Иблис ва Прим хоним. “ЖА”, 2010/7-9.
12. **Америка хикоялари.** – Т.: SMI-ASIA, 2011.
13. **Браун Дэн. Да Винчи сири.** – Т.: “Янги аср авлоди”, 2007.

УМУМИЙ НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1.Жорий назорат саволлари

- 1.Жаҳон адабиётининг энг қадимги даври: Шумер, Ҳинд ва Юнон адабиёти.
- 2.Гомер достонларининг образлар тизими.
- 3.”Одиссея” ва “Алпомиш” эпослари типологияси.
- 4.”Қадим Грециянинг афсона ва мифлари” асарининг композицион хусусиятлари.
- 5.”Қадим ҳинд мифологияси” асарининг хос хусусиятлари.
- 6.Софоклнинг “Шоҳ Эдип” трагедиясида трагик қаҳрамон мааласи.
- 7.Эсхил трагедиялари.
- 8.Еврииднинг “Медея” асарида хиёнат ва рашк талқини.
- 9.Французларнинг ”Ролланд ҳакида кўшик” асарининг жанр хусусиятлари.
- 10.Дантенинг “Янги ҳаёт” асарининг бадиий хусусиятлари.
- 11.Дантенинг “Халқ тили ҳақида” асарида бадиийят масалалари талқини.
- 12.Шекспир сонетларида “сонет хоними” образи.
- 13.Петрарка сонетлари.
- 14.Буалонинг “Поэтик санъат” асарида драма назарияси масалаларининг ёритилиши.
- 15.Мольер ижоди ва классицизм адабиёти.
- 16.Д. Дефо ижодида маърифат талқини.
- 17.Вольтернинг ”Мухаммад ёхуд таассуб” асари сюжети ва тарихий ҳақиқат масаласи.
- 18.Байроннинг “Шарқ достонлари” асарида романтизмнинг акс этиши.
- 19.В.Гюго ижодида романтизм.
- 20.Э.Золянинг “Ругон-Маккарлар” эпопеяси ва натурализм адабиёти.
- 21.Ж.Жойснинг “Навқирон санъаткорнинг сийрати” романида модернистик талқин.
- 22.Ж.Жойснинг “Уллис” романи: сюжат ва услуб масаласи.
- 23.Абсурд драма: Беккетнинг “Годони кутиш” асари.
- 24.А.Камюнинг “Вабо” романида абсурдлик ғоясининг акс этиши.
- 25.Э.Хеменгуэннинг “Чол ва денгиз” асарида рамзийлик.
- 26.Г.Маркеснинг “Танҳоликнинг юз йили” романида мифнинг ўрни.
27. Ф.Кафканинг “Жараён” романида экзистенциализм фалсафаси.
- 28.Ф.Кафканинг “Қалъа” романида қаҳрамон руҳияти тасвири.
- 29.Тимоти Уэнтернинг постмодернизмга доир қарашлари.
- 30.К.Юнгнинг “Пикассо” эссеси.

2.Оралиқ назорат саволлари

1. Жаҳон адабиёти тушунчасини ташкил этувчи омиллар ва мезонлар.
- 2.Жаҳон адабиётини даврлаштириш масаласи.
3. Мифология ва мифологик мактаб.
- 4.Миф ва адабиёт муносабати.
- 5.Эпосда қаҳрамон масаласи.
- 6.Эпос сюжетининг ўзига хос жиҳатлари.
- 7.Жаҳон драмаси: мифологик ва адабий омиллари.
- 8.Эсхил трагедияларида тарагизмнинг акс этиши.
- 9.Ўрта аср Европа драмаларида сюжет масаласи.
- 10.Ўрта аср испан қаҳрамонлик эпоси.
- 11.Шарқ ва ўрта аср гарб лирикасининг муштарак хусусиятлари.
- 12.Ўйғониш адабиёти тушунчаси.
- 13.Ўйғониш адабиётининг ижтимоий-эстетик асослари.
- 14.Данте ижодида шарқ мотивлари.
- 15.Шекспир драматургияси: жанр ва қаҳрамон масаласи.
- 16.Рабле ижодида гротеск.

17. Сервантес новеллаларининг бадиий хусусиятлари.
18. Классицизм адабиёти: фалсафий ва назарий омиллари.
19. Классицизм драмасида “уч бирлик” назарияси.
20. Сентиментал адабиёт ва Л. Стерн ижоди.
21. Сентиментал адабиётда тушқунлик мотиви.
22. Ғарб маърифатчилик адабиёти ва Вольтер ижоди.
23. Ғарб ва Шарқ маърифатчилигининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари.
24. Барокко адабиёти ва Гонгоро ижоди.
25. Концептизм адабиёти ва унинг вакиллари.
26. Романтизм адабиётининг адабий-фалсафий омиллари.
27. Натурализм адабиёти ва Э. Золья ижоди.
28. Модернизм адабиёти.
29. Ж. Жойс ва Ф. Кафка романлари.
30. Экзистенциализм ва Ж. П. Сартр ижоди.

3. Якуний назорат саволлари

1. Жаҳон ажабиёти тушунчасини ташкил этувчи омиллар: типологик, генетик ва маданий-тарихий омил.
2. Миф ва унинг турлари: этногоник, этиологик, антропологик, космогоник ва эсхатологик мифлар.
3. Мифда “хаос” ва “космос” тушунчалари ва уларнинг бадиий асарлардаги функциялари.
4. Мифологик сюжет ва бадиий сюжет муносабати.
5. Эпос ва роман муносабати.
6. Эпосда Алп тушунчаси ва алплик тизими.
7. Шарқ ва ғарб эпосларининг типологик хусусиятлари.
8. Эпос сюжети ва илохий китоблар сюжетидаги типологик жиҳитлар.
9. Эпосда ошиқ-маъшуқа-рақиб учлиги.
10. Қадим юонон трагедияларида “гуноҳ” ва “тақдир” мотивлари.
11. Трагедия ва миф муносабати.
12. Антик давр адабиётида “тасодиф” тушунчаси.
13. Ўрта аср Европа рицар романларида саргузашт масаласи.
14. Европа рицар-куртуаз лирикасининг поэтик хусусиятлари.
15. Уйғониш даври Европа адабиётида пейзажнин ўрни.
16. Европа уйғониш адабиётида гуманизм, тафаккур, “универсал одам” тушунчалари.
17. Шекспир трагедияларида “дионисийлик” талқини.
18. Дон Кихот иррационал образ сифатида.
19. Рабленинг “Гаргантюа ва Пантагрюэль” асарида бадиий маконинг ўзига хослиги.
20. Шарқ ва ғарб классицизми: муштарак ва фарқли жиҳатлар.
21. Концептизм интеллектуал адабий талқин сифатида.
22. Романтизм адабиётида идеал масаласи.
23. Натурализм адабиётида генетика талқини.
24. Футуризм адабиёти.
25. Абстракционизм эстетикаси.
26. Абсурд драма ва абсурдизм.
27. Камю ижодида “исён” тушунчаси.
28. Кафка романларида макон ва замонинг ўзига хослиги.
29. Беккет драмалари композицияси.
30. У. Фолькнернинг “Шовқин ва ғазаб” романида “ровий” образи муаммоси.

Тузувчи:

Ф.Ф.Н. О. Тўлабоев

Мустақил таълим

**“Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги” йўриқномаси
02.02.2009.01 134**

Хозирги вақтда таълимга қўйиладиган талаблардан бири талабаларга фақат билим бериш, уларда фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, ўқув кўнікмаларини шакллантиришдан иборат бўлмай, уларга мустақил билимларни қидириб топиш, ўзлаштириш шакллари, усуллари, воситаларини ўргатишдан иборат.

Мустақил таълим ҳар бир фаннинг хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда реферат, уй вазифаси, презентация, курс иши ва шу кабилар билан амалга оширилиши мумкин. Мустақил таълимни турларига қўйидагилар киради:

- Айрим мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- Берилган мавзу бўйича реферат тайёрлаш;
- Амалий машғулотлар ва семинарларга тайёргарлик кўриш;
- Курс ишларини бажариш;
- Назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- Анжуманларда маъruzalар билан қатнашиш;
- Битирув малакавий ишини тайёрлаш;
- Магистрлик диссертациясини тайёрлаш;
- Фанлар бўйича уйга берилган топшириқларни бажариш
- Мавзулар бўйича слайдлар, презентациялар тайёрлаш;

Мустақил таълимнинг мақсади:

1. Фан бўйича назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш, олинган билимларни муайян илмий, техникавий, ишлаб чиқариш, ижтимоий вазифаларни ҳал этишда қўллаш.
2. Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш;
3. Ижодий фаолиятга қизиқишини шакллантириш;
4. Тушуниш ва фикрлаш қобилиятини ривожлантириш;
5. Мустақил хulosалар чиқариш кўнікмаларини шакллантириш киради.

Мустақил таълимнинг вазифалари.

- Янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўнікмаларига эга бўлиш;
- Керакли маълумотларни излаб топишни қулай усуллари ва воситаларини аниқлаш;
- Ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш;
- Анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар билан ишлаш;
- Маълумотлар захирасини таҳлил этиш;
- Мустақил ишни бажаришда тизимли ва ижодий ёндашиш;
- Ишлаб чиқилган ечим, ғоя ва тавсияларни илмий асослаш.

Мустақил таълимни амалга ошириш бўйича фан ўқитувчисининг вазифалари

1. Талаба томонидан мустақил таълимни белгилangan режа асосида бажарилиши устидан назорат олиб бориш;
2. Дарсликлар, ўқув қўлланмалар илмий рисолалар, илмий мақолалар билан танишиб чиқиш бўйича топшириқлар бериш;
3. Мустақил ишга ўзи раҳбарлик қилаётган талабалар билан жадвал асосида маслаҳатлар ўтказиш.

4. Мустақил таълимнинг бажарилиши жараёни натижалари тўғрисида кафедра йиғилишларида мунтазам ахборот бериб бориш;
5. Мустақил иш натижаларини баҳолаш.

Мустақил иш устида ишлаш тартиби

- Мавзуни танлаш;
- Мустақил иш режасини тузиш;
- Мавзуга тааллукли асосий манбаларни ўрганиш;
- Зарурий маълумотларни конспект қилиш;
- Йигилган материалларни тартибга солиш ва ёзиш;
- Адабиётлар рўйхатини расмийлаштириш.

Мустақил ишни бажаришда энг аввало унинг режасини тузиб олиш муҳим босқич хисобланади. Мустақил иш режасини талаба мустақил тузади. Бунинг учун ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилган услубий кўрсатмалар ва ушбу мавзу бўйича тавсия қилинган адабиётлар билан олдиндан танишиб чиқиш керак.

Режани тузиш учун асосий эътиборни мавзунинг бош масалаларига қаратиш лозим. Мустақил иш режасини тузгандан сўнг дастур ишлаб чиқлади.

Мустақил ишнинг биринчи босқичи мавзуга оид адабиётлар билан танишиб чиқиш бўлади. Кафедра томонидан тавсия этилган адабиётлардан ташқари, талаба ўз хоҳишига кўра бошқа адабиётлардан ҳам фойдаланиши мумкин.

Даврий матбуот билан таънишиб чиқиш тавсия этилади. Энг янги маълумотлар ва статистик кўрсаткичларни кундалик газеталардан олиш керак, маҳаллий материаллардан, интернет сайтларидан фойдаланса мақсаддага мувофиқ бўлади.

Мустақил ишни бажаришнинг энг муҳим шарти мавзуни мутақил ёритиш саналади. Айрим манбалардан, ўқув адабиётлардан ўзгаришсиз кўчириб олса масалага мустақил ёндашмаган бўлади.

Мустақил таълимни баҳолаш

“Аъло” (12.9 -15.0)

- Танланган мустақил иш мавзуси бўйича назарий ва амалий билимларни тўлиқ ўзлаштирган бўлса;
- Мустақил иш вақтида аниқ ва тўлиқ ва тўғри бажарилган бўлса;
- Мустақил иш бўйича натижалар олиниб, қўлга киритилган натижалардан тўғри хulosалар чиқарилган бўлса;
- Мустақил ишнинг мақсад ва вазифалари тўлиқ ёритилган бўлса;
- Матнлар баённада илмийлик ва мантиқийлик сакланиб илмий хатоликларга йўл қўйилмаган бўлса;

“Яхши”(10.6-12.8)

- Танланган мустақил иш мавзуси бўйича назарий ва амалий билимларни тўлиқ ўзлаштирган бўлса;
- Мустақил иш вақтида аниқ бажарилган бўлса;
- Мустақил иш бўйича қўлга киритилган натижалардан тўғри хulosалар чиқарилган бўлса;
- Мустақил ишнинг мақсад ва вазифалари атрофлича ёритилган бўлса;

“Қониқарли”(8.3-10.5)

- Танланган мустақил иш мавзуси бўйича назарий ва амалий билимларни ўзлаштирган бўлса;

- Мустақил иш вақтида бажарилган бўлса;
- Мустақил иш бўйича натижалар олинган бўлса;
- Мустақил ишнинг мақсад ва вазифалар ёритилган бўлса;

“Қониқарсиз”(8.2 дан кам)

- Танланган мустақил иш мавзуси бўйича назарий ва амалий билимларни ўзлаштирган бўлса;
- Мустақил иш вақтида тўғри бажарилмаган бўлса;
- Мустақил иш бўйича олинган натижалар ноаниқ бўлса;
- Мустақил ишнинг мақсад ва вазифалари очиб берилмаган бўлса;

Мустақил иш мавзулари

| Тартиб раками | Мавзу номи | Вазифалар | Адабиётлар |
|------------------|------------|-----------|------------|
|------------------|------------|-----------|------------|

Ўқув фани бўйича ДТСга мувофиқ талабаларнинг билимлари ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар

Бакалавр қўйидагилар ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим:

- адабиёт назарияси фанининг предмети ҳақида;
- адабиёт назарияси фани тарихи, хозирги ҳолати ҳақида.

Талаба билиши ва қўллай олиши лозим бўлган нарсалар:

- адабиёт намуналарини ўқиш ва таҳлил қилишни;
- адабий-тарихий давр, адиблар ижоди, адабий оқимлар моҳиятини, бадиий маҳорат ва таҳлил принципларини.

Зарурий кўникмалар:

- адабиёт назарияси бўйича билим ва умумий тушунчаларга эга бўлиш;
- адабий оқимлар, бадиий асар моҳиятини англаш ва тадқиқ, таҳлил малакасини эгаллаш;
- олинган билимларни методик жиҳатдан татбиқ қила олиш.

Ўқитиша таълимнинг компьютер ахборотлаштириш ва бошқа замонавий технологияларини қўлланилиши

Фанни ўрганиш қўйидаги анъанавий ва илғор таълим бериш усулларини қўлланилган ҳолатда амалга оширилади: бадиий таҳлил (оғзаки), илмий тадқиқотлар (мақолалар), тезкор-сўров, тест-сўровлари, колоквиумлар, муаммоли ўқитиши ва бошқалар қўлланилади.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ТАРИХИ ФАНИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

| | | | | |
|---|---|--|---|--|
| Маданиятнинг илк ўчоғи қаердан бошланади? | Хиндистон. | Миср | *Шумер | Хитой |
| Тўфон ҳақидаги илк адабий манба? | *Гилгамеш ҳақида достон. | Инжил | Илиада | Рамаяна |
| Илмда қайси қадимги ҳалқни туркий ҳалқларнинг аждоди деган қараш бор? | Аккад | *Шумер | Ҳинд | Форс |
| «Рамаяна» эпосининг куйлаган биринчи хинд шиори? | Дашаратҳа | *Валмики | Ҳомер | Индра |
| Шумер ҳалқларидан қолган энг характерли бадиий асар? | «Агушая ҳақида достон» | «Эмеш ва Энтен» | «Олтин давр ҳақида достон» | *«Гилгамеш ҳақида достон» |
| Қадимги ҳинд эпоси «Панчатантра»нинг ўзбекча версияси. | Беш китоб. | Хамса | *Калила ва Димна | Маҳабхората |
| Энг қадимги Шарқ адабиётни яратган ҳалқлар? | Юнонлар, ҳиндолар, хитойлар, яхудийлар. | *Шумерлар, мисрликлар, ҳиндолар, хитойлар, яхудийлар, форслар. | Римликлар, форслар, мўғиллар, аккадлар. | Бобилликлар, мисрликлар, африкаликлар. |
| Жаҳон адабиёти насли ривожига ижобий таъсир қилган «қисса ичидаги қисса» усулида ёзилган асар? | Маҳабхората . | Хамса. | *Минг бир кеча. | Гилгамеш ҳақида достон. |
| «Шоирлар Одам атоси» деб таърифланган форс- тоҷик шоири? | Фирдавсий. | *Рудакий. | Ҳофиз. | Бедил. |
| ”Гулистон“ ва ”Бўстон“ асарларининг муаллифи? | Низомий. | *Саъдий. | Ҳофиз. | Биноий. |
| Дантеннинг “Илохий комедия”сида муқаддаслаштирилган рақам | 9. | 11. | *3. | 7. |
| Н.Г.Чернишевский қайси асар ҳақида: «Мен поэзиянинг жуда кўп намуналарини биламан, лекин бундан гўзалргини билмайман», -деган эди. | *«Минг бир кеча» | «Илохий комедия» | «Илиада» | «Фауст» |
| Ж.Бокаччонинг «Декомрон»и қайси асар таъсирида яратилган эди? | «Калила ва Димна» | *«Минг бир кеча» | «Тўтинома» | «Дон Кихот» |
| «Антик» сўзининг маъноси. | Мумтоз | Халқона | *Қадимий | Диний |
| Бирор уруғ, ёки қабиланинг пайдо бўлишига оид мифлар қандай номланади? | *Этиологик | Космогоник | Антропологик | Учала жавоб ҳам тўғри |
| «Илиада» асари кимнинг | Зевснинг | Геранинг | *Ахиллеснин | Гекторнинг |

| | | | | |
|---|-----------------------|---------------------------|---------------------------|------------------------|
| ғазалини күйлашга бағишиланган? | | | Г | |
| 14 йил она юртга қайтиш илинжида сарсон кезган антик қаҳрамон? | Ясон | Эней. | Агамемнон | *Одиссей |
| Эсхилнинг «Занжирбанд Прометей» асарида Зевснинг аҳлоқизлиги ва аёлларнинг давлат ишларига салбий таъсирини кўрсатувчи эпизодик образ? | Гефест | *Ио | Инах | Гермес |
| Юнон мифологиясида ёруғлик, санъат ва шеърият маъбудаси? | *Апаллон, | Эрос | Гермес | Афродита |
| Юнонча «Рапсод» сўзининг маъноси? | Сехргар | *Бахши | Синчи | Барча жавоб тўғри |
| Қадимги Юнон эпоси қаҳрамони Одиссей қайси хусусияти билан ажралиб туради? | Куч-кудрат | Кўркамлиги | Олийжаноблиги | *Айёрлиги |
| Фива туркуми афсоналари асосида яратилмаган асарни топинг? | «Шоҳ Эдип» | «Антигона» | «Эдип Колонда» | *«Занжирбанд Прометей» |
| Қайси асар аргонавтлар ҳақидаги афсона асосида яратилган? | *«Медея» | «Антигона» | «Шоҳ Эдип» | «Эронийлар» |
| Қадимги юнон лирикасида қўлланилган шеърий вазн қандай номланади? | *Гекзометр | Спандометр | Доктометр | Пентометр |
| Платон юнон мифологиясидаги 9 та муза ёнига ўнинчи қилиб қайси шоирнинг номини қўшади? | Алкей | Гомер | *Сапфо | Архилоҳ |
| Драманинг пайдо бўлиши қайси мифологик образ билан боғлиқ? | Зевс | Эрос | Апаллон | *Дионис |
| Адабиёт назариясига оид илк маҳсус асар. | Платон «Давлат» | *Аристотель «Поэтика» | Гесиод «Мехнат ва кунлар» | Гомер «Илиада» |
| Юнон адабиётида тарихий прозанинг илк намунаси | Гомер «Илиада» | Гесиод «Мехнат ва кунлар» | *Геродот «Тарих» | Барчаси тўғри |
| Эсхил ижодидаги ягона тарихий асар. | «Занжирбанд Прометей» | «Агаменон» | *«Эронийлар» | «Орестея» |
| Демосфон ва Цицерон қандай наср намояндалари | Бадиий наср | Тарихий наср | *Риторик наср | Фалсафий наср |
| Биринчи маротаба актёрнинг сонини иккитага кўпайтирган юнон драматурги? | Софокл | *Эсхил | Эврипид | Гесиод |
| Юнон драматургиясидаги | «Шоҳ Эдип» | *«Мидея» | «Антигона» | «Электра» |

| | | | | |
|---|--------------------------------|----------------------|-----------------------------------|-----------------------------|
| «Хўрланган муҳаббат ва рашқ трагедияси». | | | | |
| Аристофанинг қайси комедияси қадимги замон адабий танқидчилигининг ёркин намунаси. | «Арилар» | «Булутлар» | *«Курбақала р» | Ҳамма жавоб тўғри |
| Юон адабиётидаги тарихий, фалсафий ва риторик насрнинг бадиий адабиётига алоқадор жиҳати? | Динийлиги | Тарихийлиги | *Бадиийлиги | Фалсафийлиг и |
| Вергилийнинг «Энеида» асарида қайси давр воқеалари қаламга олинган? | Август хукмронлиги даври | Троя уруши даври | *Троя урушидан кейинги давр | Аттика даври |
| Александрия даврида «подачи –чўпонлар қўшиғи» маъносини билдирувчи қандай лирик жанр мавжуд эди? | Георгика | Элегия | Ямб | *Букомика |
| «Мабодо музалар лотин тилида сўзлашишини истасалар, улар муқаррар ... тилини танлашар эди». | Теренций | *Плавт | Овидий | Энний |
| Нутқлик санъатида Осиё услуби билан Аттика услубини омухталаштирган нотик? | Демосфон | *Цицерон | Катулл | Цезарь |
| Рим адабиётида неотериклар оқимиға мансуб шоирлар ижодининг энг муҳим хусусиятлар | Инсон рухияти тасвири | Тилнинг нағислиги | Вазн ранг- баранглиги | *Ҳамма жавоблар тўғри |
| «Георгикалар» ва «Буколикалар» асарларининг муаллифи | Гораций | Овидий | *Вергилий | Сенека |
| Данте «Илохий комедия»сининг “Дўзах” ва “Аъроф” қисмларида шоирга ҳамроҳлик қилган доно мураббий | Овидий | Гомер | *Вергилий | Ҳамма жавоблар тўғри |
| Рим адабиётида «Олтин муътадиллик» ғоясини илгари сурган ижодкор | *Гораций | Овидий | Катулл | Плавт |
| Рим адабиётида қайси ижодкор ўзининг адабий- эстетик қарашларини илгари сурган. | Вергилий | *Гораций | Овидий | Луцилий |
| Ўрта асрнинг энг охири ва Янги замоннинг энг аввалги шоири ким? | Петрарка | *Данте | Бокаччо | Серванtes |
| Италия учун ягона миллий тил яратиш ғояси кўтарилган Данте асари | «Янги ҳаёт» | «Зиёфат» | *«Халқ нутқи ҳақида» | «Илохий комедия» |

| | | | | |
|--|--|---|---|--|
| Данте Алигьери қаламига мансуб «Янги ҳаёт» асарининг жанрини белгиланг | Достон | *Рисола | Қисса | Драма |
| Италия шеъриятига янгича рух ва мазмун олиб кирган сонетнавис шоир | Данте | Лютер | *Петрарка | Бокаччо |
| Фарзандларининг меҳр-муҳаббатига ишониб хонавайрон бўлган ота тимсоли қайси асарда акс этган? | *Шекспир. «Кирол Лир» | Стендалъ. ”Қизил ва кора” | Тургенев. «Оталар ва болалар» | Л. Толстой. “Анна Каренина”. |
| Г.Флобернинг романтик ҳаёлпаратликка қарши ёзилган асари. | «Саламбо» | *«Бовари хоним» | «Сезгилар тарбияси» | «Бувар ва Пекюше» |
| Жаҳон адабиётининг энг буюк ҳикоянависларини топинг? | Бальзак, Буцати. | Стендалъ, Чехов. | Достоевский, Дени Дидро. | *Мопассан, Чехов |
| А.С Пушкиннинг шеърий роман жанридаги асари. | «Капитан қизи» | «Борис Годунов» | «Боғчасарой фантани» | *«Евгений Онегин» |
| Г.Уэллс ва Ж.Верн асарлари дунё адабиётида қайси йўналишнинг нодир намуналари ҳисобланади? | Реалистик | Фалсафий | *Фантастик | Тарихий |
| Ф.М.Достоевскийнинг ўн йиллик Сибирь сургуни таассуротлари асосида яратилган асари. | «Жиноят ва жазо» | «Телба» | «Бечора кишилар» | *«Ўлик уйдан мактублар» |
| Жаҳолат қурбони бўлган Исо Масих саргузаштлари қайси қатордаги асарларда ўзининг бадиий ифодасини топган? | «Телба» (Ф.Достовский) «Евгений Онегин» (А.Пушкин) | «Тирилиш» (Л.Тольстой), «Оқ гвардия» (М.Булгаков) | «Оқ кема» (Ч.Айтматов), «Ошкора қотиллик қиссаси», (Г.Г.Маркес) | *«Уста ва Маргарита» (М.Булгаков), «Қиёмат», (Ч.Айтматов). |
| Э.Хэмингуэйнинг «Чол ва денгиз» қиссасидаги кекса балиқчи чолнинг исми нима? | Родриго | Генрих | Эрнест | *Сантьяго |
| Қайси ёзувчи туғилган ва яшаш жойига кўра прагалик чех, тилига кўра немис, таянган маданий анъаналарига кўра австралийлик, миллатига кўра яхудий? | X.Хессе | Ж.П.Сартр | *Ф.Кафка | А.Камю |
| Асарларида инсон матонати ва ирода кучини кўрсатиб беришини мақсад қилиб қўйган ёзувчи? | У.Фольклор | *Э.Хэмингэй | X.Хессе | Ф.Кафка |
| Қайси адабий методда реал воқелик қаҳрамон ҳаёли қарама-қаршилигига очиб | Реализм | *Романтизм | Барокко | Сюрреализм |

| | | | | |
|--|-------------------------------------|--------------------------------------|----------------------------------|-------------------------------------|
| берилади? | | | | |
| «Фаргоналик келин» қайси араб ёзувчисининг асари? | Жуброн Халил | А.Шавқий | *Ж.Зайдон. | М.Мутрон |
| Нобель мукофотига сазовар бўлган турк ёзувчи | Нозим Хикмат | А.Несин | *Ў.Помик | А.Лутфий |
| Ўз романини модернизм билан бошлаб, реалистик усолда тугатган ёзувчи. | *У.Фольклор «Шовқин ва газаб», | Г.Маркес «Бузрукнинг кўзи» | Ф.Кафка «Жараён» | С.Моэм «Ой ва сарик чақа» |
| Барча асарлари марказида ҳаётнинг маънисиз (абсурд) лигини қўйган ёзувчи | Ф. Достовский | *А.Камю | А.Франс | Э.Хемингуэй |
| | | | | |
| Нобель мукофотини олишдан бош тортган адаб? | И.Бунин | Л.Тольстой | *Ж.П.Сартр | Б.Шоу |
| Нобель мукофотининг пулини хусусий мактабни пулсиз ўқитиладиган университеттага айлантиришга сарфлаган адаб | П.Неруда | Н.Махфуз | Я.Кавабата | *Р.Тагор |
| «Хожимурод» кимнинг асари? | Ч.Айтматов | Абай | *Л.Толстой | А.Тўқай |
| «XX аср Европа адабиётини учта кит кўтариб туради» деганда қайси ёзувчилар назарда тутилган? | Э.Хемингуэй , Ф.Кафка, Т.Манн | Г.Маркес, М.Пруст, У.Фольклор, | *Ж.Жойс, М.Пруст, Ф.Кафка, | А. Камню, Ж.П. Сартр, Х.Хессе |
| «Р.Тогар кийимини ўзгартирган немис», деб ким айтган эди? | Ф.Кафка, | *Т.Манн | И. Ганди | М.М.Баҳтиян |
| Қайси асарда И.В.Гётенинг суратига танқидий қаралган? | Т.Манн «Доктор Фаустус». | *Г.Гессе «Чўл бўриси» | В.Н.Вильмон д «Гёте» | А. Аникст “Гёте “Фауст”и” |
| Ўрта асрлар испан қаҳрамонлик эпоси... | "Роланлд ҳақида қўшиқ" | **Сид ҳақида қўшиқ" | "Нибелунглар ҳақида қўшиқ" | Ҳамма жавоб тўғри |
| Трубадурлар лирикасининг асосий жанрлари... | Кансона, сирвента. | Тенцона, альба. | Пасторела, мотам қўшифи. | *Барча жавоб тўғри |
| Ўрта асрларда дастлаб шаҳар адабиёти қаерда пайдо бўлди? | Италия | *Франция | Англия | Германия |
| Европада Уйғониш бошланган сана ва жой номини аниқланг. | *XIV аср Италия | XIII аср Испания | XVI аср Франция | XV аср Англия |
| "Ренессанс жарчиси" дея таърифланган ижодкор... | Серванtes | *Данте | Петрарка | Шекспир |
| Данте ўзига устоз деб билган антик давр Рим шоири... | Овидий | Гораций | *Вергилий | Сенека |
| Дантенинг "Янги ҳаёт" шеърлар тўплами кимга бағишлиланган? | Вергилийга | *Беатричега | Бонифацийга | Барча жавоблар хато |
| Данте ва Навоий ижоди ва фаолиятини қиёслаб мақола | Ё. Исҳоқов | *С. Мели | С. Олим | Б. Карим |

| ёзган ўзбек адабиётшуноси | | | | |
|--|-------------------------------------|-----------------------------|--------------------------------|-------------------------------|
| Италия поэзиясини мистика ва аллегоризмдан тозалаган ижодкор... | Данте | *Петрарка | Макиавелли | Ҳамма жавоб тўғри |
| Бокаччонинг "Декамерон" асари нечта новелладан иборат? | 70 | *100 | 36 | 27 |
| Эразм Роттердамский қайси халқ Уйғониш даври адабиётининг вакили? | Итальян | Инглиз | *Нидерланд | Немис |
| Шекспир қандай оиласда туғилган? | Адвокат | Табиб | *Кўлқопфуруши | Чойфуруш |
| "Доктор Фаустнинг фожеавий тарихи" асарининг муаллифи ким? | Гёте | Т. Манн | *К. Марло | Ф. Шиллер |
| Шекспирнинг сонетлар китоби нечта сонетдан таркиб топган? | 200 | *154 | 128 | 162 |
| В.Г. Белинский Шекспирнинг қайси асарини "драматик шоирлар шоҳи бошидаги нурафшон тож ўртасига қадаб қўйилган энг порлоқ гавҳар" деб таърифлаган эди? | "Отелло" | "Кирол Лир" | "Ромео ва Жульетта" | *"Гамлет" |
| Қайси асар қаҳрамони ҳақида "Тентакдай яшади, донишманддай ўлди" дейишади? | *"Дон Кихот" – Дон Кихот | "Гамлет" – Гамлет | "Фауст" – Фауст | "Дон Кихот" – Санчо Пансо |
| Қайси адабий оқим вакиллари антик адабиёт намуналарига тақлид қилишган? | Романтизм | Реализм | Сентиментализм | *Классицизм |
| Классицизм йўналишида ёзилган драмалардаги уч бирлик қонуни нималардан иборат? | Замон, макон, сюжет бирлиги | *Вақт, жой, харакат бирлиги | Жой, персонаж, харакат бирлиги | Ҳамма жавоб тўғри. |
| Классицизм адабий йўналиши қаерда пайдо бўлди? | Англия | Америка | Германия | *Франция |
| Саргузашт йўли билан маърифатни тарғиб этган ижодкор ва унинг асари... | Ж.Свифт "Гулливерни нг саёҳатлари". | *Д. Дефо "Робинзон Крузо" | И.В.Гёте "Поэзия ва ҳақиқат" | Г.Э.Лессинг "Донишманд Натан" |
| "Брут", "Кандид", "Мухаммад" асарлари қайси француз маърифатпарвар адиби қаламига мансуб? | Ж. Ж. Руссо | Д. Дидро | *Ф. Вольтер | Ҳамма жавоб тўғри |
| "Лаокоон" ва "Гамбург драматургияси" асарларида ўзининг адабий-назарий ва | И. В. Гёте | Ф. Шиллер | *Г. Э. Лессинг | И. Г. Гердер |

| | | | | |
|---|---|--|---|--|
| эстетик қарашларини илгари сурган немис маърифатпарвари. | | | | |
| Гётенинг "Ёш Вертернинг изтироблари" романи қайси адабий метод асосида яратилган? | Барокко | Классицизм | Реализм | *Сентимента лизм |
| Шарқ ва Ғарб адабий алоқалари маҳсули сифатида эътироф этиш мумкин бўлган асарлар | "Декамерон" (Ж. Бокаччо), "Рухлар исёни" (Э. Вохидов) | *"Ғарбу Шарқ девони" (И. В. Гёте), "Форс тароналари" (С.Есенин). | "Хожимурод " (Л.Толстой), "Макр ва мухаббат" (Шиллер). | "Евгений Онегин" (Пушкин), "Манфред" (Байрон). |
| "Фауст"даги Елена образи ниманинг тимсоли? | Маърифат | *Антик маданият | Муҳаббат | Уруш |
| Асарлари драматизмнинг кучлилиги билан ажralиб турувчи немис маърифатпарвари. | *Ф.Шиллер | Г. Э. Лессинг | И. Г. Гердер | И. В. Гёте |
| Байроннинг романтизм йўналишида ёзилган асарини аниқланг. | "Манфред" | "Шилйон тутқуни" | "Дон Жуан" | *Барча жавоблар тўғри |
| Жорж Гордон Байрон қайси адабий йўналиш намояндаси? | Барокко | *Романтизм | Сентиментал изм | Модернизм |
| Романтизм ва танқидий реализм уйғунлашган бадиий асар ва унинг муаллифи? | *Г.Гейне "Германия, қиши эртаги". | Ж.Г.Байрон "Манфред" | Ф.Шиллер "Макр ва мухаббат" | Ж.Свифт "Гулливерни нг саёхатлари". |
| "Қизил ва қора" ва "Парма ибодатхонаси" романларининг муаллифи? | О. Бальзак | П. Мериме | . Флобер. | *Ф. Стендаль |
| Қайси адаб деярли барча эпик асарларни жамлаб, уларни "Инсон комедияси" деган умумий ном билан атаган? | Ч. Диккенс | Э. Золя | *О. Бальзак | П. Беранже |

**Ўзбек тили ва адабиёти
кафедраси мудири:**

ф.ф.н. Ф. Шарипов

Тузувчи:

ф.ф.н.доц К. Кўбаев

“Жаҳон адабиёти тарихи” фанида атамалар ГЛОССАРИЙСИ

АВАНГАРДИЗМ (фр. avant-garde - олдинги отряд, илфор) - 1) шартли равища модернистик адабиётнинг бир қатор оқимларига хос бўлган хусусиятнинг умумий номи сифатида қўлланувчи термин.

АВТОБИОГРАФИК АСАР (юн. autos - ўзим, bios - ҳаёт, grapho - ёзаман) - муаллифнинг ўз ҳаёти ҳақида изчил ҳикоя қилишига асосланган адабий жанр.

АВТОИНТЕРПРЕТАЦИЯ (юн. autos - ўзим, лот. interpretation -тушунтироқ) - муаллифнинг ўқувчига ўз асарини тушунтириш, унга ўзи назарда тутган маънони англатишга қаратилган ҳаракати. А. турли шаклларда (сўз боши, сарлавҳа, эпиграф, бағишилов, сўнгсўз, сатр ости изоҳлари ва ш.к.) амалга ошиши мумкин

АВТОПСИХОЛОГИК ЛИРИКА - лириканинг субъектив ташкил-ланишига кўра кўриниши, *ижровий лирикага* (қ.) зидлаган ҳолда фарқланувчи лирик кечинма бевосита шоир тилидан ифода этил-ган шеър.

АДАБИЙ ЙЎНАЛИШ (русчадан калька: "литературное направление", "литературное течение") - адабий жараён билан боғлиқ категория. А.й. тушунчаси *ҳаётни бадиий акс эттириши принцип-лари, метод ва услуг* тушунчалари билан бевосита боғлиқ, у бадиий тафаккур тарзи, метод ва услуг кесишган нуқтада юзага келади.

АДАБИЙ МАКТАБ (русчадан калька: "литературная школа") -адабий йўналиш ичидаги ҳодиса, муайян ғоявий-эстетик қарашлар, ижодий принципларни дастурий тарзда қабул қилган ижодкорлар гурухи.

АДАБИЙ ОҚИМ (русчадан калька: "литературное течение") -адабий жараён билан боғлиқ категория, муайян давр адабиётидаги адабий йўналишнинг бир кўриниши, ўзига хос бир варианти.

АДАБИЙ ТАЪСИР (русчадан калька: "литературное влияние") -адабий жараёнда табиий равища ва қонуният мақомида мавжуд бўлган, бадиий тафаккур ривожида муҳим аҳамиятга молик ҳодиса.

ГЕРМЕНЕВТИКА (юн. hermeneuo - тушунтироқ, талқин қилмоқ) - тушуниш назарияси, матнни талқин қилиш тамойиллари ҳақидаги таълимот, гуманитар фанларнинг методологик асоси.

ГОНГОРИЗМ - испан шоири Л.де Гонгора-и-Арготе (1561 -1627) номи билан боғлиқ ҳолда испан ва португал тилларидағи адабиётларда юзага келган барокко доирасидаги оқим (қ. *барокко*).

ГОТИК РОМАН - XVIII асрнинг иккинчи ярми - XIX асрнинг биринчи ярмида Европа ва Америка адабиётларида оммалашган тематик жиҳатдан фарқланувчи роман тури. Г.р.лар ғайриоддий, даҳшат ва сирларга тўлиқ воқеаларни қаламга олиши билан ҳарактерланади.

ГРАФОМАНИЯ (юн. grapho - ёзмоқ, mania - касаллик, дард) -иктидори бўлмаган ҳолда ёзишга ружу қўймоқ. Г. ёзувчиликни жўн тушуниш, унга шуҳрат ва бойлика эришишнинг осон йўлларидан бири деб қараш, ўзининг ижодий имкониятларини реал баҳолай олмаслик оқибатида юзага келади.

ГРОТЕСК (итал. grotta - ер остидаги уй) - бадиий адабиёт ва санъатдаги образлиликтининг фантастика, кулги ва муболағага асосланган бир тури, услуг, бадиий услу.

ДАДАИЗМ (фр. dada - ёғочдан ишланган ўйинчоқ от, кўчма маънода болаларга хос бетартиб нутқ) - Биринчи жаҳон уруши даври Европа адабиёти ва санъатидаги авангвардистик оқим.

ДЕКАДЕНТЛИК (лот. decadentia - таназзул, тушкунлик) - XIX аср охири - XX аср бошлари Европа халқлари бадиини ва ижтимоий тафаккурида кузатилган тушкунлик (таназзул) ҳолатларини умум-лаштириб ифодаловчи термин.

ИДИЛЛИЯ (юн. eidyllion - кичик манзара, унча катта бўлмаган асар) - шаклий тузилишга кўра турлича, мазмун хусусиятларига кўра таснифланувчи поэтик жанр.

ИДИЛЛИЯВИЙЛИК (русчадан калька "идиллическое") - бади-ийлик модуси. И. модус сифатида элегия, драматизм билан биргаликда қахрамонлик, сатира ва трагизмдан фарқланадиган гурухни ташкил этади.

ИМПРЕССИОНИЗМ (фр. impression - таассурот) - XIX аернинг сўнгги чорагида дастлаб рангтасвир санъатида пайдо бўлиб, кейинчалик бошқа санъатларга ҳам сезиларли таъсир ўтказган йўналиш.

ИМПРОВИЗАЦИЯ (лот. improvisus - кутилмаган, бирдан) - бадий ижоднинг алохида бир кўриниши бўлиб, бунда асар бевосита ижро жараёнида яратилади. (қ. бадиҳа, экспромт).

КЛАССИЦИЗМ (лот. classicus - намунали, мумтоз) - XVII ас-рдан XIX аср бошларида қадар Европа санъатида кузатилган эстетик ҳодиса, шу давр адабий жараёнида етакчи мавқе тутган адабий йўналиш. Н.Буалонинг "Шеърий санъат" асарида К.нинг адабий-эстетик қарашлари му-фассал ифодасини топган.

МАЪРИФАТЧИЛИК, МАЪРИФАТЧИЛИК АДАБИЁТИ - феодал асосларга қарши ўлароқ майдонга чиқиб, XVII - XVIII аерларда Ғарбий Европа мамлакатлари ва Шимолий Америкада кенг ёйилган ғоявий-мафкуравий ҳаракат; шу ҳаракат ғояларини ўзига сингдирган ва тарғиб этган адабиёт.

МАЪРИФАТЧИЛИК РЕАЛИЗМИ - маърифатчилик даври (қ. маърифатчилик) Европа адабиётидаги йўналишлардан бири, шу даврда ҳаётни бадий акс эттиришнинг реалистик принципи (қ. реализм) асосида яратилган қатор асарларга хос умумий хусусиятлардан келиб чиқиб қўлланувчи атама.

МИФ (юн. mythos - ривоят, ҳикоя, масал) - ҳалқ оғзаки ижоди-нинг энг қадим даврларида пайдо бўлган, воқелик (олам) хақидаги тасаввурларни конкрет образлар воситасида акс эттирувчи ривоя-вий асарлар

МИФОЛОГИК МАКТАБ - XIX аср Европа адабиётшунослигида вужудга келган илмий йўналиш. М.м.нинг фалсафий негизини Ф.Шеллинг, А.Шлегель ва Ф.Шлегель каби мутафаккирлар таълимоти ташкил этади.

МОДЕРНИЗМ (фр. modernisme - энг янги, замонавий) - XIX аср охири - XX аср бошларида оммалашган термин, санъат ва адабиётда декадансдан кейин майдонга чиқсан нореалистик оқимларнинг умумий номи сифатида тушунилади.

НАТУРАЛИЗМ (лот. natura - табиат) - 1) табиий фанлар соҳасида эришилган улкан муваффакиятлар таъсирида XIX аср-нинг 60-йилларидан бошлаб Европа адабиётларида шаклланган адабий йўналиш.

ОКТАВА (лот. octo, octava - саккиз, саккизлик) - саккиз мисрадан таркиб топувчи, беш ёки олти стопали ямб (қ. стопа) ўлчовидаги мисралари abababcc тартибида қофияланувчи банд шакли.

"ОНГ ОҚИМИ" - XX аср модернистик адабиётида майдонга келган ҳаётни тасвирлаш усули; инсон руҳиятида кечувчи жараён-ларни бевосита, улар ҳақиқатда қандай кечса, ўшандай тасвир-лашга интилган адиблар ва уларнинг асарларига нисбатан қўлланувчи шартли атама.

ПОСТМОДЕРНИЗМ (фр. postmodernisme - модернизмдан кей-инги) - ўтган аернинг иккинчи ярмидан бошлаб адабиёт ва санъат-да, умуман, ижтимоий-гуманитар соҳаларда кузатила бошлаган оқим, ижодий метод.

ПОСТСТРУКТУРАЛИЗМ (фр. poststructuralisme - структурализмдан кейинги) - ижтимоий-гуманитар билим соҳаларида ўтган аср-нинг 70-йилларидан бошлаб шаклланган илмий ёндашувларнинг умумий номи.

ПРОЗА (лот. prosa - тўғри, одатий) - 1) ҳозирда кенг қўлланувчи маънода бадий нутқнинг икки асосий типидан бири, ритмик жиҳатдан ўлчовли тартибга солинмаган нутқ, наср.

РЕАЛИЗМ (лот. realis - мавжуд, ҳақиқий) - адабиётшунослиқда Р. термини тор ва кенг маъноларда қўлланади. Кенг маънода Р. терминининг маъноси бадий аср (унда тасвирланган бадий воқелик) билан реал воқелик муносабатидан келиб чиқади.

РЕАЛИЯ (лот. realis - ашёвий) - муайян ҳалқнинг турмуш тарзи, маданияти, тарихи билан боғлиқ бетакрор, ўзга ҳалқларда учрамайдиган нарса-ходиса, тушунча; шундай нарса ва тушунчаларни англатувчи сўз.

РИЦАРЛИК РОМАНИ (фр. roman chevaleresque - кавалерлик романи, нем. Ritterroman - рицарлик романи) - ўрта асрлар куртуаз адабиётиннинг асосий жанрларидан бири.

РОМАН (фр. roman - "лотин тилида эмас, роман тилларидан бирида ёзилган" маъносида) - замонавий адабиётда эпик турнинг йирик ҳажмли жанри.

РОМАНТИЗМ (фр. romantique, ингл. romantic) - Европа адабиётида **XVIII** аср охири - **XIX** аернинг биринчи ярмида етакчиллик қилган адабий йўналиш.

СЕНТИМЕНТАЛИЗМ (фр. sentiment -хис) - XVIII аернинг иккинчи ярмида Европа миллий адабиётларида вужудга келган оқим, номланиши инглиз адиби Л. Стернинг "Сентиментал саёҳат" (1768) асари билан боғланади.

СИМВОЛИЗМ (юн. simbolon, фр. symbolisme - белги, нишон) - Европада XIX аср охири - XX аср бошларида кузатилган маданий-маънавий инқизоз шароитида, позитивистик ёндашув (қ. *натурализм*) ва тобора урчиб бораётган омма адабиёти (*беллестристика*) намуналари обрўзизлантирган реалистик тасвир принципларига қарши ўлароқ, вужудга келган адабий оқим.

СТРУКТУРАЛИЗМ (лот. structure - қурилиш, жойлашиш) - XX асрдаги иккита жаҳон уруши оралиғида шаклланган ва 60-йилларга келиб кенг (айниқса, Францияда) оммалашган йўналиш, ижтимоий ва гуманитар илм соҳаларида тадқиқот методи.

СЮРРЕАЛИЗМ (фр. surrealisme - олий реализм, реализмдан юқори) - адабиёт ва санъатдаги XX асрнинг 20-йилларида майдонга келган авангардистик йўналиш.

ТАНҚИДИЙ РЕАЛИЗМ - XIX аернинг ўрталарида майдонга келган адабий йўналиш, ижодий метод (қ. *реализм*).

ФОРМАЛИЗМ (лот. forma - ташқи кўриниш) - бадиий шакл ва мазмуннинг уйғун бирлиги талабидан чекиниб, шаклнинг нисбий мустақиллигини мутлақлаштирган холда, унга бадииятнинг бош мезони сифатида карашда намоён бўлувчи эстетик тенденция.

ФОРМАЛ МЕТОД - адабиётшунослиқдаги бадиий шаклни ада-биётнинг моҳиятини белгиловчи категория сифатида тушунган назарий йўналиш.

ФУТУРИЗМ (лот. futurum - келажак) - XX аср бошларида май-донга келган авангардистик оқим.

ЭКСПРЕССИОНИЗМ (фр. expression - ифодалаш) - XX аср бошларида немис адабиётида шаклланиб, бошқа миллий адабиёт-ларга ҳам ёйилган адабий йўналиш.

ЭЛЕГИЯ (от фригияликлар тилидаги "elegn" - камишдан ясал-ган най) - ҳозирги маъносида кўпроқ фалсафий мазмундаги, қайғули ўйларни ифодаловчи шеър; мазмун жиҳатидан таснифланувчи лирик жанр.

ЭЛЕГИЯВИЙЛИК (русчадан калька "элегическое", "элегичность") - бадиийлик модуси. Э. *идиллиявиийлик* ва *драматизм* билан биргаликда қаҳрамонлик, *сатира* ва *трагизм*, *ан* фарқланувчи модулар гурухини ташкил этади.

ЭПИСТОЛЯР АДАБИЁТ (юн. epistole - мактуб, нома) - бирорга мактуб шаклида ёзилган адабий ёки публицистик асарлар

ЭПИТАФИЯ (юн. eritaphos - қабртошдаги ёзув) - қабртошга ёзилган битик; ҳақиқатда қабртошга битилган ёки қабртошга битилмаса-да, тўпламдан жой олган мўъжаз шеър.

ЭПОПЕЯ (юн. еророїа, яъни: eros - ривоя, ҳикоя ва ројео - яратмоқ, ижод қилмоқ) - ҳажман йирик, асосига умумхалқ аҳамиятига молик проблематика қўйилган эпик асар.


ЭПОС (юн. eros - ривоя, ҳикоя) - 1) бадиий адабиётнинг учта асосий туридан бири.

"ЯНГИ РОМАН" - XX аернинг 50-йилларида майдонга чиққан бир қатор француз ёзувчилари (Н. Саррот, А. Роб Гри耶 ва б.)нинг роман бобидаги экспериментал изланишларига хос хусусиятларни англатувчи шартли термин.

“Жаҳон адабиёти тарихи” фанидан слайдлар




Мечта о вечной жизни. Древний Египет.
Сенофер, хранитель садов фараона у древа
жизни, плодами которого питаются боги и
обретают бессмертие.






всегда нравится его спутникам. Но их порицание звучит великой ему похвалой:


Дельфы. Развалины портика в помещений, где хранились ценности дельфийского оракула (приношения верующих).



Александр Македонский на своем знаменитом коне Буцефале. Бронзовая конная скульптура из гробницы Лисиппа, придворного скульптора полководца. Птолемеи. История. История




Помпеи. Храм Аполлона.





Помпеи. Настенная живопись.



Помпеи. Настенная живопись



Молодой Данте. Фреска XVI в.



Данте и Беатриче. Рисунок Сандро Боттичелли



ФРАНСИСКУС ПЕТРАРКА
Петрарка. С портрета неизвестного художника школы Беллинги.





Рисунок Петрарки, изображающий его домик в Воклозе



Джованни Боккаччо. С гравюры XVI в.



Иллюстрация к «Декамерону». Манускрипт конца XV в.



Титульный лист обращения М. Лютера «К христианскому дворянству немецкой нации» (1520)



Монтен. Портрет работы неизвестного художника



Сервантес. Портрет неизвестного художника



Лопе де Вега. Портрет работы Л. Тристана




Томас Мор. Портрет Г. Гольбейна



План острова Утопия. Из изд. 1518 г.




Фрэнсис Бэкон. Портрет Закера




Титульный лист первого издания «Опытов» Бэкона





Титульный лист «Трагической истории доктора Фауста» Марло, изд. 1631 г.



Шекспир. Портрет с титульного листа первого издания сочинений Шекспира 1623 г. Гравировано Друсхоутом




Шекспир ИМЗОСИ







ВОЛЬФГАНГ ГЕХТ
МУЗЕЙ
ГЁТЕ В ВЕЙМАРЕ





Христиана Вульпийс,
рисунок Гёте, приблизительно
1788-89 г.
Модель Веймарского
придворного театра,
приблизительно 1800 г.
Актриса Христиана
Бекнер



Левая сторона: Витрина
«Метеорология»
Витрина «Геология и
минералогия»
Вид помещения 10
Витрина «Учение о цвете»
Таблица в экспериментальном
помещении

